


← ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ →

**МАШРАБ**

*АГАР  
ОШИҚЛИГИМ  
АЙТСАМ*



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2013



УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)1

М-34

Узб. араб.

Тузувчи:

Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди

### Машраб

М-34 Агар ошиқлигим айтсам / Машраб; тузувчи Э.Очилов; рассом А.Сайдбердиев; мухаррир Б.Худоёрова. – Тошкент: O'zbekiston, 2013. – 248 б. – (Жаҳон шеърияти дурдоналари).

ISBN 978-9943-01-934-8

Юртимизда Машраб номини билмайдиган узбек, шоирнинг дилўрттар шеърлари кириб бормаган хона-дон, унинг ҳассос байту мисраларини ёд билмайдиган адабиёт мухлиси топилмаса керак. У том маънодаги ҳалқ шоири бўлиб, барча шеърлари оғиздан-оризга ўтиб бизгача етиб келган: унинг қўшиқка айланиб, тилга тушмаган, дилдан жой олмаган шеъри йўқ хисоби. Бу кўнгилга яқин исенкор ва оташин, махзун ва лардли, шўх ва ўйноқи, мусиқий ва жарангдор шеърлар ўз-ўзидан йўрғалаб куйга тушиб кетаверади. Шоирнинг оташкадага айланган қалбидан отилиб чиққан ўтили мисраларидан биргина учкун тушган юрак бир умр Машраб шеърларининг ошигу шайдосига айланади. Ушбу тўпламга унинг энг машхур, энг севимли, энг баркамол разалу мустазодлари ҳамда мураббаба, мухаммас, мусаддас ва мусаббаъларидан намуналар киритилди.

УЎК: 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)1

ISBN 978-9943-01-934-8

Alisher Navoiy

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

2014/8

А

655

номидаги

“zbeckiston.MK”



## ЖАСОРАТЛИ ҚАЛБ СОҲИБИ

Ўзининг оташин шеърлари билан ошиқ кўнгилларга ўт солган Боборахим Машраб 1640 йили Наманган шаҳрида камбағал бўэчи Валибобо хонадонида дунёга келган. Бошланғич мактабда саводини чиқарган. Туғма жазба соҳиби бўлган ўғлидаги алоҳида истеъодони пайқаган отаси уни ўша замоннинг машҳур пири муршидларидан бўлган Мулло Бозор Охунд (вафоти – 1668) тарбиясига топширади. Бўлажак валий шоир устози қўлида Куръони карим асослари, Ҳадиси шариф илми, тасаввуф таълимотини чукур ўзлаштиради, форс ва араб тиллари ва адабиётини ўрганади. Хусусан, Ҳўжа Ҳофиз ҳамда Жалолиддин Румий асарларини севиб мутолаа қиласи – бу буюк форстоҳик сўз санъаткорлари таъсири Машрабнинг деярли ҳар бир шеърида сезилиб туради.

Тасаввуфда бир пирнинг ўзидағи билимларни ўргатиб бўлгач, истеъоди ва лаёқатига қараб, муридни ўзидан кучли пирларга йўллаш анъанаси бўлган. Шунинг учун сўфийлар кўпинча бир неча пирнинг таълимини олишган. Бозор Охунд ҳам шогирдининг тўла камолот касб этишини истаб, уни ўша даврнинг буюк

пири муршиди кошғарлик Офоқ Ҳожа (вафоти - 1693) ҳузурига йўллайди.

Даргохига келган Машрабнинг ўтли нолаларини эшитган Офоқ Ҳожага унинг ошиқонағазаллари «хуш келиб, назари илтифотлари бирла қараб, қўлларини очиб, Машрабни ҳаққифа дуойи хайр қилиб, кифтиға қоктилар эрса, бисмил бўлғон мурғдек бехуд бўлиб йикилдилар. Шул подшоҳим Машрабни бошини тиззалариға олиб, ботиндин хабар олдилар эрса, Машрабни дилини чирогиға ёғ қуюб, филтасини тайёр қилиб, равшан қилғони бир пири комил тобмай юрган экан. Ҳазратим айдиларки: «Эй сўфийлар, сизлар гувоҳ бўлунглар, бу девонани отини Машраб қўйдум, Оллоҳу акбар!» Андин сўнг девонанинг оти Машраб демакликка шухрат топти»<sup>1</sup>. Бу ҳақда Машрабнинг ўзи ҳамғазалларида таъкидлаб ўтади:

Офоқ Ҳожамким суюб, отинг Машраб дедилар,  
Бўсовонгда ўларман, манда ҳасрат қолмади.

\* \* \*

Кудлус аро азиз Ҳожам Машраб отимни қўйдилар.  
Кошғару Ёрканд ичиди сохиби гуфтор ўзум.

Шу тариқа, 15 ёшидан Машрабнинг ранжу машаққатлар, қайғу-изтироблар, фожиаларга тўла сарсон-саргардонликдаги ҳаёти бошланади. У Офоқ Ҳожа даргоҳида етти йил хизмат қилиб, тасаввуф илмини тўла эгаллайди.

<sup>1</sup> Киссаи Машраб. Тошкент, 1992. 33-бет.

1672–1673 йилларда Машраб Офок Хожа даргоҳини тарқ этади. Бунга унинг пири даргоҳидаги канизаклардан бири билан севишиб колгани сабаб қилиб кўрсатилади. Аслида бу кувғиннинг замирида пир ва мурид ўртасидаги мафкуравий зиддиятлар ётган бўлса керак<sup>1</sup>. Бундай зиддиятлар кўплаб пиру муридлар, жумладан, Нажмиддин Кубро билан Маждиддин Бағдодий орасида ҳам бўлган. Бу ҳол уларнинг танлаган йўли, қарашларидаги тафовутлар туфайли келиб чиқади. Чунончи, Машраб кўнгил одами эди, бутун вужуди исёнга чулғанган эди, завқу жазаваси чегара билмасди – бундай кишиларни жиловлаш, бир қолипга солиш қийин бўлади.

Машраб ҳаёти афсонаю ривоятларга кўмилib кетган: «Девонаи Машраб», «Эшони Машраб», «Ҳазрати шоҳ Машраб» номлари билан ҳалқ ўртасида кенг тарқалган қиссалар бунинг ёрқин далили. Уларда қаландар шоирнинг ҳаёт ва ижод йўли муайян даражада ёритилган. Шу тазкира, маноқиб ва ҳалқ китоблари орқалигина Машраб таржимаи ҳоли ва ижодий қиёфасини бир қадар тасаввур киламиз. «Қиссалар кейинчалик ўзгартириш ва тузатишларга дуч келган, турли тўқималар, янги-янги ривоят, нақллар,

<sup>1</sup> Бундай фикр таникли адабиётшунос олим Абдурашид Абдуғафуров томонидан ҳам таъкидлаб ўтилган (Қаранг: Абдуғафуров А. Боборахим Машраб // Буюк сиймолар, алломалар. Уч китобдан иборат. З-китоб. Тошкент, 1997. 4-бет).

саргузашт ва латифасимон лавҳалар билан тўлдирила борилган. Натижада, қиссаларда тарихий Машраб ва унинг ижтимоий-ижодий фаолияти халқ тасавуридаги тўқима Машраб ҳамда у ҳақидаги саргузашт ривоятлар билан коришиб кетган. Шундай бўлса-да, Машраб ҳақидаги қиссалар шоир ҳаёт йўлини нисбатан тўла ва боскичма-боскич баён этувчи, шунингдек, яратган асарларининг кўлгина қисмини ўзида жамловчи адабий-тарихий манба сифатида илмий аҳамият касб этади»<sup>1</sup>.

Офок Хожа даргохидан ҳайдалгач, Машраб Ёркентга йўл олади, у ердан Ҳўтанга, кейин Фулжага ўтади, сўнг яна Кошғарга қайтиб келади. Офок Хожанинг дўсти Шайх Нуриддин касал бўлиб қолгач, ундан хабар олгани Тошкентга юборилади. Дўстининг хабарини пирига етказиш учун яна Кошғарга борган Машраб 18 йилдан сўнг Намангандага қайтиб, онаси ва синглиси билан учрашади. Кутимаганда онаси вафот этади. Онасини дағн этиб, маъракаларини ўтказган қаландар Машраб яна сафарга отланади.

Дўсти Сармаст ҳамроҳлигида Бухорога йўл олади. Ҳўжандда тўхтаб, Тошкентга ўтади, у ердан Туркистонга, сўнг яна Ҳўжанд орқали Тошкентга қайтиб, нихоят Бухорога жўнайди. «Бу ерда машҳур эшон ва мулла Охунд Мав-

<sup>1</sup> Абдугафуров А. Машраб // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент, 2003. 534–535-бетлар.

лоно Шариф ҳамда Бухоро хони Убайдуллохон (вафоти – 1717) билан кўришади»<sup>1</sup>.

Машраб Бухородан Балхга ўтиб кетади. Қабодиёнда тўхтаб, машхур мутасаввиф шоир ва авлиё Сўфи Оллоёр билан учрашади. Умуман, Абдурашид Абдуғафуровнинг ёзишича, Машрабнинг ҳаёти Ўрта Осиёнинг деярли барча катта шаҳарлари билан боғлик, у, «шунингдек, бир неча Шарқ мамлакатларига саёҳат килган»<sup>2</sup>.

«Тазкираи Қайюмий»да келтирилишича, Кундуз шахри уламолари билан қандайдир масала устида баҳслашиб, куфрда айбланади ва уларнинг фатвоси билан Субхонкулихоннинг Балхдаги ҳокими Маҳмуд Қатағон томонидан 1711 йили дорга осилади<sup>3</sup>. Уч кундан сўнг Маҳмуднинг ўзи ҳам том остида қолиб, ҳалок бўлади – уни бегуноҳ Машрабнинг қони тулади. «Шоир жасади шогирдлари томонидан Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳридан 400 километр чамаси наридаги Хонобод ноҳиясининг Ишкамиш қишлоғига дағн этилган бўлиб, ҳозир ҳам муқаддас зиёратгоҳлардан биридир»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Абдуллаев И. Бобораҳим Машраб ва унинг «Мабдаи нур» асари (Сўзбоши) //Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. Тошкент, 1994. 8-бет.

<sup>2</sup> Абдуғафуров А. Машраб (Сўзбоши) //Машраб. Танланган асарлар. Тошкент, 1963. 7-бет.

<sup>3</sup> Каранг: Пўлатжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. Уч китобдан иборат. 1-китоб. Тошкент, 1998. 64-бет.

<sup>4</sup> Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. Тошкент, 1997. 40-бет.

Ўзининг дорга осилишини Машрабнинг ўзи  
ҳам олдиндан башорат қилган – шоирнинг қатор  
шеърларида бунга ишоралар мавжуд. Чунончи:

Неча Мансур ўлди иршодманд мухаббат йўлида,  
Менга ҳам доре курилғонда етар бу қисматим.

Мансур – машхур сўфий Мансур Ҳаллож (858–922). «Аналҳақ» – «Мен Ҳакман!» дегани учун вахшиёна бир тарзда қийнаб ўлдирилган.

Хужжат ул-ислом Имом Фаззолий таъбири билан айтганда, Мансур «Аналҳақ» деганда, шундай бир мартабада эдики, унинг назаридаги Оллоҳдан бошқа барча борлик йўқликка маҳкум эди. Ҳатто ўзининг исмини ҳам унтиш даражасида бўлган бу зот факат Оллоҳнинг исмларидан бўлмиш ал-Ҳақ – «Ҳақ – мавжуд» сўзини биларди, холос. Маълум бўладики, Мансур «Аналҳақ» деганда, Ҳудолик даъво қилмаган, балки «Ёлғиз Ҳақ мавжуд ва мен унинг ажралмас қисмиман» демоқчи бўлган.

Мансур Ҳаллож – илоҳий ишқ майидан маст ошиқ рамзи сифатида Шарқ мумтоз сўз санъатида авж пардаларда тараннум этилган. Мансурни меҳру муҳаббат билан тилга олмаган, уни ишқ йўлида ўзига пир деб билмаган, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатмаган шоирлар ўтмиш адабиётимизда йўқ хисоби. Ҳусусан, тасаввуфда Мансур Ҳаллож ва Боязид Бистомий йўлинни тутган, сукра – мастлик йўналиши тарафдори бўлган Аттор, Насимий, Машраб каби шоирлар учун у маънавий пир даражасида эди.

Мансур Ҳалложга эътиқоди баландлигини назарда тутиб, Машрабни ҳатто Мансури Со-ний – иккинчи Мансур ҳам дейишган. Бир умр «Аналҳақ»ни тилидан қўймаган Машраб учун Мансур мисол «шахиди ишқ» бўлиш олий орзу эди:

«Ху» десам «Аналҳақ» деб, олам бориси Ҳак дер,  
Мансур киби бошимни дор узра тутай дерман.

Офоқ Ҳожа даргоҳидан кетгач, Машраб деярли қирқ йиллик умрини сайру саёҳатда, дарбадарликда ўтказади. «Дарбадар бўлдум – жаҳонни кўп тамошо айладим», – деб ёзади бу ҳақда шоирнинг ўзи ва бунинг сабабини шундай тушунтиради:

Ошикға раво эрмас учун маскану маъво,  
Чун оби равон булдим-у, яъни сафар этдим.

Бу унинг халқ ичига чуқур кириб бориши, кишиларнинг ўй-фикрлари, орзу-армонлари, мақсад-интилишларини теран англаши, турмуши, тирикчилиги билан кенг танишиши, халқ ичида юрган охорли иборалар, теша тегмаган нозик лутф ва қочиримларни ўзлаштириб, ўз шеърларида улардан маҳорат билан фойдаланишига имкон яратди, унинг чинакам халқ шоири бўлиб етишишини таъминлади. Машраб шеъриятининг том маънодаги халқчиллиги илдизларини айни шу ердан қидириш керак.

Бу сафарлари давомида у меҳнаткаш халқ билан бирга яшади, нафас олди. Ҳамма ерда

ҳам оддий кишиларнинг ҳаёти бир хил эканлигини кўрди. Меҳнатдан боши чиқмаган ҳалқнинг ранжу машаккатда, унинг бошида қамчи ўйнатганларнинг роҳат-фароғатда умргузаронлик қилаётганларига қайта-қайта ишонч ҳосил килди. Шоирнинг исёнкор овозини баланд кўтариб:

Дили тиги ситамдин пора бўлган ҳалқни кўрдим,  
Тани дарду аламдин ёра бўлган ҳалқни кўрдим,  
Кўзи вакти саҳар сайёра бўлган ҳалқни кўрдим,  
Мухаббат даштида аввора бўлган ҳалқни кўрдим,  
Жунун түғён этибдур ҳар бириси бехабар танҳо, —

деб нолаю фарёд чекиши бежиз эмас.

Машрабнинг адабий мероси ҳозиргача тўла аникланган эмас. «Шоир тириклик даврида ўз шеърларини тўплаб, девон шаклига келтирмади. Бу ишни унинг бирорта яқин кишиси ҳам амалга ошиrolмаган. Унинг шеърлари «Қиссаи Машраб»да, шоир вафотидан кейин асосан XVIII–XIX асрларда тузилган мажмуалар, тазкира ва баёзларда тарқок холда бизгача этиб келган»<sup>1</sup>. У мохир ғазалнавис сифатида машхур. Бундан ташқари, мураббаъ, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ жанрларида ҳам маҳорат билан қалам тебратган. Айтиш мумкинки, у бу жанрларни янги тараққиёт босқичига кўтарди. Бу шаклан гўзал, мазмунан теран, бадийи баркамол, исёнкор рух, жарангдор оҳанг, ўйноки услубдаги шеърлар ҳалқ ўртасида кенг

<sup>1</sup> Абдуллаев И. Боборахим Машраб на унинг «Мабдаи нур» асари. 9-бет.

шұхрат топиб, оғиздан-оғизга, китобдан-китобға ўтиб келди, халқ ҳофизлари томонидан севиб ижро қилинди. Шоир шеърларининг аксарияти қўшиққа айланиб кеттани ҳам шундан.

Машраб халқ орасида Шоҳ Машраб, де-вона Машраб, Эшони Машраб номлари билан машхур бўлган. Кўпгина шеърларида унинг ўзи ҳам ўзини девона Машраб деб тилга олади. Девоналик – тасаввуфда ишққа ошиғу ҳайрону саргашта бўлган ва тарикатта мансуб кишини билдиради. Машраб ҳам илоҳий ишқ девонаси эди. Кўпгина шеърларида унинг ўзи бунинг сабабларини изоҳлаб кетади:

Ҳаёли қомати бирлаки, мен умрумни ўткардим,  
Мени барча ҳалойик дейдилар: «Девона-девона».

У инсоний муҳаббатни ҳам ҳассос ва бетак-рор мисраларда тараппум этгани ҳолда қўпроқ илоҳий ишқни ёниб улуғлади. Таъбир жоиз бўлса, ўз ижодида «заминий дардни – ижтимо-ий ҳақсизлик ва адолатсизлик дардини илоҳий дард – рухнинг кийноклари дарди билан қўшиб баён этади»<sup>1</sup>.

Машраби девонани ҳайрон этиб,  
Не сабабдин келмадинг бир кошима.

Шоир шеърлари халқона охангда, охорли тимсолу ташбеҳларга бой, тили содда ва самимий, услуби равон ва ўйноки – шунинг учун ҳам

<sup>1</sup> Саломов F., Комилов Н. Шоири Аналҳак (Сўзбoshi) // Бобораҳим Машраб. Мехрибоним қайдасан. Тошкент, 1990. 7-бет.

кўнгилга яқин, тез эсда қолади, ўзи йўргалаб  
қўшикқа тушиб кетаверади. Айтайлик:

Дарду аламдин болу пар айлаб,  
Шахбоз кўнглум учди хавога, —

деб ёзиш учун инсон қанчалик ранжу алам  
кўрган бўлиши ва қанчалик хаёлот парвозига,  
бетакрор истеъдодга эга бўлиши керак!

Машраб сира ўзини зўрлаб жимжимадор  
мисралар тизмайди, билъакс, содда ва самимий  
сатрлари билан ўз фикрларини мўъжиза дара-  
жасида ҳайратомуз ифодалайди ҳамда оддий  
сўзлардан ҳам ҳайрон қоларлик бадиий каш-  
фиётлар яратиш мумкинлигини исботлайди ва  
ўқувчини бунга ишонтира олади.

Машраб том маънодаги ҳалқ шоиридир. Бу  
унинг ҳалқ дилини ўртаган, тилининг учидা  
турган фикру ўйлари, туйғу-кечинмаларини  
жасорат ва маҳорат билан шеърга солгани-  
дан тортиб, ҳалқона сўз ва иборалар, ташбех  
ва кочиримлар, киноя ва лутфларни асарла-  
ри катига усталик билан сингдириб юборга-  
нигача яккол намоён бўлиб туради. Содда ва  
тушунарли тил, самимий фикру туйғуларнинг  
табиий ифодаси, ўйноки ва жарангдор услуб,  
хассослик, оташинлик, исёнкорлик — шоир  
шеъриятининг асосий хусусияти хисобланади.  
Машраб шеърларининг ҳалқ ичida машҳурлиги  
ва девонга солинмаган бўлса-да, тилдан-тилга  
ўтиб, бизгача етиб келганлиги бунинг ёрқин  
исботидир.

Шоир халкона сўз ва ибораларни шунақанги танлаб, жойини топиб ишлатадики, улар узукка кўйилган кўздай шеърнинг ҳуснини очиб юборди, унинг таъсирчанлигини ошириб, халкчиллигини таъминлайди. Чунончи, мана бу байтида оғзимиз гўёки кулиб юрган бўлса ҳам, аслида дилимиз кон йиглаяпти деган халкона таъбирдан ўз ахволини образли тасвирлаш учун маҳорат билан фойдаланган:

Бўлмасун огоҳ кипи ҳоли дилимдин халқ аро,  
Гарчи қулди оғзимиз, аммо дили жон йиглади.

Шоирлар ўз асарларида халқ мақол-маталлари, хикматли сўзларидан фойдаланиш билан кифояланиб қолмай, эл ичидаги машҳур ташбехлар, образли иборалардан ҳам кенг истифода этадилар. Халкона сўз ва ибораларни ўз шеърлари қатига маҳорат билан сингдириб юбориша тенгсиз Машраб бир байтида сенинг кўйингни бихишт айвони каби ораста қилиш учун кўзим косаси билан сув сепиб, кипригими ни супурги килай дейдик, буларнинг барчаси халкона ташбеху тимсоллардир:

Мижам жоруб этиб, куз косасида сув сепай дерман,  
Бихишт айвони янглиғ соз этмак ихтиёrim бор.

Халқ мақол-маталларидан ўз шеърларида маҳорат билан фойдаланиб, уларнинг таъсир кучини оширган Машрабнинг кўплаб байту мисралари ҳам хикмат каби жаранглайди:

← **ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ** →

Тавофи олами дил кил жахонда хар башардин сен,  
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмазму?

\* \* \*

Нур бўлур эрдимки, нафс аждахоси бўлмаса.

\* \* \*

Олими илмига мағрур, жоҳили исёнга ғарқ,  
Кас на билсун – рўзи маҳшар кимни тоши кам

келур.

\* \* \*

Тўғри юрусанг, эл сўзидин санга на ғамдур.

Шоирлар бор – бирор мисра ё байтини эл билмайди. Шоирлар бор – бутун-бутун шеърлари, ўнлаб байтларини ҳалқ ёд айтиб юради. Машраб кейинги тоифадан – унинг барча асарлари оғиздан-оғизга ўтиб, ҳалқнинг ўз шоирига бўлган бекиёс муҳаббати орқали бизгача етиб келган.

Шоирлар бор – бирорта шеъри ҳофизлар тилига тушмаган. Шоирлар бор – бир-икки машхур қўшиғи мавжуд. Машрабнинг эса қўшиқ бўлмаган, асрлар давомида ҳофизлар томонидан севиб ижро этиб келинмаган шеъри йўқ ҳисоб. Бу шоир шеърларининг ўйноқилиги, кўнгилга яқинлигидан. Бу шеърлардан ҳассос муҳаббат нафаси уфуриб туради. Ҳофизларга илҳом бергани каби, тингловчилар қалбига ҳам ўт солади.

Машрабнинг бекиёс даражадаги самимияти, ўкувчини ўзининг энг яқин сирдоши деб билиши ва кўнглидаги барча пинхону ошкор туйғу-кечинмаларини очиб ташлаши уни ўзига янада яқинлаштиради. У жамиятнинг ҳам, одамларнинг ҳам, ўзининг ҳам айбу қусурларини хеч бир андипасиз жасорат билан фош қилади.

Машрабни Машраб килган – унинг тафаккурдаги жасорати.

Машрабни Машраб қилган – унинг инсоний туйғу-кечинмалар ифодасидаги маҳорати.

Машрабни Машраб килган – унинг тасвирдаги балоғати.

Биз ушбу тўпламни таникли адабиётшунос олимлар – Абдурашид Абдуғафуров нашрга тайёрлаган Машраб «Танланган асарлар»и (1963) ва «Машраб шеъриятидан» (1979) тўплами, шоирнинг Ваҳоб Раҳмонов ва Комилжон Исроиловлар чоп эттирган «Девон»и (1980) ҳамда Жалолиддин Юсуповнинг узок йиллик изланишлари асосида юзага келган «Мехрибоним қайдасан» (1990) китоблари асосида тайёрладик.

*Эргаш ОЧИЛОВ*



## ФАЗАЛЛАР

Түнди савдои мухаббат бошима,  
Ор этар мардум<sup>1</sup> келурға қошима.

Кўб мухаббат кўйида қон йиғладим,  
Етти иқлим ғарк бўлди ёshima.

Сажда айлар зоҳид<sup>2</sup> ул меҳроб<sup>3</sup> аро,  
Мен килурман сажда эгма қошима.

Муҳтасиб<sup>4</sup> тўқтурди соқий<sup>5</sup> бодасин<sup>6</sup>,  
Етмади акли мени сирдошима.

<sup>1</sup> Мардум – 1) одам, киши; 2) кўз корачиги.

<sup>2</sup> Зоҳид – узлат ва тақвони қасб килиб олиб, дунё лаззатидан юз ўғирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан бехабар бўлиб, мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониш, Куръонда ваъда қилинган жаннатнинг хузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб хисоблайдилар ва уларни танқид қиласдилар.

<sup>3</sup> Меҳроб – 1) саждагоҳ, масжидда имом турадиган тепаси кайрилма жой; 2) гўзалларнинг кайрилма коши.

<sup>4</sup> Муҳтасиб – шариат амрларининг бажарилишини назорат қилувчи амалдор.

<sup>5</sup> Соқий деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайхиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбиға илохий файз бағишлийдилар, ҳакиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд эта-дилар.

<sup>6</sup> Бода – май, шароб, маст қилувчи ичимлик. Бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илохий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади.

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Кунда юз минг жабр қилсанг, ўргулай,  
Кўй караб ғам юкини бардошима.

Машраби девонани<sup>1</sup> хайрон этиб,  
Не сабабдин келмадинг бир қошима.

序 中 文

Мен нола қилай шому сахар,  
дод эшигинда,  
Жонимни берай шўхи паризод эшигинда.

Ул лолаю району суман<sup>2</sup>, тоза кизил гул,  
Чун сарв<sup>3</sup> кадин буклади шамшод<sup>4</sup>  
эшигинда.

Хўбони<sup>5</sup> жаҳон бўлса,  
таки<sup>6</sup> Юсуфи Канъон<sup>7</sup>,  
Султону амир, бандаю озод эшигинда.

<sup>1</sup> Девона – тасаввуфда ишқа ошиғу ҳайрону саргашта бўлган ва тариқатга мансуб киши. Ошикнинг мағлубияти девоналик дейилади.

<sup>2</sup> Суман – оппоқ гуллайдиган жасмин гули, ёсуман.

<sup>3</sup> Сарв – қишин-ёзин күм-күк бўлиб яшнаб турадиган иғнабаргли гўзал ва хушқомат дараҳт. Маъшуқанинг келишган зебо қадди-коматини сарвга нисбат берадилар.

*Шамшод* - кичик ва хушбӯй гулли, хамиша кўм-кўк яшнаб турадиган хушкомат ва чиройли дарахт.

<sup>5</sup> Хүбон – 1) гүзаллар; 2) яхшилар.

<sup>6</sup> *Taķu* – яна, тағин.

<sup>7</sup> Юсуфи Канъон – канъон (Ливан)лик Юсуф. Канъон – Яъқуб пайғамбар ҳукмроғи. Юсуф – юнит амлакат. Унинг хусни малоҳатда тенгсиз ўғли Юсуф шу Алишер Навоий учун Юсуфи Канъон, муди Канъон деб узганади.

Зулфунг сени бу жонима юз доми балодур,  
 Жоним қуши сайд<sup>1</sup> ўлди чу сайёд<sup>2</sup>  
 эшигинда.

Оlam бориси лаззати ҳуснунгни топибдур,  
 Гирёну<sup>3</sup> фифон, нолаю фарёд эшигинда.

Савдои мухаббатга тушубман сени излаб,  
 Ўлдурди ғаминг кўзлари жаллод эшигинда.

Ашким тўкубон ҳажрида ётгум кеча-кундуз,  
 Вайрона ватан манзили обод эшигинда.

Ул ҳусни жамолинг ўти Машрабға  
 тушубдур,  
 Парвона<sup>4</sup> сифат куйди паризод эшигинда.

\* \* \*

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
 Кондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Фам шоми фироқингда кабоб этти фалакни  
 Охи сахарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

<sup>1</sup> Сайд – ов, широк.

<sup>2</sup> Сайёд – овчи.

<sup>3</sup> Гирён – йиғловчи, йиғлаб турган.

<sup>4</sup> Парвона – кечаси шам ёки чирок атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот. Шам ва парвона – тасаввуф шеъриятидаги машхур тимсоллардан. Бунда шам – илохий ишқ, парвона – ошиқ гимсоли бўлиб келади.

Ногоҳ сари кўйинг аро бўлдим  
сенга мойил,  
Эй тожи сарим<sup>1</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Лаълинг ғамидин кўнглум эрур ғунча  
киби қон,  
Гулбарги тарим<sup>2</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Захри ғами хажринг мени ўлдурғали етти,  
Эй лабшакарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Машраб киби кўйингда бўлуб барқи<sup>3</sup>  
тажаллий<sup>4</sup>,  
Колмай асарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

\* \* \*

Арзимни айтай боди сабоға<sup>5</sup>,  
Биздин дуо деб ул бевафоға.

Кўзлари чўлпон, сарви хиромон<sup>6</sup>,  
Зулфи паришон, қоши қароға.

<sup>1</sup> Сар – бош.

<sup>2</sup> Тар – янги, яшнаб турган, тароватли.

<sup>3</sup> Барқ – чақмок, чақин, яшин.

<sup>4</sup> Тажаллий – кўриниш, жилваланиш. Ҳак зоти ва сифатларининг ҳамиша, ҳамма жойда, ҳар хил даражада намоён бўлиши, яъни ўзини ўзи аён этиши.

<sup>5</sup> Боди сабо – Шарқ томондан эсадиган тонгги ёқимли ва салқин шамол.

<sup>6</sup> Сарви хиромон (Сарви равон) – юрувчи, яъни хиром этувчи, маҳбуба.

Комати ларzon, ваъдаси ёлғон –  
Турмади ҳаргиз<sup>1</sup> аҳду вафоға.

Учди кўзумдин ул пари янглиг<sup>2</sup>,  
Ташлади-кетди турлук балоға.

Шохи мукаррам, шохи муаззам,  
Қилмади шафқат мендек гадоға.

Қилдук иковлон бир аҳду паймон,  
Ҳар ким ёмондур, солдук Худоға.

Дарди фирокинг айлади бемор,  
Қайда борай мен эмди давоға.

Ҳажрингда тинмай килдим фифонлар,  
Етти бу нолам Аршу самоға.

Қилғил тараҳҳум<sup>3</sup>, эй ёри хушхў<sup>4</sup>,  
Лойик эмасман жабру жафоға.

Дарду аламдин болу пар<sup>5</sup> айлаб,  
Шаҳбоз<sup>6</sup> кўнглум учди ҳавоға.

<sup>1</sup> Ҳаргиз – асло, ҳеч қачон.

<sup>2</sup> Янглиг – каби, ўхшаш, монанд.

<sup>3</sup> Тараҳҳум – раҳм килиш, шафқат этиш.

<sup>4</sup> Хушхў – хушфеъл, хуштабиат.

<sup>5</sup> Болу пар – канот ва патлар; мажозан: қўл ва оёқ.

<sup>6</sup> Шаҳбоз – лочин.

Йўл бермадилар менга рақиблар,  
Чиқдим бош олиб бу Карбалоға<sup>1</sup>.

Эй ёри бадаҳд<sup>2</sup>, бемеҳр экансан,  
Рахм айламайсан мен мубталоға.

Дарду ғам ичра сарғайди юзум,  
Ранг бергусидур бу қаҳрабоға<sup>3</sup>.

Эй жонажоним, кўрсам жамолинг,  
Жоним тасаддуқ сен хушадоға<sup>4</sup>.

Ишқингда куйдум, эй сарвинозим,  
Бир марҳамат кил шоҳу гадоға.

Шавқингда жоним бўлди баражна<sup>5</sup>,  
Айб этмагин сен мен норасоға.

Юрдум йўлунгда мен кеча-кундуз,  
Фарёд этибон, йиғлаб Худоға.

Бечора ҳайрон, бесару сомон<sup>6</sup>,  
Сувсаб қолибман бу Карбалоға.

<sup>1</sup> *Карбало* – Ироқдаги сахро. Мухаммад алайхиссаломнинг невараси, Ҳазрат Алиниң ўғли Имом Ҳусайн халифа Язид билан бўлган ҳокимият учун курашда оила аъзолари ва якинлари билан шу ерда шахид бўлган.

<sup>2</sup> *Бадаҳд* – аҳди ёмон, бевафо.

<sup>3</sup> *Қаҳрабо* – сарик рангли тош; мажозан: сарик ранг.

<sup>4</sup> *Хушадо* – ширин сўзли, ёқимли овозли.

<sup>5</sup> *Баражна* – яланроҷ.

<sup>6</sup> *Бесару сомон* – бечора, баҳтсиз.

Дилхаста Машраб қымасму фарёд,  
Кўзлари жаллод олса ароға.

\* \* \*

Кўнглумни бердим бир бевафоға,  
Куйди юрагим жабру жафоға.

Эй нозаниним, менга раҳм қил,  
Қолдим сени деб юз минг балоға.

Торттим жафони роҳат кўрай деб,  
Қилсанг жафолар, йиғлай Худоға.

Бемори ишқинг бўлдум, нетарман,  
Собир<sup>1</sup> балоға, рози қазоға<sup>2</sup>.

Мужгонинг<sup>3</sup> ўқи ўтти бу жондин,  
Ногах совук сўза тушди ароға.

Машраб сени деб кечди жаҳондин,  
Рахм айламайсан муфлис<sup>4</sup> гадоға.

\* \* \*

Кўрсат жамолинг мастоналарға<sup>5</sup>,  
Ишқингда куйган парвоналарға.

<sup>1</sup> Собир – сабрли, бардошли.

<sup>2</sup> Қазо – такдир, қисмат.

<sup>3</sup> Мужгон – киприк, мижжа.

<sup>4</sup> Муфлис – камбағал, фақир, бечора.

<sup>5</sup> Маствона – 1) мастрарча, мастрардек; 2) шўх гўзал, дилбар.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Мендин дуодур, сендин ижобат,  
Жоним тасаддуқ жононаларға.

Эй күнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,  
Килғил назар сен бечораларға.

Машраб сени деб кечти жахондин,  
Бошини құюб остоналарға.

\* \* \*

Баногох<sup>1</sup> учради дилбар кулуб  
мастона-мастона,  
Тавозуъ бирла таклиф айлади ба сўйи<sup>2</sup>  
майхона<sup>3</sup>.

Кўзи хунхор, лаби аксики майдин  
лолагун<sup>4</sup> эрди –  
Ки, мен конлар ютай ўлгучалик  
паймона-паймона<sup>5</sup>.

Хаёли қомати бирлаки,  
мен умрумни ўткардим,  
Мени барча халойик дейдилар:  
«Девона-девона».

<sup>1</sup> Баногоҳ – кутилмаганда, дафъатан, тўсатдан.

<sup>2</sup> Ба сўйи – томонга, тарафга.

<sup>3</sup> Майхона (Майқада) – шавқу завқу илохий файзга кон комил орифнинг ботини. Илохий олам маъносидаги келади.

<sup>4</sup> Лолагун – лоларанг, қизил.

<sup>5</sup> Паймона – май пиёласи, қадаҳ.

Биҳамдиллоҳ<sup>1</sup>, кўнгулни мосиводин<sup>2</sup>  
мен сиво<sup>3</sup> қилдим,  
Они меҳрини севдим ўзгадин бегона-бегона.

Килиб зоре, шу дилбарни тиларман  
кечаю кундуз,  
Они ёдини айларман юруб  
парвона-парвона.

Кўнгулда ғуссае қўп, ҳамдард қиши  
бирла ҳамдам йўк,  
Ракиблар ўртасида телбаман  
жавлона-жавлона.

Бошим кетса йўлидин эмди,  
Машраб, қайтарим йўқдур,  
Бу жонимни нисор<sup>4</sup> айлай сенга  
мардона-мардона.

\* \* \*

Хар қишини дарди бўлса,  
йиғласун ёр олдида,  
Колмасун армон юракда,  
этсун изхор олдида.

<sup>1</sup> Биҳамдиллоҳ – Худога шукр.

<sup>2</sup> Мосиво – Худодан бошқа нарсалар.

<sup>3</sup> Сиво – бошқа, ўзга.

<sup>4</sup> Нисор – 1) сочиш; 2) фидо килиш.

Андалиби<sup>1</sup> бенаводек<sup>2</sup> нолаю афғон<sup>3</sup> била  
Доимо йиглаб турармен айни гулзор  
олдида.

Мансури Ҳаллождек<sup>4</sup> ичиб шароби  
антахур<sup>5</sup>,  
Чарх уруб, йиглаб туурмен ушбу  
дам дор олдида.

Ҳар киши бир журъае<sup>6</sup> нўш айласа<sup>7</sup>  
бу бодадин,  
Ул киёматда килур арзини Жаббор<sup>8</sup>  
олдида.

Телба Машраб, қилмагил сиррингни  
зоҳидга аён,  
Айтиб-айтиб йиғлағайсан ошиқи  
зор олдида.

<sup>1</sup> Андалиб – булбул.

<sup>2</sup> Бенаво – бечора, факир, нотавон.

<sup>3</sup> Афғон – фиғонлар, нолалар, фарёдлар.

<sup>4</sup> Мансури Ҳаллож – «Аналҳак» – «Мен – Ҳакман» дегани учун дорга осилган машхур сўфий (858–922).

<sup>5</sup> Шароби антахур – жаннатда мўминларга улашиладиган шароб. Бу шаробдан ичганлар Оллоҳ таолонинг дийдорига мушарраф бўлар эканлар.

<sup>6</sup> Журъа – катра, култум, томчи.

<sup>7</sup> Нўш айламоқ – ичмоқ.

<sup>8</sup> Жаббор – Оллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бирин: бандалари ишини ислоҳ этувчи.

\* \* \*

Эй фалак, қилдинг мени ул  
                                  мехрибонимдин жудо,  
Булбули шўрида<sup>1</sup> янглиғ  
                                  гулситонимдин жудо.

Найлайин, қилдинг мени охир ғарибу  
                                  нотавон,  
Мубталои ғам қилиб, кўксумда  
                                  жонимдин жудо.

Кумри янглиғ бандалик тавқини<sup>2</sup>  
                                  бўйнумға солиб,  
Термулуб хайрон эдим сарви  
                                  равонимдин жудо.

Оҳ уруб, қон йиғласам, айб айламанг,  
                                  эй дўстлар,  
Мен бўлубман тўтийи  
                                  ширинзабонимдин<sup>3</sup> жудо.

Кўҳ-бакўҳ<sup>4</sup>, сахро-басахро, Машрабо,  
                                  юрмоқ надур,  
Чуғзи<sup>5</sup> бевайронадурман ошёнимдин жудо.

<sup>1</sup> Шўрида – паришон, мубтало.

<sup>2</sup> Тавқ – бўйинга осиладиган нарса.

<sup>3</sup> Ширинзабон – ширинсўз.

<sup>4</sup> Кўҳ-бакўҳ – тогма-төғ.

<sup>5</sup> Чуғз – байўрли, бойкуш.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

\* \* \*

Ул шўхи париваш била гар бода ичайно,  
Сархуш бўлубон шишай соғарни<sup>1</sup> чекайно.

Махв<sup>2</sup> ўлди бу кўнгулки,  
анингдек баҳам<sup>3</sup> ўлмаз,  
Солғил назаринг менгаки,  
курбонинг ўрайно.

Олуда<sup>4</sup> бўлуб бош-аёғим жўши<sup>5</sup> гуноҳдин,  
Раҳм айлаки, вахми ғазабингдин  
титирайно.

Помоли чаман сабза<sup>6</sup> сифат бўлди  
вужудим,  
Ташрифи кудуми<sup>7</sup> қадаминг фотих<sup>8</sup> этайно.

Машраб, турушунг мисли насимдур  
бу жаҳонда,  
Бир дамда келиб, сайд қилиб, зуд кетайно.

<sup>1</sup> Соғар – май ичадиган пиёла, жом, қадаҳ.

<sup>2</sup> Махв – йўқолиш, йўқотиш.

<sup>3</sup> Баҳам – бирга.

<sup>4</sup> Олуда – 1) аралашган, қўшилган; 2) булғанган.

<sup>5</sup> Жўш – 1) кайнаш, ғалаён; 2) завк, шавқ.

<sup>6</sup> Сабза – кўқат, майса, яшиллик.

<sup>7</sup> Кудум – қадамлар, келиш.

<sup>8</sup> Фотих – 1) ғолиб, музaffer; 2) очувчи, ҳал қилувчи.

\* \* \*

Зиҳи<sup>1</sup> расволиғим оламға солди шўру  
шар<sup>2</sup> танҳо,  
Наҳангиг<sup>3</sup> нўх<sup>4</sup> фалак дарёси бўлди,  
алҳазар<sup>5</sup>, танҳо.

Биҳишт<sup>6</sup> айвонию току равоқин  
орзу қилмай,  
Нигорим бирла мен бир пираҳанда<sup>7</sup>  
халқ бартанҳо<sup>8</sup>.

Олурға дину дунёниң матоъин  
орзу қилмай,  
Қаландарман<sup>9</sup> – жаҳонни сайр этиб  
қилдим сафар танҳо.

Бори Руму<sup>10</sup> Хито божу хирожин  
орзу қилмай,  
Чу Симурғеки<sup>11</sup> парвоз айларам беболу  
пар танҳо.

<sup>1</sup> Зиҳи – 1) гўзал, ёкимли; 2) қандай яхши, тахсин, оғарин.

<sup>2</sup> Шўру шар – ғавғо, тўполон.

<sup>3</sup> Наҳанг – катта балиқ, акула.

<sup>4</sup> Нўх – тўққиз.

<sup>5</sup> Алҳазар – нидо калимаси: ҳазар қил, эҳтиёт бўл.

<sup>6</sup> Биҳишт – жаннат.

<sup>7</sup> Пираҳан – кўйлак.

<sup>8</sup> Бартанҳо – ёлриз, хилватда.

<sup>9</sup> Қаландар – 1) илоҳий ишқ йўлида важд ҳолатига етган дарвеш; 2) вужуд ва қалбини поклаб, ўзини фано ҳолатига етказишига интилган солик; 3) қаландария тариқати аъзоси.

<sup>10</sup> Рум – ўрта асрларда ҳозирги Кичик Осиё (Византия) ва Греция ерлари шундай аталган.

<sup>11</sup> Симурғ – афсонавий қуш.

«(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)»

Шаҳи рўйи замину тахту тожин  
орзу қилмай,  
Гадойи факт<sup>1</sup> бўлдум, сайд этарман  
баҳру бар<sup>2</sup> танҳо.

Дили тиги ситамдин пора бўлғон  
халқни кўрдум,  
Зулм түғёнидин ҳар ён юурулар  
дарбадар танҳо.

Назар то қутби олам<sup>3</sup> қилмағунча  
бегумон билғил,  
Нечук олғай жавоҳир баҳрдин<sup>4</sup>  
соҳибназар<sup>5</sup> танҳо.

Бало дашти агарчи пурхатардур,  
ёнмағил<sup>6</sup> зинҳор,  
Кадам бу водиға қўйғил бамисли  
шери нар<sup>7</sup> танҳо.

<sup>1</sup> *Факр* – тариқатнинг тўртинчи мақоми. Дунё неъматлари, вужуд эхтиёжларидан қўл тортиб, фактат Ҳакка мухтоҷ бўлиш.

<sup>2</sup> *Баҳру бар* – сув ва қуруқлик.

<sup>3</sup> *Қутби олам* – оламнинг эгаси. Тасаввуфга кўра, дунёни идора этадиган валийлар жамоаси раҳнамоси.

<sup>4</sup> *Баҳр* – денгиз.

<sup>5</sup> *Соҳибназар* – ориф; қаромат эгаси.

<sup>6</sup> *Ёнмоқ* – кайтмоқ, воз кечмоқ.

<sup>7</sup> *Nar* – эркак.

Мұхаббатдин насими сұбхи содик<sup>1</sup> бўйи  
гул истар,  
Қани бу булбули шўридадин оҳи  
саҳар танҳо.

Сени кўргунча то, эй нозанин,  
Тангрига топшурдум,  
Мени мундоғ мусофир айлади даври  
қамар<sup>2</sup> танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон  
кулбасинда сұхбати маъшук,  
Киши маҳрам бўлолмас ёриға,  
бўлмас агар танҳо.

\* \* \*

Эй сабо, ғамбодадурман<sup>3</sup>,  
бистаримни<sup>4</sup> кавлама,  
Чун шафак олудаман,  
хокистаримни<sup>5</sup> кавлама.

Ҳар замоне Лайлидин манга китобатлар<sup>6</sup>  
келур,  
Сенки Мажнун бўлмасант,  
сардафтаримни<sup>7</sup> кавлама.

<sup>1</sup> Сұбхи содик – ҳақиқий тонг.

<sup>2</sup> Қамар – ой. Дағри қамар – ойнинг айланиши.

<sup>3</sup> Ғамбода – ғамгин, қайғули.

<sup>4</sup> Бистар – тўшак.

<sup>5</sup> Хокистар – кул.

<sup>6</sup> Китобат – ёзиш, хат.

<sup>7</sup> Сардафттар – дафтарнинг боши; мажозан: зинг бошда бўлиш, улуғлик, эътибор.

← ( ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ) →

Хонавайронлар билур  
афтодаларнинг<sup>1</sup> ҳолини,  
Эйки, макрам бўлмасанг,  
чашми таримни<sup>2</sup> кавлама.

То кишига дард тегмай,  
бўлмади бағри кабоб,  
Дилда дардинг бўлмаса,  
дарди саримни кавлама.

Хажр тошидин зарру офат  
бошига етган ўзум,  
Киштийи<sup>3</sup> мотамдадурман,  
лангаримни кавлама.

Етти дўзах<sup>4</sup> ўртанур  
афтодаларнинг охидин,  
Оташи хажрида куйган мижмаримни<sup>5</sup>  
кавлама.

Ломаконнинг<sup>6</sup> шахрини бир «Ху» била  
сайр айладим,  
Жабраил, борғил нари,  
булу паримни кавлама.

<sup>1</sup> Афтода – заиф, нотавон, бечора.

<sup>2</sup> Чашм – кўз. Чашми тар – ёшга тўла кўз.

<sup>3</sup> Кишти – кема.

<sup>4</sup> Етти дўзах – 1. Ҳовия. 2. Жаҳим. 3. Сакар. 4. Лазо.  
5. Хутама. 6. Саир. 7. Жаханнам.

<sup>5</sup> Мижмар – хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган  
идиш, манқал.

<sup>6</sup> Ломакон – ваҳдат олами, у зухур этадиган жой ир-  
фон сохибларининг соғ кўнгиллариdir.

Бахри раҳматга кириб, килдим  
вужудимни адам<sup>1</sup>,  
Маърифатдин<sup>2</sup> бехабарсан,  
дафтаримни кавлама.

Дурри дарёи маоний<sup>3</sup> бўлди чун Машраб,  
вале  
Дийдабийно<sup>4</sup> бўлмасанг,  
кўз гавхаримни кавлама.

\* \* \*

Нетай, эй дўстлар, бўлмай юзи  
шамъига парвона,  
Туман<sup>5</sup> минг ишва бирла кўнглум  
олди шўх жонона.

Насиме етса кўйидин бўлур  
гулзор сахролар,  
Тушар оламға оҳим ўтидин бир  
раъди<sup>6</sup> барқона.

Бўлубдурман ҳамадин, ҳур бўлсун  
ё пари бўлсун,

Жамиъийи махлиқолардин<sup>7</sup> анинг  
ишқида бегона.

<sup>1</sup> Адам – йўқлик.

<sup>2</sup> Маърифат – Оллоҳ моҳияти ҳакидаги илм.

<sup>3</sup> Маоний – маънолар.

<sup>4</sup> Дийдабийно – кўзи очик.

<sup>5</sup> Туман – ўн минг.

<sup>6</sup> Раъд – момақалдирок.

<sup>7</sup> Махлиқо – ой юзли, гўзал.

Не тонг<sup>1</sup>, раҳми келиб берса мени  
махмур<sup>2</sup> ҳайронға  
Ўшал ҳусн аҳли шоҳи ишқ майдин  
катра паймона.

Эрур зухд аҳли<sup>3</sup> хурсанд,  
сояйи қалдида аржуманд<sup>4</sup>,  
Мұхаббат аҳли ишқ сахросида  
мажрух девона.

Тилаб Ҳакдин кеча-кундуз  
бошимни саждадин олмам,  
Муродим ишқ эли хоки<sup>5</sup> танимдин  
қиласа паймона.

Тарики<sup>6</sup> ишқ аро ноёб агар, Машрабки,  
бир жонинг,

Йўлида, бўлса минг жонинг,  
фидо қил шери мардана.

<sup>1</sup> Не тонг – не ажаб.

<sup>2</sup> Махмур – маст, хумор.

<sup>3</sup> Зуҳд аҳли – зоҳидлар, такводорлар.

<sup>4</sup> Аржуманд – азиз, мұхтарым, машхур.

<sup>5</sup> Хок – тупроқ.

<sup>6</sup> Тариқ – йўл, мазхаб.

\* \* \*

Дил ани дерларки,  
харгиз можароси бўлмаса,  
Кўр ани дерларки, бас,  
чашми биноси<sup>1</sup> бўлмаса.

Жаннат ул-фирдавсни<sup>2</sup> муфт<sup>3</sup> берса,  
йўлда излама,  
Хайр<sup>4</sup> ани дерларки,  
арзандек<sup>5</sup> риёси бўлмаса.

Хобгоҳим<sup>6</sup> Арш эди, мунда ғалат туштум,  
дариғ<sup>7</sup>,  
Нур бўлур эрдимки,  
нафс аждахоси бўлмаса.

Деди пайғамбар бу сўэни, Машрабо,  
бо сидқ<sup>8</sup> эшит:  
«Дўзахи дерлар ани тарси<sup>9</sup> Худоси  
бўлмаса».

<sup>1</sup> Чашми бино – кўрадиган кўз.

<sup>2</sup> Жаннат ул-фирдавс – жаннат, биҳигот.

<sup>3</sup> Муфт – текин.

<sup>4</sup> Хайр – яхши, яхшилик.

<sup>5</sup> Арзан – тарик.

<sup>6</sup> Хобгоҳ – ухлаш жойи, ўрин, ёток.

<sup>7</sup> Дариғ – афсус, надомат.

<sup>8</sup> Бо сидқ – сидку ихлос билан.

<sup>9</sup> Тарси – кўркув.

\* \* \*

Борурман остонига саҳар оҳиста-оҳиста,  
Суарман кўзларимга хоки дар<sup>1</sup>  
оҳиста-оҳиста.

Ўтар бир-бир босиб ул шўх,  
боқмас бевафоликдин,  
Эрур андок вафосиз умр ўтар  
оҳиста-оҳиста.

Кичикликда, нигорим, аччиғ айтса  
айб эрмасдур –  
Ки, фаслида бўлур ширин самар  
оҳиста-оҳиста.

Жамолинг баркамол ўлди,  
бўлур бир-бир хатинг<sup>2</sup> пайдо,  
Бахор ўлса, ўсарлар сабзалар  
оҳиста-оҳиста.

Борур мискин бу Машраб гул  
юзунгни<sup>3</sup> кўргали, аммо  
Кўролмай гул юзунг йиғлаб турар  
оҳиста-оҳиста.

<sup>1</sup> Дар – эшик.

<sup>2</sup> Хат (т) – кизларнинг лаби устидаги майин туклар. Тасаввуф истилоҳида файб олами.

<sup>3</sup> Юз – тасаввуфда илохиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чехраси. Иймон ва ирфон кашфи ҳам кўзда тутилади.

\* \* \*

Сахро юзи кўкармас то ёз бўлмагунча,  
Булбул тараннум этмас то фунча  
кулмагунча.

Кўздин чунон сув тўқфил –  
иёмонинг баҳра олсун,  
Боғу чаман кўкармас ёмғур куюлмагунча.

Макри ракиб бирла ҳасрат уйига туштум,  
Ғам риштаси узулмас то ёр келмагунча.

Юз йил тирик юрусанг,  
охир бир кун ўлурсан,  
Афсус ила кетурсан то восил ўлмагунча.

Эй Машраби қаландар,  
яхшиға банда бўлғил,  
Ҳалвойитар бўлмас шаккар қўшилмагунча.

\* \* \*

Санам юзини кўрсатур ошиқи мубталосига,  
Фами била ўлон адo Мажнуни бедавосига.

Толиби<sup>1</sup> ишк ўлай десант,  
химмати Адҳами<sup>2</sup> керак,  
Зарра қачон етар vale васли  
санам аросига.

<sup>1</sup> Толиб – солик, мурид, йўловчи: тарикатта кириб, риёзат босқичларини босиб ўтиш оркали Худо сари сайд қилаётган киши.

<sup>2</sup> Адҳам – тасаввуф йўлида тожу тахти, молу мулки, ахли-оиласидан кечган балхлик машхур сўфий Иброҳим Адҳам (вафоти – 777).

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ёр юзини кўрай десанг,  
васли била бўлай десанг,  
Ризо керак қазосига, сабр керак балосига.

Ўтти жаҳондин авлиё муршиду<sup>1</sup> ориф<sup>2</sup>,  
анбиё<sup>3</sup>,  
Бўлмадилар фирифтае<sup>4</sup> дунёни можаросига.

Восили Ҳақ бўлай десанг,  
ишқу муҳаббат ҳосил эт.  
Ўрта ҳавоу кибр уйин шамъи  
юзин зиёсига.

Куйса муҳаббат ўтига фисқу  
фужур гунохларинг,  
Хилват этиб келур ўзи  
кўнгулни хонақосига.

Машраби бенаводуман,  
арзи дилимни айтайин:  
Тараҳхум айла, эй пари,  
ишқингни бу гадосига.

<sup>1</sup> Муршид (Пир, Шайх) – тариқатда муридга рахнамо-лик киласиган ирфоний маърифатда юксак мақомга етган киши.

<sup>2</sup> Ориф – маърифат сохиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон. Оллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган завқий ва важдий илмлар эгаси бўлган зот.

<sup>3</sup> Анбиё – набийлар, пайғамбарлар.

<sup>4</sup> Фирифта – мафтун, берилган, алданган.

\* \* \*

Девонадурман шамъи шааржилва<sup>1</sup> санамға,  
Курбон бўлай оташкадайи<sup>2</sup> шуъла адамға.

Зебо санамим бода ичиб, юзини очиб,  
Ўт кўйди паризод гулистони Эрамға<sup>3</sup>.

Бир «Ху»<sup>4</sup> била мен Лайлини  
 Мажнун қилаёздим,  
 Девоналиғим шона<sup>5</sup> уур зулфи санамға.  
 Юз жоним агар бўлса, анга ҳеч аямасман,  
 Мен талпинибон жон берайин қоши  
 қаламға.

Зохидки, агар ичса эди бодайи маъшук,  
 Сармаст бўлубон бормас эди Макка –  
 харамға!

Машраб, не балодур шикани<sup>6</sup>  
 туррайи<sup>7</sup> кокул,  
 Барбод ўладур кишвари  
 дин ушбу ҳашамға.

<sup>1</sup> Шааржилва – ўтли ишва, куйдирувчи карашма.

<sup>2</sup> Оташкада – 1) ўтхона, оловхона; 2) оташпастлар ибодатхонаси.

<sup>3</sup> Эрам – афсонавий гўзал боғ. Ямандаги Од қавмининг хукмдори Шаддод ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан уни бунёд этган эмиш.

<sup>4</sup> Ху (Ху – Ху) – Оллоҳ таолонинг исмларидан бири бўлиб, учинчи шахс бирликдаги у маъносини билдиради. Сўфийлар кўпроқ Ху деб зикр қиласидилар.

<sup>5</sup> Шона – тарок.

<sup>6</sup> Шикан – бу ерда: соч ўрами, ҳалқаси, жингалаги, тугуни.

<sup>7</sup> Турра – соч, зулф, кокил.

←( жаҳон шеърияти дурдоналири )→

\* \* \*

Дил олурга ул пари Мажнуни шайдо  
килди ё?

Аклу хушумни олиб, бехуду<sup>1</sup> расво  
килди ё?

Мастлиғ, бехудлиғ хар кимга етмас,  
дўстларим,  
Май мухаббат ичуруб, ошиқни шайдо  
килди ё?

Келса ул нозукбадан юз ишва бирла  
жон тилаб,  
Жон олурға дилбарим қош бирла имо  
килди ё?

Дод, ман ўлдум яна номеҳрибонни  
дастидан,  
Шевасини<sup>2</sup> кўрсатиб, ошиқни расво  
килди ё?

Бормукин дунёда мендек ишқ ила ҳарб<sup>3</sup>  
айлаган?  
Аҳли дард халқи келиб, бир-бир  
тамошо килди ё?

<sup>1</sup> Бехуд – ўзидан бехабар. Мастлик ва ошиқлик мақоми.

<sup>2</sup> Шева – 1) одат, ҳунар; 2) ноз, ишва.

<sup>3</sup> Ҳарб – уруш, жанг.

❖ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ❖

Машраби ринди<sup>1</sup> Умам<sup>2</sup> кўйинда  
жон бер берсанг, на ғам,  
Бир гунохе ўтса мандин тавбаву  
оҳ килди ё?

\* \* \*

Фамза қилиб кошимга кел,  
жоним қилай санга фидо,  
Куйди юрак чаки-чаки<sup>3</sup>, оҳ, нетайин,  
бўлдум адо.

Дод этарман, эй санам, бўлса  
киёмат ул куни,  
Хаммага марҳамат қилиб,  
манга бу дарди бедаво...

Ўлди бу Мажнун хароб Лайли ғамида  
бilmади,  
Тўлди юракка ҳасрати, куйди-ю бўлди  
мубтало.

<sup>1</sup> Ринд – шариат ва тарикат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган хурфикрли, исёнкор, майпаст, илохий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Риндалар илохий жазава чоғида омма қабул килмайдиган нозик маънолар ва чукур ҳақиқатларни ошкор килишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машхур бўлганилар. Машрабга нисбат берилган баъзи шеърларда Риндий тахаллуси ҳам учрайди.

<sup>2</sup> Умам – 1) умматлар, ҳамма уммат; 2) Машрабнинг тахаллусларидан бири.

<sup>3</sup> Чаки-чаки – хужжат, далил, ҳақиқатанам маъносида.

«ЖАХОН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Боди хазони бемахал умрима етти,  
найлайин,  
Тавба қилибон ўлмадим санга  
Худои кибриē<sup>1</sup>.

Зоҳиди баҳра олмоғон иззату  
хурматин тилар,  
Тоати хушк зухдингга мунча қилиб  
кибру ҳаво?

Машраби бекарори ишқ топти  
пирдин сўроғлашиб,  
Кўйди бошин бўсоғага –  
хосил ўлурму муддао?

\* \* \*

Килур Мажнун биёбонда надомат,  
оху вовайло,  
Бу ишқ бандига тушгонларни  
зикри доимо Лайло.

Эшиккач етти дўзах ваҳмидин  
кўнглум қачон кўркар,  
Чиқса ошиқ оғзидин бир ўт дўзах  
бўлғуси расво!

Ки дўзах йиғлаб айтур:  
«Ол бу қулни ушбу кун, ё Раб –  
Ки, бизда қолмади тоқат бу  
oshiқ ўтидин асло».

<sup>1</sup> Кибриē – улуғлик, Тангри улуғлиги.

Ки, эй дилбар, бу холатда  
 берай жоним олар бўлсанг  
 Фазаб бирла бошим чулғаб,  
 кўлумни дар маҳал<sup>1</sup> боғло.

Кел, эй Машраб, умид этгил,  
 Худойинг лоязол<sup>2</sup> эрмиш,  
 Иноят бўлса Ҳақдинким,  
 борурсан ёр ила танҳо.

\* \* \*

Сетор<sup>3</sup> ила савти<sup>4</sup> наво айлаганинг хўб,  
 Хўблар ичида маснаду<sup>5</sup> жо айлаганинг хўб.

Бир бокираи ҳуру пари ҳусниға таржих<sup>6</sup>,  
 Ишрат саманиға минибон ҳайдаганинг хўб.

Паргор<sup>7</sup> бўлуб гавҳари дарёйи мухаббат,  
 Бир нуктага жон гавҳарини  
 боғлаганинг хўб.

Гар бод<sup>8</sup> мисол чарх уруб,  
 Машраби мискин,  
 Мастона қаро кўзга нигоҳ чекмаганинг хўб.

<sup>1</sup> Дар маҳал – шу маҳал, дарҳол.

<sup>2</sup> Лоязол – йўқ бўлмайдиган, доимий.

<sup>3</sup> Сетор – уч торли мусиқа асбоби, сато.

<sup>4</sup> Савт – 1) куй, оҳанг; 2) овоз, товуш.

<sup>5</sup> Маснад – 1) ўрин, тахт; 2) мартаба, даражা.

<sup>6</sup> Таржих – устувлик, афзаллик.

<sup>7</sup> Паргор – циркуль.

<sup>8</sup> Бод – ел, шамол.

❖ ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ❖

\* \* \*

То кийди қизил, ўзини зебо қилайин деб,  
Ўт ёқди жахон мулкина ғавғо қилайин деб.

Машшота<sup>1</sup> била жилвада кўргузди қаддини,  
Мендек неча девонани шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда<sup>2</sup> кўтарди,  
Оlam ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб!

Зулфини тараб, кошу кўзин жилвагар этти,  
Ошуби<sup>3</sup> бало, фитнани барпо қилайин деб.

То айладим олдиға бориб арзи ниёзим<sup>4</sup>,  
Чин<sup>5</sup> солди жабиниға<sup>6</sup>, таманно<sup>7</sup>  
қилайин деб.

Мастона саманд<sup>8</sup> секратат келди  
шахи хунрез<sup>9</sup>,  
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.

<sup>1</sup> *Машшота* – пардоэчи.

<sup>2</sup> *Парда* – тасаввуфда Ҳақ ва банда, ошик ва маъшук ўртасидаги монеликларга ишора килинади.

<sup>3</sup> *Ошуб* – 1) ғавғо, тўполон, фитна; 2) кўркинч, ҳаяжон.

<sup>4</sup> *Ниёз* – 1) эхтиёж, мухтожлик; 2) ялиниш, ёлвориш, илтижо; 3) аташ, назр қилиш.

<sup>5</sup> *Чин* – бу ерда: чимирилиш, ажин.

<sup>6</sup> *Жабин* – бу ерда: пешона.

<sup>7</sup> *Таманно* – истак, хоҳиш, умид, максад.

<sup>8</sup> *Саманд* – 1) ранги сарик, ёл-куйруғи кора от; 2) чиройли от, туллор, аргумок.

<sup>9</sup> *Хунрез* – 1) кон тўкувчи; 2) золим, ситамгар.

← ( ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ) →

Күп йилки бу қул хизматини  
килмади баржо<sup>1</sup>,  
Келдики ғазаб бирла чу<sup>2</sup> расво  
килайин деб.

Бошимни кесиб олғилу хүшхол бўлуб кет,  
Қонимни мени лолаи сахро қиласайин деб.

Ханжар қўлида Машрабин ўлдурғали  
келди,  
Фавои қиёматни хувайдо<sup>3</sup> қиласайин деб.

10

Фам биёбонида қолдим, йигладим  
күп ёр деб,  
Ох уруб, фарёд этиб, булбулдайин  
гулзор деб.

Кечаву кундуз куярман ишк ўтига доимо,  
Дарбадар излаб юурман сохиби  
аспор<sup>4</sup> деб.

Лашкари ғам ҳам синук күнглумни  
афгор<sup>5</sup> айлади,  
То давосиз дардга қолдим ожизу  
бемор деб.

Баржо қылмок – бажармок, адo этмак.

<sup>2</sup> Чү (Чүн) – 1) чунки; 2) агар; 3) вактики, модомики;

4) ўхшаш, монанд.

<sup>3</sup> Хүвайдо – аён, равшан, ошкор.

*Соҳиби асрор* – сир соҳиби, ориф, дарвеш.

<sup>5</sup> Ағгор (Фигор) – 1) яраланған, мажрух; 2) зэилган, уртандынан.

❖ ЖАҲОН ШЕҦРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ❖

Гарчи осийман, эмасман раҳматингдин  
ноумид,  
Хар на қилса эрки бор Ул,  
бандаси noctor деб.

Маърифатлик бир Эгам деб бўлма  
гофил, Машрабо,  
Гарчи Фофирдурки<sup>1</sup>, йўқдур меҳрибон,  
Жаббор деб.

\* \* \*

Офати жоним, эй санам,  
коши қаросини кўрунг,  
Икки юзиға чулғонур зулфи  
сиёсини<sup>2</sup> кўрунг.

Гоҳо қизил қабо<sup>3</sup> кийиб,  
қирмизи сочбогин солиб,  
Нозу карашмалар килиб, ахду вафосини  
кўрунг.

Хуру паридин тозадур, шамсу<sup>4</sup>  
камар хижил эзур,  
Ким они кўрса бандадур,  
хусни расосини кўрунг.

<sup>1</sup> *Фофир (Faafur)* – Оллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири: гуноҳларни яшириб, жазо бермай турувчи.

<sup>2</sup> *Сиё (չ)* – кора, коронилик, зулмат.

<sup>3</sup> *Қабо* – узун устки кийим.

<sup>4</sup> *Шамс* – куёш, офтоб.

←(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Гоҳи қошини ё этиб, кирпик  
                                  ўки бирлан отиб,  
Жоду кўзини ўйнотиб,  
                                  макру балосини кўрунг.

Машраби бенаводурам,  
                                  васлинг учун гадодурам,  
Хажр ўтиға куёдурам,  
                                  ёр жафосини кўрунг.

\* \* \*

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли  
                                  паришоним менинг,  
Осмонни пора қилди оҳу афғоним менинг.

Мен нечук шод этмайинким  
                                  хаста кўнглум бир даме,  
Келди ҳолимни сўраб жон  
                                  ичра жононим менинг.

Эй ситамгар, келгилу акнун<sup>1</sup>  
                                  шахид этгил мени,  
Мавж урсун Карбало даштида  
                                  бу қоним менинг.

Чун сенингдек нозанин жамъи  
                                  мулқда йўқтурур,  
Бу жаҳонда кўрмадим, эй кўзи  
                                  чўлпоним менинг.

<sup>1</sup> Акнун – занди.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ноэу истиғно била келиб  
мени ҳолимни сўр,  
Термулуб доим йўлунгда чашми  
гиরёним менинг.

Тобакай<sup>1</sup> жабру ситам айлаб юурсан,  
эй рафиқ<sup>2</sup>,  
Чикди, Матраб, ушбу ғамдин  
бу азиз жоним менинг.

\* \* \*

Арзанига арзимас бу тандаги  
жонинг сенинг,  
Дилда дардинг йўқдур, оқмас дийда  
гириёнинг сенинг.

Ҳимматинг гар бўлса холис,  
етти дўзахни бузар,  
Бўлса Иброҳимсифат оташ чу  
бозоринг сенинг.

То дилингга дард тегмай,  
орзуладин жудо,  
Чун сўраб келмас ўшал олдинга  
Лукмонинг<sup>3</sup> сенинг.

<sup>1</sup> Тобакай – қачонгача.

<sup>2</sup> Рафиқ – 1) дўст, қадрдон; 2) маҳбуба, севгили;  
3) сирдош, ҳамдард.

<sup>3</sup> Лукмон – машҳур ҳаким, донишманд. У минг йил  
умр кўрган бўлиб, Оллоҳ у зотга нарсалар ва воқеа-  
ходисаларнинг мохиятига етиш ва энг тўғри ҳукм чикариш  
кобилиятини ато эттан.

Сен кўзунгнинг нури кетмай домани<sup>1</sup>  
комилни тут,  
Канда бўлгай то танингдин кулли<sup>2</sup>  
исёнинг сенинг.

Мен тасалдуки ўшандок  
олиҳимматлар бўлай,  
Бўлмаса олуда ҳар навъида  
домонинг сенинг.

Бир хасе сендин кейин қолди –  
балойи жонинг ул,  
Бўлса бир сўзанга<sup>3</sup> меҳринг,  
коҳиши<sup>4</sup> жонинг сенинг.

Машрабо, хоби<sup>5</sup> ажалдин лаҳзае бедор бўл,  
Мунда жон берганда осон чиқмағон  
жонинг сенинг.

\* \* \*

Шуҳрат айлабким, алардек  
худнамоларни<sup>6</sup> кўрунг,  
Зоҳири<sup>7</sup> сувратпараст<sup>8</sup> ноошноларни кўрунг.

<sup>1</sup> Доман – этак.

<sup>2</sup> Кулл – ҳамма, барча, жами.

<sup>3</sup> Сўзан – игна.

<sup>4</sup> Коҳиш – азоб, мاشаққат.

<sup>5</sup> Хоб – уйқу.

<sup>6</sup> Худнамо – шуҳратпараст, ўзини кўрсатишга интиљувчи.

<sup>7</sup> Зоҳир – 1) кўриниб турган, очик, ошкор; 2) ташки кўриниш, сирт, таш.

<sup>8</sup> Сувратпараст – шаклпараст, нарса-ходисаларнинг моҳиятига эмас, зоҳирига қараб баҳо берувчи.

Йўлни билмас умми(й)ларнинг<sup>1</sup>  
кўзига ориф бўлуб,  
Ўзи манзилга етолмай  
нобиноларни<sup>2</sup> кўрунг.

Барчага айлар насиҳат ўзини доно этиб,  
Йўлда қолған бекасу<sup>3</sup>  
бераҳнамоларни<sup>4</sup> кўрунг.

Куфру иймонни билолмаслар,  
каромат айлабон,  
Тоату тақво билан сохибриёларни кўрунг.

Ўзини айбин ёпиб, халқ айбини  
ифшо<sup>5</sup> килиб,  
Зохиру ботинда мундоғ  
норасоларни кўрунг.

Хар киши сўрса насабдин,  
дам урарлар нафс учун,  
Богини – фиръавну<sup>6</sup> зохир –  
авлиёларни кўрунг.

<sup>1</sup> Уммий – ўқимаган, мактаб кўрмаган.

<sup>2</sup> Нобино – кўр, сўкир.

<sup>3</sup> Бекас – ёлғиз, ғарип, кимсасиз.

<sup>4</sup> Бераҳнамо – рахнамосиз, рахбарсиз.

<sup>5</sup> Ифшо – очиш, ошкор килиш, фош этиш.

<sup>6</sup> Фиръавн – қадимги Миср подшоларининг унвони.

Фиръавнлик – мутакаббирлик, зўравонлик.

«ЖАХОН ПЕЧЕРНЫИ ДУРДОНАЛАРИ»

Лоф урарлар орифи яқдиламан<sup>1</sup>  
деб халқ аро,  
Халқни гумрох қилиб,  
юзи кароларни күрунг.

Зохирида сўфийман<sup>2</sup> деб тарки  
дунё айлаган,  
Ботини дунёга мойил  
бахтқароларни күрунг.

Халқнинг кўзига хар дам  
сувратин дигар<sup>3</sup> қилиб,  
Нафс учун шайтон билан  
юрган гадоларни күрунг.

Ўзининг авлодини халқ  
ичида ифшо қилиб,  
Танда йўқ маъно, қуруқ номи  
сароларни<sup>4</sup> күрунг.

Шухратим офат бўлур деб  
Машрабинг кўл олмади,  
Кўзда ёшим қатраси дурри  
бақоларни күрунг.

<sup>1</sup> Яқдила – фикри, мақсади бир, иноқ, ахил.

<sup>2</sup> Сўфий – тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган, риёзат босқичларини босиб ўтиб, Ҳакка интилаётган киши.

<sup>3</sup> Дигар – ўзга, бошқа.

<sup>4</sup> Саро – дунё.

\* \* \*

Охиримни дарду ғамга ошно  
қилди бу дард.  
Йигламай найлайки, рўзимни<sup>1</sup> сиё  
қилди бу дард.  
Бахтқаролиғ мундин ўтмас –  
толеъим бўлди забун<sup>2</sup>,  
Мен вафо қилдим тамаъ,  
қайтиб жафо қилди бу дард.

Ёғдуруб бошимга ҳар соат  
лаҳадни гардини,  
Нотавону ғамзада<sup>3</sup>, бахти каро  
қилди бу дард.

Хамнафаслардин жудо  
айлаб мусибат шаҳрида,  
Ошноларни манга ноошна қилди бу дард.

Қайғулук бошимга юз минг  
ғамни орттуруб,  
Мисли Адҳамдек жаҳондин  
мосиво қилди бу дард.

Ичганим захроба<sup>4</sup> бўлди,  
кийганим бўлди кафан,  
Бошима тўққуз фалакни осиё<sup>5</sup>  
қилди бу дард.

<sup>1</sup> Рўз – кун.

<sup>2</sup> Забун – 1) ожиз, бечора, хор; 2) мағлуб.

<sup>3</sup> Ғамзада – ғамгин, қайғули.

<sup>4</sup> Заҳроба – заҳарли сув.

<sup>5</sup> Осиё – тегирмон.

Фуссадин ўртанди Машраб,  
сўрмади ахволими,  
Дўсту душманга мани ангуштнамо<sup>1</sup>  
килди бу дард.

\* \* \*

Бир бокиб менга каро кўз  
учидин жонон қиз,  
Айланиб, юз ўгуруб, килди  
юракни қон қиз.

Кунда минг дард ўкин  
отти ҳазин жонимға,  
Бириға айламади лабларидин дармон қиз.

Юзига парда тутуб шамъ уза фонус киби,  
Юз туман зухд элини<sup>2</sup> айлади  
саргардон қиз.

Золиму қотилу хунхор<sup>3</sup> эрур, бешафқат,  
Бори ағёrimни<sup>4</sup> олдида бўлур хўбон қиз.

Ишқида охим ўти учқунидур ой ила кун,  
Ким дегай бу шарари<sup>5</sup>  
кўзларидур чўлпон қиз.

<sup>1</sup> Аңгуштнамо – бармоғи билан кўрсатиш, машхур.

<sup>2</sup> Зуҳд эли – зоҳидлар, такводорлар.

<sup>3</sup> Хунхор – қон тўкувчи.

<sup>4</sup> Ағёр – бегоналар, рақиблар, душманлар.

<sup>5</sup> Шарар – учқун, алнга.

Бу фалак хони<sup>1</sup> уза қилма  
гумон айтар деб,  
Садафи<sup>2</sup> ҳуснига тўлдурди  
дуру маржон қиз.

Куйдуурур жаннату ризвон<sup>3</sup>  
эшигин оташи ишк,  
Хурдек хизматига боғлади бел даврон қиз.

Васли гулзори аро булбули нолон<sup>4</sup>  
Машраб,  
Шаккарин ханда ила тўтийи  
Хиндистон қиз.

\* \* \*

Кокулинг анбардуур, жон  
ичида жонон қиз,  
Кўзларинг ахтардуур<sup>5</sup>, юзи моҳи  
тобон<sup>6</sup> қиз.

Лабларинг эрур лаълдек<sup>7</sup>,  
юзларинг қизил гулдек,  
Барча сенгаким кулдек, хизматингга  
қурбон қиз.

<sup>1</sup> Хон – дастурхон.

<sup>2</sup> Садаф – ичиди дур ҳосил бўладиган ҳукка.

<sup>3</sup> Ризвон – жаннат.

<sup>4</sup> Нолон – нола қилувчи, фифон чекувчи.

<sup>5</sup> Ахтар – юлдуз.

<sup>6</sup> Моҳи тобон – 1) чараклаган ой; 2) гўзал маҳбуба.

<sup>7</sup> Лаъл – қизил рангли ялтирок кимматбаҳо топи. Маъшуканинг қизил лабини унга нисбат берадилар.

«ЖАХОН ШЕРРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Тар оразинг<sup>1</sup> гул, сочинг сунбулки,  
тишларинг дур,  
Сарв қадлиғ, кош күрунг,  
офтоби даврон қиз.

Бир күруб сени, жоно,  
колмади менинг ҳолим,  
Танг бўлубдур ахволим, билмадингки,  
нодон қиз.

Ой юзунгни кўрганда,  
лабларингни сўрганда,  
Машрабинг қилур ханда,  
лаъли шаккарафшон<sup>2</sup> қиз.

\* \* \*

Мен нечук юргум бу ғурбатхонада  
дилдорсиз,  
Умр эмасдур ошиқе бир лаҳза бўлса ёрсиз.  
Мехнату<sup>3</sup> роҳатга хў<sup>4</sup> қилган  
кишилардин сўранг,  
Хеч илме сийнага жо бўлмади такрорсиз.

Дарбадар бўлдум –  
жаҳонни кўп тамошо айладим,  
Хеч гулни кўрмадим оламда  
бўлгай хорсиз<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ораз – юз, чехра.

<sup>2</sup> Шаккарафшон (Шаккарфишон) – шакар сочувчи, ширинсўз.

<sup>3</sup> Мехнат – 1) мاشақкат, қийинчилик; 2) ғам, дард;  
3) мусибат, бало.

<sup>4</sup> Хў (ӯ) – одат, табиат.

<sup>5</sup> Хор – тикан.

Кўнгул олдурган кишилардин  
саволотим муна,  
Деди, ҳар ким кўнгул олди,  
ул эмас озорсиз.

Кавлама бағримни, кўнглумни  
паришон айлама,  
Телмуруб қолди кўзум йўлида  
ул дийдорсиз.

Мунда ўртанган кўнгул  
охир етар максудига,  
Хеч булбул бўлмагай олам аро гулзорсиз.

Кимёни<sup>1</sup> толиби бўлган киши  
жондин кечар,  
Хеч ганже<sup>2</sup> кўрмадим оламда  
бўлгай морсиз<sup>3</sup>.

Учрамай кетти ўшал маҳвашга<sup>4</sup>  
зори дил десам,  
Топмадим дилдорими ёлғуз dame афёrsиз.

Машрабо, вақти надоматтур,  
биродарлар қани,  
Истикомат қилма дунёда париухсорсиз.

<sup>1</sup> Кимё – бу ерда: ноёб нарса, нодир.

<sup>2</sup> Ганж – 1) бойлик, хазина; 2) олтин-кумуш.

<sup>3</sup> Мор – илон.

<sup>4</sup> Маҳваш – ойга ўхшаган, гўзал.

\* \* \*

Жафо килдинг бу жонимға,  
нафони күрмадим ҳаргиз,  
Бу оламда ўзумдек мубталони  
күрмадим ҳаргиз.

Мухаббат йўлига қўйдум қадам,  
холим забун бўлди,  
Ба ғайраз<sup>1</sup> меҳнату дарду балони  
күрмадим ҳаргиз.

Табибо, муддате бўлдики  
мен дардига ҳамдамман,  
Узулди риштаи умрум,  
давони күрмадим ҳаргиз.

Ҳама суратпараст бўлди фашу<sup>2</sup>  
дасторига<sup>3</sup> мағур —  
Ки, зоҳид ичра мутлақ бериёни  
күрмадим ҳаргиз.

Мусибат селини барбоди бўлдум  
кўхна дунёға,  
Кўлумни тутгудек бир ошнони  
күрмадим ҳаргиз.

<sup>1</sup> *Ба ғайраз* — ... дан бошка.

<sup>2</sup> *Фаш* — салланинг печи, елкага тушган кисми, учи.

<sup>3</sup> *Дастор* — салла.

❖ ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ❖

Етушди басталик<sup>1</sup> коримга<sup>2</sup>,  
бilmамдур иложини,  
Узр авқотига<sup>3</sup> бир сохибдуони  
күрмадим ҳаргиз.

Ёзилди тахтай<sup>4</sup> иқболима  
сардафтари ғурбат,  
Адаштан ерда сўрган раҳнамони  
күрмадим ҳаргиз.

Жароҳатли дилимни захмини<sup>5</sup>  
ҳар кимга кўрсатсан,  
Ажаб толеъзабундурман, шифони  
күрмадим ҳаргиз.

Бузулган хотирим ҳаргиз жаҳонда  
кўрмади шоде,  
Жаҳон айвонида ғайр аз жафони  
кўрмадим ҳаргиз.

Жаҳонни тарк қилди  
Машраб Иброҳим Адҳамдек,  
Саропо<sup>6</sup> дард кўрдум,  
муддаони кўрмадим ҳаргиз.

<sup>1</sup> *Баста* – боғлиқ.

<sup>2</sup> *Кор* – иш, амал.

<sup>3</sup> *Авқот* – вақтлар, умр, замон.

<sup>4</sup> *Тахта* – лаҳв, саҳифа.

<sup>5</sup> *Захм* – яра, жароҳат, озор.

<sup>6</sup> *Саропо* – бошдан-оёқ.

↔ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ↔

\* \* \*

Жаҳонда топмадим ҳамдард –  
колдим нотавон, ёлғуз,  
Саропо ғам саводи<sup>1</sup> ичра колмишман  
ниҳон ёлғуз.

Кўзунг яғмо<sup>2</sup> қилур бекас кўнгулни,  
хеч ажаб эрмас,  
Карокчи қўрқитур хар ерда топса  
корнон ёлғуз.

Неча мендекни гардун<sup>3</sup> мубталои дарду  
ғам қилди,  
Демам мунча жафони менга қилди  
осмон ёлғуз.

Сенинг таърифингга ҳар банд-бандим  
нолалар қилмиш,  
Качон асрори<sup>4</sup> ишқинг айта олғай  
ҳар забон<sup>5</sup> ёлғуз.

Отарлар ҳар тарафдин шўхлар  
мужгонларидин ўқ,  
Килибурлар менинг кўксумни  
ҳар ёндин нишон ёлғуз.

<sup>1</sup> Савод – 1) кора, коралик; 2) коронфилик, зулмат.

<sup>2</sup> Яғмо – талон-торож, ғорат қилиш.

<sup>3</sup> Гардун – 1) осмон, фалак; 2) дунё, олам.

<sup>4</sup> Асрор – сирлар, яширин нарсалар.

<sup>5</sup> Забон – тил, нутқ.

Бу кун, дўстлар, матоъи сабру  
 оромимни олдурдум,  
 Килолмас хифз<sup>1</sup> маҳзун бўлса ровий<sup>2</sup>  
 достон ёлғуз.

Мен, эй Машраб, сенинг кўюнг  
 сориға бормоғим мушкул,  
 Не бўлғай гар ўзинг кулбамга  
 бўлсанг меҳмон ёлғуз.

\* \* \*

Барчалар ёнди гуноҳдин,  
 менки ёнмасман ҳануз,  
 Хоби фафлатдин ўёнди<sup>3</sup>,  
 мен ўёнмасман ҳануз.

Тавбаи тавфик<sup>4</sup> билан йиғлаб  
 турурлар зор-зор,  
 Охират аъмолин<sup>5</sup> айтиб,  
 мен қутулмасман ҳануз.

Бандаларким, лутфинга  
 ҳар дам суяниб ўлтуур,  
 Бедаво нафсимни излаб,  
 мен суянмасман ҳануз.

<sup>1</sup> Хифз – саклаш, муҳофаза килиш.

<sup>2</sup> Ровий – ривоят килувчи, нақл килувчи.

<sup>3</sup> Уёнмоқ – уйғонмоқ.

<sup>4</sup> Тавфикс – ёрдам, мадад кўмак.

<sup>5</sup> Аъмол – амаллар, ишлар, килмишлар.

«ЖАХОН ШЕРРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Орифу содик ҳама панду насиҳат олдилар,  
Барча пандинг олдилар,  
пандингни олмасман ҳануз.

Бандалик қилсанг – такаббур қилма,  
шайтон феълидур,  
Мен такаббурдин замоне холи  
эрмасман ҳануз.

Бандалик қилмай Азозил<sup>1</sup> бўлди  
саркаш<sup>2</sup> амрига,  
Рондаи<sup>3</sup> даргоҳ бўлди,  
менки ёнмасман ҳануз.

Дунёни кўп йиғди Корун<sup>4</sup> –  
кетти ул ер қаърига,  
Дунёдин бир дам, замон кўнгул  
узолмасман ҳануз.

Банда бўлсанг, Машраб,  
кечкил хавойи хирсдин,  
Кечди барча хирсдин,  
ҳаргиз кечолмасман ҳануз.

<sup>1</sup> Азозил – иблис, шайтон.

<sup>2</sup> Саркаш – ўжар, кайсар.

<sup>3</sup> Ронда – бу ерда: ҳайдалган, кувилган.

<sup>4</sup> Корун – Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳадхисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, ҳасисликда ном чикарган шахс. У Шарқ адабиётида ҳарислик ва ҳасислик тимсоли хисобланади.

◆ ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ◆

\* \* \*

Кўрунди кўз қаросига магар хайли<sup>1</sup>  
паризоде,  
Шафак тутти жахонни, келди ё бир  
қадди шамшоде.

Чароғон бўлди дунё ё магар  
келди менинг ёрим –  
Биёбон бўлди боғу бўстони хуррамободе.

Хужуми ғам қилиб барбод,  
келди бир насими хуш,  
Магар озода ёрим, дўстлар,  
ишқ қилди бунёде.

Агар ул шохи хоқон қатлима  
лашкар қилиб келса,  
Юроким чок этиб, айлай ани  
олдида ҳам доде.

Бахористон бўлди ранг-баранг  
гуллар бўлуб пайдо,  
Хазон этмак учун дўстлар, илоҳо,  
келмагай боде.

Неча йиллар ётибмен кор,  
ёмғур устина ғам еб,  
Париздим, маликам қилмади  
лекин мени ёде.

<sup>1</sup> Хайл – 1) гурӯҳ, тоифа; 2) эл, жамоа.

Ариғ<sup>1</sup> йўлға ўзингни ол, Машраб,  
 ўтти умрунг, лек,  
 Муроду мақсадига етмагай ҳаргиз  
 хароботий<sup>2</sup>.

\* \* \*

Минг шўру фиғон бирла, хай-ҳай,  
 не бало келди,  
 Жон қичқирадур қўй деб,  
 ханжарни оло келди.

Кўлиға олиб пўлод, қошимга келур  
 жаллод,  
 Килди мени бебунёд<sup>3</sup>, тифи гузаро<sup>4</sup> келди.

Кетсам бу алам бирлан, юз коҳиши  
 ғам бирлан,  
 Favғои санам бирлан хуш даври  
 сафо келди.

Рози бўлойин ўлсам,  
 жон бергучча бир кўрсам,  
 Мундоғ не бало бирлан шиддатли  
 казо келди.

Девонаи Машрабсан, кўркуб нега йиғлайсан,  
 Ошиқ кишига ўлмоқ хуш айши шифо келди.

<sup>1</sup> Ариғ – 1) соғ, пок; 2) яхши, маъкул.

<sup>2</sup> Хароботий – ринд, каландар.

<sup>3</sup> Бебунёд – бу ерда: наслисиз.

<sup>4</sup> Гузаро – бу ерда: тез, ўткир.

\* \* \*

Кеча базмингдин йироқ ишқ  
ахли чандон йиғлади,  
Куйди ҳам парвона, ҳам шамъи  
шабистон<sup>1</sup> йиғлади.

Сокиё, сун<sup>2</sup> бир сурохий<sup>3</sup>,  
дам-бадам фарёд этиб,  
Ахли мажлис олдида ёш  
ўрниға қон йиғлади.

Ҳажр шоми куйганимға куйди,  
ўртанди чу барк,  
Ҳам мени дарди дилимға  
чархи гардон<sup>4</sup> йиғлади.

Ҳар тикан ғам даشتida санчиб  
аёғим килди чок,  
Менга ёр раҳм айламас,  
хори муғилон<sup>5</sup> йиғлади.

Бўлмасун оғаҳ қиши ҳоли  
дилимдин халқ аро,  
Гарчи куйди оғзимиз,  
аммо дилу жон йиғлади.

<sup>1</sup> Шамъи шабистон – тунни ёритувчи шам, мажозан: ой юзли маҳбуба.

<sup>2</sup> Сунмок – чўэмок, узатмок.

<sup>3</sup> Суроҳий – бўйни узун май идиши.

<sup>4</sup> Чархи гардон – айланувчи фалак.

<sup>5</sup> Хори муғилон – биёбонда ўсадиган бир хил тикан.

◊( жаҳон шеърияти дурдоналиари )◊

Машрабо, гар жон яқосин  
чок-чок этсам, не айб –  
Ким, фалак жабридин ул сарви  
хиромон йиғлади.

\* \* \*

Бул ғариблиғ мөхнати кўнглумга  
куб кор айлади,  
Қилди бағрим поралар,  
жонимни афгор айлади.

Ёрди кўксум, эзди бағрим, ох,  
бу дарди фирок,  
Ўртади мискин таним, ер бирла ҳамвор<sup>1</sup>  
айлади.

Жоми ғурбатдин ичиб, килдим  
ғариблик ихтиёр,  
Не жафолар жонима ул чашми  
хуммор айлади!

Телба бўлдум, ҳарза<sup>2</sup> юрдум –  
билмадим нуксоними,  
Оқибат ишқинг мани расвои бозор айлади.

Ҳар қаёндин дарду ғам тегди  
дили афгорима,  
Бу мани жиссимда дарду ғамдин  
анбор айлади.

<sup>1</sup> Ҳамвор – текис, баробар.

<sup>2</sup> Ҳарза – бехуда.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Доимо чектим риёзат куну  
тун тинмай вале,  
Бул тааллукдин<sup>1</sup> мани кўнглумни  
безор айлади...

\* \* \*

Оқ юзунгда холу хат кўз  
кўрмагайди кошки,  
Кўнглума юз доғи ғамни  
кўймагайди кошки.

Ишқ бир оҳ айлагач, кетти  
футур дин уйидин,  
Бодани бегаш<sup>2</sup> кўрубон ичмагайди кошки.

Чун Наманган шахридин  
парвоз айлаб мурғи рух<sup>3</sup>,  
Донаи холин кўрубон кўнмасайди кошки.

Ёр жилва<sup>4</sup> бирла бокти, руҳу  
жон бўлди кабоб,  
Ушбу ҳодиски<sup>5</sup>, бошимға  
солмагайди кошки.

<sup>1</sup> Тааллук – боғлиқлик, алоқадорлик, даҳлдорлик.

<sup>2</sup> Бегаш – тоза, соғ.

<sup>3</sup> Мурғи рух – жон қуши.

<sup>4</sup> Жилва – солики ориф дилида порлаб, уни волаю шайдо этадиган нур.

<sup>5</sup> Ҳодис – содир бўлган, юз берган.

Айрилиқнинг дардидин жоним  
 кетар бўлди магар,  
 Ушбу доғи айрилиғни кўрмажайди кошки.  
 Машрабо, ёр хизматини айла  
 жону дил била,  
 Ушбу даврон ҳам ғанимат –  
 олмажайди кошки.

\* \* \*

Ногах кўрунуб, кўзума дилбар бока қолди,  
 Парда кўтариб, кошини ул дам  
 қоқа қолди.

Ошиқ эканимни билибон дилбари раъно  
 Ақклимни олиб, жонима ўтлар ёқа қолди.

Рухим эритиб ёширин, вах-ваҳ, юзи оташ,  
 Ишқ чақмоқини жонима ул  
 дам чоқа қолди.

Тарсобачани<sup>1</sup> кўрдиму дин кетти қўлумдин,  
 Қил сажда дебон бўйнума  
 зуннор<sup>2</sup> тоқа қолди.

Мен они учун кечаю кундуз югуурман,  
 Ёrim келибон биргина ҳолим сўра қолди.

<sup>1</sup> Тарсобача – насроний динидаги бола. Тасаввуда гўзаллик, хусну малоҳат мазҳари. Орифлар раббоний жозиба ва руҳоний жолиба (жалб қилувчи, маҳбуба)ни тарсобача дейдилар.

<sup>2</sup> Зуннор – насронийлар белига боғлайдиган чилвир. Ислом мамлакатларида ғайримусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришга мажбур эдилар. Тасаввуда зуннор – ҳакиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.

Айди: «Не тиларсан?» Дедим мен:  
«Шамъи жамолинг!»

Кўрсатти юзин, мақсуд ҳосил эта қолди.

Машраб юрубон олам аро топмади мақсуд,  
Юз шукрки, онинг била улфат бўла қолди.

\* \* \*

Эй санам, хажринг ўтиға дийда  
гирён бўлғуси,  
Кўрмасам бир дам юзунгни  
юрагим кон бўлғуси.

Мардумони<sup>1</sup> кўзларинг бир кофири  
бераҳм эрур,  
Гарчи кофири кўруб, тарсо<sup>2</sup>  
мусулмон бўлғуси.

Гар чикиб, ҳар ёнға боқсанг, ёр,  
зулфинги тараф,  
Шамъ ўлуб, куйган кўнгул бир  
дам паришон бўлғуси.

Қоматингни кўрсалар махшарда<sup>3</sup>  
гар инсу малак,  
Хуру филмонлар<sup>4</sup> «Бу ким?»  
деб барча хайрон бўлғуси.

<sup>1</sup> Мардумон – бу ерда: корачиклар.

<sup>2</sup> Тарсо – насроний. Тасаввуфда нафси амморани маҳв этиб, нафси ҳамидага эришган ориф инсон.

<sup>3</sup> Маҳшар – қиёмат кунида барча ўлганлар тирилиб, сўрок учун тўпландиган жой.

<sup>4</sup> Филмон – жаннатдаги хизматкор бола.

«ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Катраи сув томса гар шўрида<sup>1</sup> кўэдин,  
Машрабо,  
Ташналик вақтида боқсанг,  
роҳати жон бўлғуси.

\* \* \*

Мени даврон бу кун дарду аламға  
мубтало қилди,  
Париваш нозанинлар бирла  
ёру опно қилди.

«Алиф»<sup>2</sup>дек «жон» аросида ниҳоли  
коматин асраб,  
Фамидин оқибат қаддимни «нун»<sup>3</sup> янглиғ  
дуто<sup>4</sup> қилди.

Биродар, сен бу кун мендин  
умиди оқибат қилма,  
Юрак-бағрим оқиб кўэдин,  
ажал юзини во қилди<sup>5</sup>.  
Кишига айтаёлмай бошга тушган  
сурати ҳолни,  
Бу ҳасрат бора-бора ўзини  
бағримга жо қилди.

<sup>1</sup> Шўрида – паришон, мубтало.

<sup>2</sup> Алиф – араб алифбосининг биринчи харфи: «а», «о». Тик ва тўғрилиги жиҳатидан маҳбубанинг баланд ва келишган коматига нисбат берилади.

<sup>3</sup> Нун – араб алифбосидаги «н» харфи: згик ва қайрилмалиги жиҳатидан маъшуқанинг қайрилма кошига ва ошикнинг эгилган қадди-бастига ташбех килинади.

<sup>4</sup> Дуто – эгилган, букилган.

<sup>5</sup> Во қышмоқ – очмок.

←(ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Бу ҳолимға тараҳхум қилғудек  
бир меҳрибоним йўқ,  
Мени бечора қилди, зўр қилди,  
бенаво қилди.

Халойик дуни<sup>1</sup> ҳам бўлсам,  
жаҳон ичра ғаниматман,  
Бу кун ёшлар айтурларки,  
Машраб ҳам фано<sup>2</sup> қилди.

\* \* \*

Кел, эй дилбар, юзунг очил,  
тасаддуқдур бу жон эмди,  
Фирокинг ўтиға күйдүм, күяр бу  
устухон эмди.

Нечук айлай, аё дўстлар,  
бўлубман зору саргардон,  
Давосиз дардга учрабман,  
ўларман бегумон эмди.

Жаҳонда гар кипи кўбтур  
жудолиғдин хароб бўлғон,  
Етибдур ҳалқума жоним,  
менга йўқ меҳрибон эмди.

<sup>1</sup> Дун – паст, тубан.

<sup>2</sup> Фано — ўлиш, йўқ бўлиш. Тасаввуда банданинг Ҳакда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илоҳий сифатлар ичра маҳв бўлиши.

Тушубдур кўнглума дардинг,  
кима айтай, кима йиғлай,  
Лахад ичра кетар бўлдум,  
юроким тўла қон эмди.

Кел, эй Машраб, жудолиғдин  
нега мунча хароб бўлдунг,  
Тегибдур сенга бу меҳнат,  
кетар яхши-ёмон эмди.

\* \* \*

Кимга айтиб йиғлайин нозукадони  
дардини,  
Хонавайрон айлаган ноошнони дардини.

Дилни бердим анга мен, ғайраз  
жафони кўрмадим,  
Айтиб-айтиб йиғлайин ул бевафони  
дардини.

Умрум охир бўлди етмай  
доманини гардиға,  
Кимга айтиб, кимга йиғлай дилрабони  
дардини?

Дарбадар аввораман, куйди дилим  
ахгар сифат,  
Бахти қаро яхши билур бахти  
қарони дардини.

Осмон бесар<sup>1</sup> бўлур айтсам  
аламлик достон,  
Ҳар кишига айта билмам раҳнамони  
дардини.

Дашту сахролар куяр Мажнунни  
тортган охига,  
Бесаруполар<sup>2</sup> билур соҳибазони дардини.

Норасоларға сухан<sup>3</sup> қилмок хатодур,  
Машрабо,  
Билса ҳар ким чорёри<sup>4</sup> босафони<sup>5</sup> дардини.

\* \* \*

Кел, эй дилбар, баён айлай сенга  
бир-бир жудолигни –  
Ки, шояд раҳм этиб, солсанг  
ўзингга ошнолигни.

Тамоми хонумонимдин<sup>6</sup> кечибон  
бир сени дерман,  
Ўзингдин ўзга билмайдур,  
ўзинг билғил фидолигни.

<sup>1</sup> *Бесар* – боши айланган, гангиган, паришон.

<sup>2</sup> *Бесарупо* – бошяланг, пёкяланг, телба, бечора.

<sup>3</sup> *Сухан* – сўз, нутқ.

<sup>4</sup> *Чорёр* – хулафойи рошидин – тўғри йўлдан борган тўрт халифа: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али.

<sup>5</sup> *Босафо* – пок, садоқатли.

<sup>6</sup> *Хонумон* – уй-жой.

Чу сендин ўзгани демам,  
касам Оллоҳ: қабул этмил –  
Ки, зулминг ўзага айлаб, менга  
бергил сафолиғни<sup>1</sup>.

Сулаймон<sup>2</sup> тахтию Жамшидни<sup>3</sup>  
жомиға бермасман,  
Кўлумга косаи чўбин<sup>4</sup> олиб,  
килсан гадолиғни.

Аё, эй топшурак бедил<sup>5</sup>, жафожў<sup>6</sup>,  
зулмгар, бедод<sup>7</sup>,  
Нигоро, кимдин ўргандинг  
мунингдек бевафолиғни?

<sup>1</sup> Сафо – бу ерда: сулх, дўстлик.

<sup>2</sup> Сулаймон – шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Унинг мол-мулки ҳад-хисобеиз бўлган. Унга Худонинг сирли ва муқаддас исми – Исми Аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сехрли узугига нақш килинган. Бу узук воситасида у нафакат одамлар, балки ҳайвонлар, кушлар, барча инсу жинсларга, табиат ходисаларига ҳам ҳукмини ўтказа олган.

<sup>3</sup> Жамшид жоми – қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид «Жоми жаҳоннамо» – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро килган бўлиб, унда дунёдаги нафакат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ходисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илохий сирларни ўзида саклаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тутамас эмиш.

<sup>4</sup> Чўбин – ёючдан ясалган.

<sup>5</sup> Бедил – дилини бой берган, ошиқ, тирифтор.

<sup>6</sup> Жафожў – жафо килуячи, ситамгар.

<sup>7</sup> Бедод – жабр, зулм, ситам.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Сен, эй зохид, насиҳатни бориб  
мехроб аро айтгил,  
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши  
сендек риёлиғни.

Залолатпешалиғни<sup>1</sup> аҳли дунлар<sup>2</sup>  
сендин ўргангай,  
Мунофик бадасллик<sup>3</sup> ҳам  
тамаъгир рўсиёлиғни<sup>4</sup>.

Риё тоат килиб, кундузлари  
ўэни дебон муршид,  
Кечадин тонг қадар қилғунг ўзингдек  
юз қаролигни.

\* \* \*

Тушти ишқинг, эй пари, ақлимни  
хайрон айлади,  
Хажринг ўти куйдуруб, бағримни  
бирён<sup>5</sup> айлади.

Эй ниgoro, орзуйи оразинг васлин тилаб,  
Фунчадек лаълинг ғами ашким тўла  
кон айлади.

<sup>1</sup> Залолатпеша – хорлик, гумрохликни касб килган.

<sup>2</sup> Аҳли дун – ёмонлар, нокаслар.

<sup>3</sup> Бадасл – асли ёмон, таги паст.

<sup>4</sup> Рўсиё (ҳ) – юзи қора.

<sup>5</sup> Бирён – қоврилган, ўртантган.

Гоҳ-гоҳе раҳм этиб, банданг  
сари қилғил назар,  
Ошиқинг жондин кечиб,  
ўзини қурбон айлади.

Доимо ишқингда йиғларман сенинг,  
эй нозанин,  
Гар бу кун ким йиғлар эрса, тонгла<sup>1</sup>  
хандон айлади.

Қатрайи вахдат майдин<sup>2</sup> лутф  
ила килди карам,  
Завқу шавқидин бериб, оламда  
султон айлади.

Эй биродарларки, мендин оғият<sup>3</sup>  
кўэ тутмангиз,  
Бир пари ақлим олиб, кўйида  
нолон айлади.

Соқийи пири мугон<sup>4</sup>  
сунди шароби антаҳур,  
Мосиво айлар ҳамадин,  
мушикил осон айлади.

<sup>1</sup> Тонгла – 1) эртага; 2) киёмат куни.

<sup>2</sup> Ваҳдат майи – Оллоҳнинг ягоналигини хис килиш, маърифатига эриштирадиган илохий май. Ривоятга кўра, Мухаммад алайхиссалом мъерож кечаси Оллоҳ таоло хузуридаги илохий майдан тотган эканлар.

<sup>3</sup> Оғият – соғлик, тинчлик.

<sup>4</sup> Пири мугон – муглар – оташпаратлар пири. Тасаввуфда маънавий раҳбар, комил инсон маъноларида қўлланади.

Бир масалдур:

дунёнинг осойиши кофирғамиш,  
Бу жаҳонни ошиқиға чохи зиндан айлади.

Халқи олам эй, париваш,

ошно бўлғач сенга,  
Машрабингни бошиға кўп тийрборон<sup>1</sup>  
айлади.

\* \* \*

Мен кимга айтай, дўстларим,

девона қилди ишқ мени,  
Садпора<sup>2</sup> қилди юраким, девона  
қилди ишқ мени.

Тун-кечалар дод айласам,

хар дам сени ёд айласам,  
Ишқингда фарёд айласам,  
девона қилди ишқ мени.

Шому сахар гирён бўлай,

йўлунгда саргардон бўлай,  
Охир сента қурбон бўлай,  
девона қилди ишқ мени.

Хамдам бўлай майхонага,

сокин бўлай бутхонага<sup>3</sup>,  
Бошим қўяй остонаяга,  
девона қилди ишқ мени.

<sup>1</sup> Тийрборон – ўқ ёмғири.

<sup>2</sup> Садпора – юз пора, чок-чок.

<sup>3</sup> Бутхона – бутпарастлар ибодатхонаси. Тасаввуфда лоҳут олами, яъни вахдати кулл кўзда тутилиб, аҳадият зотининг мазхарияти маъносида ҳам келади.

◊( жаҳон шеърияти дурдоналари )◊

Ишқ ахлига ҳамдам бўлай,  
 Ҳак йўлига мухкам бўлай,  
 Даргоҳига маҳрам бўлай,  
 девона килди ишқ мени.

Девонаи шайдо бўлай, мен толиби  
 Мавло<sup>1</sup> бўлай,  
 Халқ элига расво бўлай, девона  
 қилди ишқ мени.

Машрабга қил лутфу карам вахдат  
 шаробин дам-бадам,  
 Эй соҳиби лавҳу қалам<sup>2</sup>,  
 девона қилди ишқ мени.

\* \* \*

Ошиқ улдур то дилида сакласа асрорни,  
 Барҳам урса<sup>3</sup> йўлида оламда йўқу борни.

То ўзунгта дард тегмай, айланиб келмас даво,  
 Бас, бу маънодин ҳакимлар кўп сўрар  
 беморни.

Гарчи осийман, анинг даргоҳидин  
 навмид<sup>4</sup> эмам<sup>5</sup>,  
 Бир гул учун сув берурлар  
 сад ҳазорон<sup>6</sup> хорни.

<sup>1</sup> Мавло – соҳиб, сарвар, яъни Худо.

<sup>2</sup> Соҳиби лавҳу қалам – Худо. Лавҳ (Лавҳул-маҳфуз) – Оллоҳ инсониятнинг тақдирини ёзган улкан китоб. Унинг ёнида ёзув қалами бўлиб, унинг ҳам катталиги лавҳга мос келадиган шаклда.

<sup>3</sup> Барҳам урмоқ – йўқотмок, нобуд қилмок.

<sup>4</sup> Навмид – умидсиз, маъюс.

<sup>5</sup> Эмам – эмасман.

<sup>6</sup> Сад ҳазорон – юз мингларча.

Охири манзилга етмасдур  
 кудуратлик күнгүл,  
 Дилга жо бермоқ на хожат  
 душмани ғаддорни<sup>1</sup>.

То дилингга маърифатдин  
 нури иймон бўлмаса,  
 Сўфи(й)лар, бир «Ху»га алмашланг ани –  
 дасторни.

Хотири покингни машғул қилма  
 харгиз дунёга,  
 Дил фуборолуда<sup>2</sup> бўлди –  
 ул кўролмас ёрни.

Авлиёлардек муаззам бўлайнин десанг vale,  
 Машрабо, хеч канда қилма  
 дилдин истиғфорни.

\* \* \*

Бу тани хокийнию<sup>3</sup> руҳи  
 равонни<sup>4</sup> на қилай?  
 Бўлмаса қошимда жонон,  
 бу жаҳонни на қилай?

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага  
 бормоқ не керак?  
 Иброҳимдан<sup>5</sup> қолғон ул эски  
 дўёнини на қилай?

<sup>1</sup> Ғаддор – 1) маккор, хийлагар; 2) хоин, алдамчи.

<sup>2</sup> Фуборолуда – фуборли, нопок.

<sup>3</sup> Хокий – тупроқдан яратилган.

<sup>4</sup> Руҳи равон – жон.

<sup>5</sup> Иброҳим – Каъбага асос соглан Иброҳим пайғамбар.

Урайинму бошима саккиз  
бихишту<sup>1</sup> дўзахин?  
Бўлмаса васли менга,  
икки жаҳонни на қилай?  
Зарраи нури қуёшдек бу  
жаҳон ичра тамом,  
Ошкоро бўлса, бу сирри  
ниҳонни на қилай?  
Аршнинг кунгурасин устиға қўйдум оёғим,  
Ломакондин хабар олдим,  
бу маконни на қилай?

\* \* \*

Ёрни қўйида мен жавлон қилай,  
Итларини сонида афғон қилай.  
Кошки бу кулбай аҳзон<sup>2</sup> аро  
Ошнони бир куни меҳмон қилай.

<sup>1</sup> Маълумки, жаннатнинг саккиз дарвозаси, демакки, саккиз даражаси бор – бу ерда шунга ишора қилинаётган бўлса керак: 1) пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддик бандалар ва сахийлар; 2) намозхонлар; 3) закот берувчилар; 4) амри маъруф ва нахий мункар килган мўминлар; 5) нафсу шаҳватини жиловлаб юрганлар; 6) хаж ва умра қилганлар; 7) Оллоҳ йўлида жидду жаҳд қилганлар; 8) тақвадорлар ва ота-онасини рози қилганлар ҳамда рўзадорлар кирадиган дарвазалар.

<sup>2</sup> Кулбай аҳzon – Фам кулбаси. Бу тушунча Яъкуб пайғамбар ҳаёти билан боғлик бўлиб, севимли жигарбанди Юсуфдан ажралгач, у йўл бўйида «Байт ул-аҳzon» («Байт ул-ҳазан») – «Фам уйи» деган кулба тиклаб, кеча-кундуз унда тоат-ибодат килиб, йиглар эди. Мумтоз адабиётда сўнгсиз дарду фамда, чорасиз аҳволда қолган кишининг уйини, ҳаёгини, дунёни байт ул-аҳzonга нисбат берини бир анъана тусини олган.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ёр килғон захм етмас, эй табиб,  
Дема менга дардингга дармон қилай.

Оқизиб кўздан сиритким<sup>1</sup> беадад,  
Хайма<sup>2</sup> афлокни<sup>3</sup> вайрон қилай.

Кес бошимни ханжари нозинг билан,  
Сендин ўзга кимға саргардон қилай.

Зулфи мушкининг тасаввур айлабон,  
Бу варакни сафҳаи райхон қилай.

Ишқ куйдурса бу ошик кўнглини,  
Сийна ичра ўт нечук пинхон қилай?

Гул юзин кўрсатти – ўлдурди мени,  
Ёрни жисм орасинда жон қилай.

Машрабо, бир катра топдим жоми май,  
Ўзими ишқ ахлиға султон қилай.

\* \* \*

Жавҳари<sup>4</sup> дилни билурға марди<sup>5</sup>  
дилогоҳ керак,  
Марди Ҳақни сухбатига тийнати<sup>6</sup>  
зебо керак.

<sup>1</sup> Сиришк – кўз ёши.

<sup>2</sup> Хайма – чодир.

<sup>3</sup> Афлок – фалаклар, осмонлар.

<sup>4</sup> Жавҳар – асос, моҳият, гавҳар.

<sup>5</sup> Мард – тасаввуда Ҳаққа яқин кишилар, илоҳий сирлардан хабардор орифлар, валийлар маъносида келади.

<sup>6</sup> Тийнат – хулқ, табиат, яратилиш.

Неку бадни<sup>1</sup> сирини мунда  
Килиб бўлмас аён,  
Бизга дийдор, ўзгаларга жаннат  
ул-маъво керак.

Тифли<sup>2</sup> нобиноға зоҳир этма  
кўнгул ёрасин,  
Дарду холотни билурга оқилу доно керак.

Чун дарахти босамарни<sup>3</sup> шоҳи  
эрмиш сарнигун<sup>4</sup>,  
Бил сафидори<sup>5</sup> адлдек гардани боло<sup>6</sup> керак.

Машрабинг олдида сен ёзуқларингга<sup>7</sup>  
тавба қил,  
Гар дуо қилсам хақингга,  
мақбули даргоҳ керак.

\* \* \*

Муродингга етай десанг, қаландар бўл,  
қаландар бўл!  
Ситам ахлин ютай десанг, қаландар бўл,  
қаландар бўл!

<sup>1</sup> Неку бад – яхши ва ёмон.

<sup>2</sup> Тифл – гўдак, бола.

<sup>3</sup> Босамар – мевали, ҳосилдор.

<sup>4</sup> Сарнигун – боши қўйи, остин-устун.

<sup>5</sup> Сафидор – танаси оқ бўлган тик ва баланд мевасиз дарахт.

<sup>6</sup> Боло – 1) баланд; 2) қад-қомат.

<sup>7</sup> Ёзуқ – гуноҳ, айб.

Оғиздин дур сочай десанг,  
 шароби ишқ ичай десанг,  
 Ёмонлардан қочай десанг, қаландар бўл,  
 қаландар бўл!

Фасод ахлин қувай десанг,  
 (кетига) бир урай десанг,  
 Бу даргоҳдин сурай десанг, қаландар бўл,  
 қаландар бўл!

Риёзатсиз бўлай десанг,  
 таним озод юрай десанг,  
 Жаҳонни сайр этай десанг,  
 қаландар бўл, қаландар бўл!

Разолат куйдурай десанг,  
 залолат<sup>1</sup> ўлдурай десанг,  
 Ҳамасин супурай десанг, қаландар бўл,  
 қаландар бўл!

Бу тақводин кечай десанг,  
 хонақоҳдин<sup>2</sup> қочай десанг,  
 Ҳакиқатни очай десанг, қаландар бўл,  
 қаландар бўл!

Гуҳарреэлик<sup>3</sup> қилай десанг,  
 ҳамани кулдурай десанг,  
 Чу Машрабдек бўлай десанг,  
 қаландар бўл, қаландар бўл!

<sup>1</sup> Залолат – гумроҳлик, йўлдан озганлик.

<sup>2</sup> Хонақоҳ – сўфийлар йигилиладиган, зикр тушадиган жой.

<sup>3</sup> Гуҳаррез – гавхар тўкувчи, маъноли сўзлар айтувчи.

\* \* \*

Ишқ водисидин бир кеча мен  
хай-ҳалаб ўттум,  
Зухход<sup>1</sup> элини мамлакатини талаб ўттум.

Олдим фашу мисвокни<sup>2</sup> девоналиғ айлаб,  
Парвона сифат жоними ўтка қалб ўттум.

Дунё ясаниб, жилва қилиб олдима келди,  
«Борғил нари!» деб, кетига бир  
шатталаб ўттум.

Офоқни<sup>3</sup> бир лахзада кездим, на ажабдур,  
Мино тоғидан ҳаккасиғат ҳаккалаб ўттум.

Кўрдимки вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,  
Миндим ажал отини мен, қамчилаб ўттум.

Билдимки они душмани маккораи айёр,  
Ло<sup>4</sup> тирноғи бирла юзини тирмалаб ўттум.

Мардони<sup>5</sup> Худо дейдики:  
«Дунё майи аччиғ»,  
Аччиғлигини билмак учун бир ялаб ўттум.

Нафс кофири бирла туну кун  
тинмай урушдум,  
Танҳо қиличи бирла уруб,  
хай-ҳалаб ўттум.

<sup>1</sup> Зухҳод – зоҳидлар, обидлар.

<sup>2</sup> Мисвок – тиш тозалагич.

<sup>3</sup> Офоқ – дунё, олам.

<sup>4</sup> Ло – араб ёзувида «ло» сўзи ханжарга ўхшайди.

<sup>5</sup> Мардон – мардлар, эрлар.

← ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ →

Хомуш пичокини они бўйниға кўйдим,  
Чўғ найзаси бирла кўзини найзалаб ўттум.

Девонаи Машраб, бу сўзинг  
дардга даводур,  
Ошиқни элини кўнглиға бир  
ўт қалаб ўттум.

\* \* \*

Ўшал кун сенга, эй шўхи ситамгар,  
ошно бўлдум,  
Жамолингни кўрай деб,  
орзу бирлан адо бўлдум.

Ба<sup>1</sup> бозори мухаббат тавҳари  
кимматбаҳо эрдим,  
Рақиблар олдида мисли садафдек  
камбаҳо бўлдум.

Қаландарвор ҳажрингда навою  
нолалар қилдим,  
Сени дарди ғамингдин, эй парипайкар<sup>2</sup>,  
адо бўлдум.

Ўшал кун санга паймон айладим,  
эй шўхи бепарво,  
Тамоми ҳамнишину<sup>3</sup> ҳамнафаслардин  
жудо бўлдим.

<sup>1</sup> Ба – олд кўмакчи: -да.

<sup>2</sup> Парипайкар – пари суратли, гўзал, сохибжамол.

<sup>3</sup> Ҳамнишин – бирга ўтирувчи, улфат.

←( жаҳон шеърияти дурдоналари )→

Мухаббат ўти куйдурди юрак-бағримни,  
зай Машраб,  
Куюб кул бўлди жисмим, нест<sup>1</sup> бўлдум,  
зери по<sup>2</sup> бўлдум.

\* \* \*

Ярайдур менга хижрон илкидин<sup>3</sup>  
фарёдлар қилсан,  
Бориб Ҳақ олдида дасти<sup>4</sup> фалакдин  
додлар қилсан.

Агарчи додима етса, чақибон  
ишқ чакмоқин,  
Фалакни уйига ўтлар қўюб,  
барбодлар қилсан.

Мени бир дам ҳалос эт, эй биродар,  
ғуссаю ғамдин,  
Они ёди билан ҳар дам кўнгулни  
шодлар қилсан.

Мени ҳолим агар ишқ аҳли кўрса,  
зор йиғлайдур,  
Агар дарду ғамимдин заррае  
бунёдлар қилсан.

Ўшалким ғарки дарёи мухаббат бирла  
Машрабман,  
Дилу жоним билан ҳар дам арзир  
фарёдлар қилсан.

<sup>1</sup> Нест – йўқ.

<sup>2</sup> Зери по – оёғ ости, хор, забун.

<sup>3</sup> Илик (Илиг) – кўл.

<sup>4</sup> Даст – кўл.

←( жаҳон шеърияти дурданалари )→

\* \* \*

Дунёга келиб, лойига билмай бота қолдим,  
Дармон йўқидин захри балосин  
юта қолдим.

Кўрдум мен они душмани руҳу  
тан экандур,  
Ло ўқи билан икки кўзига ота қолдим.

Майхонага кирдим – била қолдим  
куяримни,  
Масjidга кириб, зоҳиди яхдек<sup>1</sup>  
кота қолдим.

Зоҳид, менга бир шишада май,  
сенга – намозинг,  
Минг тақвини бир косаи  
майга сота қолдим!

Ваҳдат майини пири муғон илгидин ичтим,  
Мансур киби бошими дорға тута қолдим.

То телбалиғим шуҳрати оламни тутубдур,  
Бир жилвасиға икки жаҳондин ўта қолдим.

Айб этмангиэ бу Машраби  
бехудни ёронлар<sup>2</sup>,  
Найлайки, бу ғурбат  
кўчасидин ўта қолдим.

<sup>1</sup> Ях – муз.

<sup>2</sup> Ёронлар – дўстлар, кадрдонлар.

\* \* \*

Шоҳи жаҳоним, ишқингда ўлдум,  
Ороми жоним, ишқингда ўлдум.

Мунча жафона кимдин ўргандинг,  
Эй нуктадоним<sup>1</sup>, ишқингда ўлдум.

То коба қавсайн<sup>2</sup> шархи кошингдур,  
Абрўкамоним<sup>3</sup>, ишқингда ўлдум.

Какнусға<sup>4</sup> ўхшаб ёндим тириклай,  
Ўртанди жоним, ишқингда ўлдум.

Бир раҳм қилғил, ҳолимға бокғил,  
Номехрибоним, ишқингда ўлдум.

Ёра бу кун мен чокар<sup>5</sup> бўлойин,  
Соҳибқироним<sup>6</sup>, ишқингда ўлдум.

<sup>1</sup> Нуктадон – нозикфаҳм, доно.

<sup>2</sup> Коба қавсайн – икки ёй оралиғи. Меъроҳ кечаси курб манзилида Оллоҳ таоло ва Мухаммад алайхиссалом ёки йўлда Пайғамбар ва Жаброил фаришта ораларидаги ма-софани билдиради. Икки қошининг ёки кўз оку корасининг бир-бирига яқинлигига ҳам ишора килинади.

<sup>3</sup> Абрўкамон – қоши камон.

<sup>4</sup> Кақнус – афсонавий хушвуз қуш: бир умр ҳас-ҳашак йигиб, кейин унинг устига чикиб, шунақанги ўтли наво чекарканки, нафасидан тўплаган хирмони аланг алиб, ўзи ҳам ёниб кетаркан – унинг кулидан янги қакнусбачча пайдо бўлар экан.

<sup>5</sup> Чокар – хизматкор.

<sup>6</sup> Соҳибқирон – бу ерда: баҳтли соатда турилган, баҳтиёр, масъуд.

◊(жаҳон шеърияти дурдонилари)◊

Машрабга бир бок, жон лабга етти,  
Рухи равоним, ишқингда ўлдум.

\* \* \*

Сени кўрдум – ҳама элни унудим,  
Жаҳон лаззатидин кўнглим совутдим.

Сенга бердим дилу жонимни ул дам,  
Биҳиши жовидон<sup>1</sup> таркини туттум.

Висолингда лабингдин эл май ичти,  
Фирокинг бирла мен хуноба<sup>2</sup> юттум.

Не қаттиқ кун эди, эй роҳати жон,  
Сенингдек офати жонға йўлуктум.

Кечакундуз мудом андиша қилдим,  
Сенинг мислинг йўқ эконин ўқуттум.

Танимсан ҳам азиҳ жоним эрурсан,  
Изинг ҳар ердадур – юзумни сурттум.

Қабул қил, хоҳ қилма, ҳасратингдин  
Кезиб чўлларни сўнгоким чуруттум.

Фаминг – кўнглумга, холинг –  
жонима кут,  
Ҳаёт истаб, хаёлинг заҳрин юттум.

---

<sup>1</sup> Жовидон (Жовид) – доимий, абадий, мангу.  
<sup>2</sup> Хуноба – қонли ёш, аччиқ йиги.

Тилимда ё дилимда ўзга ким бор?!  
Қасамёд айладим ўзга қуруттум!

Гаҳи васлинг висоли бўлмағанда  
Хаёлинг бирла кўнглумни овуттум.

Сени ҳам кўрмаган, ҳам топмаган сўнг,  
Фаминг бирла иковлон гўша туттум.

Қачон кўрдум кизил гулдек юзунгни,  
Вужудим куйдуриб, кулни совурттум.

Бу Машрабға чу ишқинг жовидондур,  
Кечани ишқ-ла кундуздек ёруттум.

\* \* \*

Жонон, юзингни кўрголи келдим,  
Шаккар лабингдин сўрголи келдим.

Ўттек тутониб ёнди юрогим,  
Куя-куя кул бўлголи келдим.

Эй мохи тобон, лутфу карам қил,  
Ойдек юзингни кўрголи келдим.

Шамъи жамолинг парвона қилди,  
Ўтға ўзумни урголи келдим.

Пардани очфил, эй гулъузорим<sup>1</sup>,  
Рози дилимни очголи келдим.

---

<sup>1</sup> Гулъузор — гул юзли, гўзал.

Эй тўраи<sup>1</sup> ҳусн, банданг бўлойин,  
Эшигингга қул бўлголи келдим.

Машрабға тегди косаи даврон,  
Беш кун жаҳонда ичколи келдим.

\* \* \*

Ногох кўрубон маҳви  
жамолинг бўла қолдим,  
Ойдек юзунгга бокдиму  
хайрон бўла қолдим.

Ўтдек туташиб куйди юрогим била жоним,  
Парвона бўлуб, ўтка ўзумни ура қолдим.

Юз ғамза била чиқди санам майкадасидин,  
Зуннор узуб, дин била иймон сота қолдим.

Кўрдумки, ажаб ишвагару дилбари таниз,  
Девона бўлуб, ишқида ўтдек ёна қолдим.

Дийдори жамолини кўруб ишқ йўлида,  
Гулгун<sup>2</sup> ёнибон маҳви тамошо бўла қолдим.

Ҳожат эмас ул Каъбаи жононаға бормоқ,  
Мен гавхари мақсад бўлайин  
деб ёна қолдим.

<sup>1</sup> Тўраи ҳусн – ҳусн шохи.

<sup>2</sup> Гулгун – гул рангли, кизил.

Машраб бошига тушди ўшал кун  
ғами дилдор,  
Шайдойи бўлуб, жумла ҳавасдин  
кола колдим.

\* \* \*

Кўрдум юзунгни — девона бўлдум,  
Аклу хушимдин бегона бўлдум.

Тортиб жафоны ўлсам кўйингда,  
Қайтмасман ҳаргиз — мардона бўлдум.

Бўлуб жаҳонда расвои олам,  
Яхши-ямонга афсона бўлдум.  
Кавсар<sup>1</sup> шароби ёдимга келмас,  
Лаъли лабингдин мастона бўлдум.

Юмдум кўзумни сендин бўлакдин,  
Кечдим баридин, риндана<sup>2</sup> бўлдум.

Кўрдум тушумда шамъи жамолинг,  
Чарх уруб, ондин парвона бўлдум.

Ишқинг майига тўлди бу жисмим,  
Ҳам соқию ҳам паймона бўлдум.

Бир катра эрдим — чўмдум денгизга,  
Кирдим садафга — дурдона бўлдум.

<sup>1</sup> Кавсар — жаннатдаги ажиб ҳовузнинг номи. Унинг суви асалдан тотли, кор ва сутдан оқ бўлиб, ундан ичган киши абадий ташалик кўрмайди.

<sup>2</sup> Риндана — риндалардек, риндаларга ўхшаб.

## «ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Куйдирмаса ўт, бўлмас яғоч чўғ,  
Ишқ ўти бирлан ҳамхона бўлдум.

Бўлдум фано мен туфроғ ичинда,  
Бир дона эрдим – минг дона бўлдум.

Ул юз ўтида буд<sup>1</sup> бўлди нобуд,  
Жон жонға кирди – жонона бўлдум.

Тегди кўзингдин ҳар дамда минг тийр<sup>2</sup>,  
Аввал эдим дашт – гулхона бўлдум.

Бир неча йилдур ёрдин жудоман,  
Билмай ўзумни девона бўлдум.

Куймас дедилар маъмураи танж,  
Обод эдим мен – вайронга бўлдум.

Матрабга май сун майхона ичра,  
Масжидга кирмай мастона бўлдум.

\* \* \*

Дунё сариға бир келибон ғамзада кеттим,  
Бир лахза дам олмай турубон лахзада  
кеттим.

Бир мушфики ҳамроз<sup>3</sup> жаҳон ичра  
тополмай,  
Ҳасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим.

<sup>1</sup> Бұд – борлық, мавжудлик.

<sup>2</sup> Тийр – ўқ.

<sup>3</sup> Ҳамроз – сирдош, яқин дўст.

Суртмай бу каро юзни ўшал ранзада<sup>1</sup>  
бир йүл,  
Юз хасрату мотам била меңнатзада кеттим.

Хорис<sup>2</sup> бўлубон дунёда юрди неча гумроҳ,  
Урён<sup>3</sup> келибон мунда яна арбада<sup>4</sup> кеттим...

Фофил кишилар кечаю кундуз  
тилагай мол,  
Дунё дедим-у охиратимни сота кеттим.

Ёрини хаёл айлади Машраб, кўзин очди,  
Юз дарду алам бирлаки, меңнатзада<sup>5</sup>  
кеттим.

\* \* \*

Гулшану боғи даҳр<sup>6</sup> аро булбули  
нағмагар<sup>7</sup> ўзум,  
Бир бути<sup>8</sup> хушхиром учун ошики  
дарбадар ўзум.

Кўюнгга, эй санам, бориб навҳаю<sup>9</sup>  
нолалар қилиб,  
Шому сахар фифон қилиб, ҳофизу  
хушасар ўзум.

<sup>1</sup> Равза – 1) боғ; 2) жаннат; 3) мозор, зиёратгоҳ.

<sup>2</sup> Хорис – харис, очкӯз, тамагир.

<sup>3</sup> Урён – яланроҳ.

<sup>4</sup> Арбада – шовқин-сурон, тўполон.

<sup>5</sup> Меңнатзада – 1) азоб, машақкат чеккан; 2) бало урган, бадбахт.

<sup>6</sup> Даҳр – 1) дунё, олам; 2) давр, замон.

<sup>7</sup> Нагмагар – чолғучи, хонанда.

<sup>8</sup> Бут – 1) санам; 2) маҳбуба.

<sup>9</sup> Наевҳа – йиги-сиғи, нола.

←(ЖАҲОН ШЕЪРИЯГИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Жоми майи луоб<sup>1</sup> ичиб, Мажнуни  
бенаво бўлуб,  
Нозу карашмалар қилиб, Лайлийи  
ишвагар ўзум.

Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни,  
эй санам,

Болу паримни куйдуруб, бедили  
навҳагар<sup>2</sup> ўзум.

Васлингни истаб, эй санам,  
кечаю кундузи мудом,  
Ёр деди сахарда топ, доияй сахар ўзум.

Олими нуктадон манам, пири хидояхон<sup>3</sup>  
манам,  
Шухрати шеър бобида Машраби  
мўътабар ўзум.

\* \* \*

Киёматдур, агар, жоноки,  
мен сендин жудо бўлсам,  
Хуш ул давлат эрур менга,  
фироқингда адо бўлсам.

<sup>1</sup> *Луоб* – оғиз суви.

<sup>2</sup> *Навҳагар* – нола қилувчи, оху фифон тортиб йирловчи.

<sup>3</sup> *Хидоя* – 1) тўғри йўлни кўрсатини, раҳнамолик;  
2) Бурҳониддин Марғононийнинг машхур «Хидоя» асари.

Мұхаббат ўтиға, жоно, юрограм  
тәх-батах<sup>1</sup> кондур,  
Нечук мен айлайин, дүстлар,  
азалдин бенаво бўлсам.

Юргу бағрим ўртанди  
сени дарду фироқингдин,  
Нечук юз қайтаройин мен  
азалда ошно бўлсам.  
Чу кумри сарв учун йиғлаб, фидо  
айлаб бу жонимни,  
Тамоми хонумонимдин кечиб, кул –  
мосиво бўлсам.

Ҳама ушишоқи<sup>2</sup> содиқни сени ишқинг  
хароб айлар,  
Қабул этгил, аё дилбар, кўйингда бир  
гадо бўлсам.

Фалакни жавридин, дўстлар,  
нечук мен шиква<sup>3</sup> айлармен,  
Нетай, найлай, азал кундинки,  
мен бахти қаро бўлсам.

Мени додимга етиб ҳам бу  
ҳолимни сўрармусан,  
Фироқингда адо бўлган бу Машраб  
бир гадо бўлсам.

<sup>1</sup> Тәх-батах – қаватма-қават.

<sup>2</sup> Ушишоқ – ошиклар.

<sup>3</sup> Шиква – шикоят, нолиш.

本章末

Сайёра сифат кече тонг отғунча югурдим,  
Юз шукрки, ойдек юзини бир  
Кўра колдим.

Фам төгіда Фархол сиғат әмғонур<sup>2</sup>  
Эрдим,  
Бошимға казо тешаси тегди, ёта қолдим.  
  
То базми висолингга теголгунча рақиблар,  
Есем тарзым жадынан мен толынды.

Мажлисдаги шамъни кўрубон олдиға  
бориб,  
Парвона масал ўт ичиға ҳам күя қолдим.

Ширин лабидан берса менга ваъдаи  
хуш деб,  
Жон нақдани илкима солибон бора қолдим.

Май тутти гах ағёр, гоҳ ул шўхи  
ситамгар,  
Дархол қўпуб, май қўлидин ҳам  
ола колдим.

<sup>1</sup> Наззора — караш, назар солиш.

<sup>2</sup> Эмгәнмөк – кийналмок, машиқкыт чекмөк.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Май тўла қилиб, муғбача<sup>1</sup>, Машрабга  
беринглар,  
Бир ғамзаи мужгон била жоним  
бера колдим.

\* \* \*

Аё дилбар, сени кўргач, басе,  
ман мубтало бўлдум,  
Сани кўйингда, эй барно,  
гирифтори бало бўлдум.

Хаданги<sup>2</sup> новаки<sup>3</sup> мижгонларинг хар  
дам тегиб ўтди,  
Кизил қонимға булғониб, шаҳиди  
Карбало бўлдум.

Менингдек ошиқи дилхаста ҳеч  
бўлмасун, ё Раб,  
Начук кўнгул узай сендин,  
азалдин ошно бўлдум.

Нисори мақдами<sup>4</sup> кўюнгга бошимни  
фидо қилдим –  
Ки, тифи ханжаринг тегди-ю,  
жонимдин жудо бўлдум.

<sup>1</sup> Муғбача – мур (оташпарат)лар ибодатхонасидағи дастёр бола. Тасаввуф адабиётида содик мурид, чин ошиқ ва сокий тимсоли бўлиб келади.

<sup>2</sup> Хаданг – 1) камон ўқи; 2) найза; 3) киприк.

<sup>3</sup> Новак – 1) камон ўқи; 2) киприк.

<sup>4</sup> Мақдам – қадам кўйиш, келиш, ташриф буюриш.

Юурман жустижү<sup>1</sup> айлаб  
кеча-кундуз фирокингда,  
Висолингдин хабар топмай, эшикларда  
гадо бўлдим.

Бу Машрабга тараҳхум айлагил,  
эй дилбари зебо,  
Фироки ҳасратингда, бас,  
ғариби бенаво бўлдум.

\* \* \*

Килди менга бир жилна ногоҳ  
бока қолдим,  
Ул жилвага дин билан дунё сота қолдим.

Маъшук деди: «Бовар<sup>2</sup> эмас менга  
бу ишқинг»,  
Файрат тифи бирла юрагимни чопа қолдим.

Фам тоғини Фарҳод сифат оғдарур эрдим,  
Бошимға қазо тешаси тегди, ёта қолдим.

Машраб йўлида турфа паришон  
юурур эрди,  
Ул мақсадими кўргали ногоҳ бока қолдим.

<sup>1</sup> Жустижү – қидириш, ахтариш, сўроқлаш.

<sup>2</sup> Бовар – 1) ишонч, ишонин; 2) тўғри, хақикат.

← (ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) →

• • •

Дунёга күнгүл берса киши бүлкүси расво,  
Бу фоний жаҳон мулкига шатто  
уруб ўттум.

Билдим мен анинг душмани қотил эканини, Мардона бўлуб, селга этак қистуруб ўттум.

Жон олғуси Аэроил эмасдур ўзи, билғил, Нечунки мен они била улфат бўлуб ўттум.

Машраб, сени деб ушбу жаҳондин  
кўнгул узди,  
Девона бўлуб, ондин юзум ўгуруб ўттум.

10

Нетгум, санамо, ишқинг ўтиға ватан эттим,  
Хар тори мўйим<sup>1</sup> шамъ каби шуълазан<sup>2</sup>  
эттим.

Кон йиғлади күэ – қолди таним  
кон орасинда,  
Хар катрани тан тоғида лаъли  
Яман<sup>3</sup> эттим...

1 *Mjū* — соч.

<sup>1</sup> Шұлазан – шуъла урувчи, алангани зиёда қилувчи.

<sup>3</sup> Лавли Яман — Яманда тайёрланадиган аъло навлийлар.

Жон төғини ғам тешаси бирлан  
қазийтурман,  
Ул кунки, хаёлингни топиб, кўҳкан<sup>1</sup> эттим.

Жаннат тиламай, кавсар отин оғизма  
олмай,  
Лаълинг ғамини, заҳр эди,  
шаккаршикан<sup>2</sup> эттим.

Ўтлар тулашур гар нафас олсан  
хама жонға,  
Ишқ ахлиға ўтлуг юрагимни даҳан<sup>3</sup> эттим.

Сайд ўлғуси ҳар ким келур олдимға,  
кутулмас,  
Нечунки, кўнгул шуъласи бирла  
расан<sup>4</sup> эттим.

Мен айладим ул гулшани ишқ  
ичра наволар,  
Ҳар булбулу тўти эди зоғу заған<sup>5</sup> эттим.

Машраб танининг захмлари бўлди  
гулафшон<sup>6</sup>,  
Ўлдум ғами ишқингда, бу гулдин  
кафан эттим.

<sup>1</sup> Кўҳкан – 1) тоғ казувчи; 2) Фарҳоднинг лақаби.

<sup>2</sup> Шаккаршикан – ширин сўз айтувчи.

<sup>3</sup> Даҳан – оғиз.

<sup>4</sup> Расан – 1) ип, аркон; 2) соч, соч ўрами.

<sup>5</sup> Заган – кузғун.

<sup>6</sup> Гулафшон – 1) гул сочувчи, гулдек очилиб турувчи;  
2) шод ва хурсанд этувчи.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

\* \* \*

Сени ишқингдин, эй дилбар,  
кўюб девоналар бўлдум,  
Бу оламда халойиқға ажаб  
афсоналар бўлдум.

Асоси салтанат бирла паривашларни  
султони,  
Тараҳхум айлагил, жоно,  
эшикларда гадо бўлдум.

Сўроғлаб васли дийдоринг тамоми  
халқдин сўрдум,  
Деди: «Жўянда ёбанда»<sup>1</sup>,  
топмай мен адо бўлдум.

Нигоро, ханжари нозинг дилим  
садпоралар қилди,  
Кизил гулдай очилмайким,  
шахиди Карбало бўлдум.

Бу Машраб дардини, ё Рабки,  
хеч ким бошиға солма,  
Дуо айланг, аё дўстларки,  
мухтожи шифо бўлдум.

<sup>1</sup> Жўянда ёбанда – излаган топади.

\* \* \*

Сабр ила ҳам фароғатим,  
колмади танда тоқатим,  
Тун-кун ила зиёдадур меҳнату  
дарду кулфатим.

Оху фифон қилиб кетай,  
тогу тоша бошим урай,  
Бошима минг балою ғам —  
кунда туурү киёматим.

Заррача қолмади юрак, куйди-ю,  
бўлди ҳам адо,  
Кўздаги ёшу ранги зард<sup>1</sup> —  
ушбу эрур аломатим.

Хўжаю муфтини йифиб, омию<sup>2</sup>  
шайх ҳам мурид<sup>3</sup>,  
Барчасидин юэ ўгуруб,  
ишки эрур маломатим.

Барчага молу жохини<sup>4</sup>, неъмату  
мулку жойини,  
Менга берибдур оҳини,  
ушибутурур салобатим.

<sup>1</sup> Зард – сарик.

<sup>2</sup> Омий – нодон, авом.

<sup>3</sup> Мурид – толиб, талабгор, бирор шайх ёки пирга қўл бериб, унга эргашувчи. Тасаввуфда моддий боғлиқликлар ва ўз хошиш-иродасидан воз кечиб, Ҳаққа интилаётган киши.

<sup>4</sup> Жоҳ – 1) амал, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) буюклик, шавкат.

Ишқ эмас, бало экан, меҳнату дарду ох экан,  
Машраби зор-зор экан,  
кун-кундин ортур оғатим.

\* \* \*

Нигорим, гулъузорингни кўролмай,  
мубтало бўлдум,  
Шароби лаълидин ичтим,  
санамга ошно бўлдум.

Тараххум қил, аё дилбар,  
кулингга кўп жафо қилма,  
Ўзингга ошно килдинг,  
вариби бенаво бўлдум.  
Юзинг гулдур, мужовир<sup>1</sup>  
кўзларинг мастанадур жонон,  
Юрогим поралар бўлди, шаҳиди  
Карбало бўлдум.

Гухар бозорига кирдим,  
табиби ишқдин сўрдум –  
Ки, дардимға даво топмай,  
бу дарди бедаво бўлдум.

Кел, эй дилбар, томошо қил,  
бу Машраб сўзини таҳқик<sup>2</sup>,  
Йўлингға жон фидо қилдимки,  
ул дам муктадо<sup>3</sup> бўлдум.

<sup>1</sup> *Мужовир* – яқин, ҳамсоя.

<sup>2</sup> *Таҳқик* – нарсанинг моҳиятини билиш, ҳакиқатта  
етиш. Тасаввуфда банданинг ҳакиқатни кашф этиш учун  
қиладиган саъй-ҳаракати.

<sup>3</sup> *Муктадо* – эргаштирувчи, йўлбошли.

\* \* \*

Дил даштида кам охулариға ватан эттим,  
Фамзанг ўқи то лолалар очти –  
чаман эттим.

Ишқ аҳли менинг сори келурға  
бу эрур йўл,  
Хар ерда тараб<sup>1</sup> гуллари эрди –  
ватан эттим.

Найсон<sup>2</sup> каби кўздин ёғадур ашки равоним,  
Садқангға юрак тошини лаъли Яман эттим.

Мехринг қуши кўнглум қушидин  
ажрамасун деб,  
Бўйниу аёғига белимдин расан эттим.

Жонимға нигоҳинг ўқидин гуллар очилса,  
Сайримға ҳамон настарану<sup>3</sup> ёсуман<sup>4</sup> эттим.

Расволиғ ўтин балки ўзумга ёқадурман,  
Жисмимға самандар<sup>5</sup> киби ўт пираҳан  
эттим.

<sup>1</sup> Тараб – шодлик, хурсандлик, айш, ишрат.

<sup>2</sup> Найсон – сурёний тақвими бўйича еттинчи ой – апрелга тўғри келади. Ривоят килишларича, бу ойда ёғадиган ёмғир томчиларидан садаф ичидаг марварид хосил бўлади.

<sup>3</sup> Настаран (*Настарин*) – хуш исли, оқ-сарик тусли гул, ёсуман, жасмин.

<sup>4</sup> Ёсуман – хуш исли, оқ-сарик тусли гул, жасмин.

<sup>5</sup> Самандар – афсонага кўра ўт ичидаг тувилиб, ўт ичидаг яшовчи, ранги ҳам оловранг жонивор.

Машраб, бу сўзинг топди сенинг  
 бўйи шаходат<sup>1</sup>,  
 Конлиғ танингга ишқ либосин  
 кафан эттим.

\* \* \*

Жамолинг кўргали келдим, аё,  
 эй меҳрибон онам,  
 Менинг учун адо бўлган  
 юрагу бағри қон онам.

Хўтан<sup>2</sup> даштига туштум бул фалакнинг  
 гардиши бирлан,  
 Эшиткил арзи ҳолимни, мен айтай сенга,  
 жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мени ороми  
 жонимсан,  
 Муроди ду<sup>3</sup> жаҳонимсан,  
 биҳиши жовидон онам.

Мени бир жоду кўзлук бул  
 жаҳон ичра хароб этти,  
 Қади сарву санавбар<sup>4</sup>, қошлари мисли  
 камон, онам.

<sup>1</sup> Шаҳодат – дин йўлида ўлим топиш, бегуноҳ ўлиш.

<sup>2</sup> Хўтан – гўзал кизлари, аъло мушклари ва нафис матолари билан машхур бўлган Кошғардаги воха ва шахар.

<sup>3</sup> Ду – икки.

<sup>4</sup> Санавбар – арчасимон тик ўсадиган дарахт.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Бошимга тушти бул савдо,  
бўлубман булбули шайдо,  
Шабистони<sup>1</sup> жаҳонда қумридек  
шаккарфишон онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим  
кабоб этти,  
Мени хоку туроб<sup>2</sup> этти,  
юзи моҳи тобон, онам.

Сени кўп интизор эттим фирок ўтига,  
эй Каъбам,  
Тавофи Каъбаи мақсада келдим  
дилкапон<sup>3</sup> онам.

Илоҳо, афв қилғайсан бу  
Машрабнинг гуноҳини,  
Туфайли онаи зорим, ғарибу нотавон онам.

\* \* \*

Ишқ ўтига ўртаниб,  
девона бўлган ўзгинам,  
Куя-куя кул бўлуб, бирёна бўлган ўзгинам.

Ошики дийдорман, эй ёр, билмассан магар,  
Мансури Ҳаллождек дорга  
осилған ўзгинам.

<sup>1</sup> Шабистон – тунги ётоқ, ётоқхона.

<sup>2</sup> Туроб – тупрок, ер.

<sup>3</sup> Дилкапон – кўнгил тортиб.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Куя-куя кул бўлуб дунёдин ўткан  
бормукин,  
Ишқ йўлида минг ўлуб, минг бор  
тирилган ўзгинам.

Чок сийнамни қилиб, маҳшарда  
айларман фифон,  
Ул куни дийдор деб маҳшарни  
бузған ўзгинам.

Ул сирот ул-мустаким<sup>1</sup>  
олдида барча йиғлашур.  
Ишкни раҳбар қилибон  
андин ўткан ўзгинам.

\* \* \*

Киёматдур агар, жоноки, мен  
сендин жудо бўлсам,  
Хуш ул давлат эрур менга  
фироқингдин адо бўлсам.

Харобу бенаводурманки,  
хажрингда адодурман,  
Кима айтиб, кима йиғлай бу  
дарди бедаво бўлсам.

<sup>1</sup> Сирот ул-мустаким – қиёмат куни жаханнам узра тортилган соч толасидан ингичка, қиличдан ўткир килкўприк. Сирот, Пулсиrot деб ҳам юритилади.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Асири ҳалқаи зулфунг зурман  
то ўзунг билгил,  
Зиёну судини<sup>1</sup> билмай тақи  
мен ғамзадо<sup>2</sup> бўлсам.

Сенинг ишқингни дарди менга  
хар дармондин ортиқдур,  
Тилим куйсун, агар, жонон,  
талабгори даво бўлсам.

Муҳаббат шавқида, дўстлар,  
юроким таҳ-батаҳ кондур,  
Нечук оҳу наво айлай,  
азалдин бенаво бўлсам.

Юроку бағрим ўртанди сени  
дарду фироқингдин,  
Нечук юз қайтарайин мен азалдан  
ошно бўлсам.

Чу кумри сарв учун йиғлаб,  
фидо айлаб бу жонимни,  
Тамоми хонумонимдин кечиб,  
мен мосиво бўлсам.

Ҳама ушшоқи содикни сенинг ишқинг  
хароб айлар,  
Қабул айла, аё дилбар,  
кўйингда бир гадо бўлсам.

<sup>1</sup> Суд – фойда, наф, манфаат.

<sup>2</sup> Ғамзадо (Ғамзудо) – қайгуни кетказувчи, ғамдан кутқарувчи.

Фалакнинг жавридин, дўстлар,  
нечук мен шиква айларман,  
Нетай, найлай, биродарларки,  
мен баҳти қаро бўлсам?!

Нега додимға етмайсан,  
менинг ҳолимни сўрмайсан,  
Фироқингда адо бўлғон бу  
Машраб додҳоҳ<sup>1</sup> бўлсам.

\* \* \*

Сеторим торига жон риштасидан  
тор эшиб чолсам,  
Ани хуш ноласидин бевафони  
кўнглини олсам.

Мақом олиб мақом узра мақомин  
дилға жо қилсам,  
Мұхаббат созиға созлаб,  
мен они олдида чолсам.

Мақомларнинг атосини «Хусайний»<sup>2</sup>  
«Ажам»<sup>3</sup> дерлар,  
Булардин ҳам юқори пардаида  
«Чоргоҳ»<sup>4</sup> чолсам.

<sup>1</sup> Додҳоҳ – зулмдан шикоят қилувчи, адолат истовчи, даъвогар.

<sup>2</sup> Хусайний – ўн икки мақомнинг бешинчи мақоми.

<sup>3</sup> Ажам – шашмақом куйларидан бири.

<sup>4</sup> Чоргоҳ – шашмақом куйларидан бири.

«Баёд»<sup>1</sup> дилбаримни ёдида чолсам  
 паёпайким –  
 Ки, күнгүл бенаво бўлғонидин айлаб  
 «Наво»<sup>2</sup> чолсам.

Аролаб чолсам «Ушшоқ»<sup>3</sup> газални  
 соза еткурсам,  
 Саҳарларда қўпуб<sup>4</sup>, машшоқлардин  
 пурзиё<sup>5</sup> чолсам.

Кел, эй Машраб, қадаҳ, сунғил  
 бўлойин маству мустағрак<sup>6</sup>,  
 Бил илкға косаи танбур,  
 бириға жомни олсам.

\* \* \*

Мени девона қилди ул парирафтор<sup>7</sup>  
 қомат ҳам,  
 Бу кун келмам ўзумға,  
 балки фардои<sup>8</sup> қиёмат ҳам.

Менинг ҳоли табоҳимни<sup>9</sup>  
 муҳаббат ахли кўрганда,  
 Пушаймонлар қилиб ишқдин,  
 яна айлар надомат ҳам.

<sup>1</sup> Баёд (Баёт) – шашмақом куйларидан бири.

<sup>2</sup> Наво – ўн икки мақомнинг иккинчи мақоми.

<sup>3</sup> Ушшоқ – ўн икки мақомнинг биринчи мақоми.

<sup>4</sup> Қўпмоқ – турмоқ, кўзғалмоқ.

<sup>5</sup> Пурзиё – нурли, порлок.

<sup>6</sup> Мустағрак – фарқ бўлган, ўзини йўқотган.

<sup>7</sup> Парирафтор – пари юришли, гўзал юришли.

<sup>8</sup> Фардо – эрта.

<sup>9</sup> Табоҳ – бузук, хароб, вайрон.

Мени ғам бирла ўлдурдунг фироқинг  
ўтиға ташлаб,  
Не бўлғай эмди мен ўлсам,  
чун сен бўлғил саломат ҳам.

Аё дилбар, рақибим ул ҳарамга  
айлама маҳрам,  
Менинг ҳолимға раҳм айлаб,  
карам қилғил, каромат ҳам.

Ки сўрмас, Машрабо, ҳеч ким сени,  
оре<sup>1</sup>, ажаб эрмас,  
Юзумни бости бори<sup>2</sup> меҳнату гарди  
маломат ҳам.

\* \* \*

Онқадар нурга тўлибман –  
осмонга сиғмадим,  
Тоқи Аршу Курсию<sup>3</sup> Лавху  
жинонга<sup>4</sup> сиғмадим.

Кимга соям тушса, бир нури яқин<sup>5</sup>  
бўлди у ҳам,  
Дафтари руҳи қудсдурман<sup>6</sup>,  
забонга сиғмадим.

<sup>1</sup> Оре – ха, тўғри, худди шундай.

<sup>2</sup> Бор – юқ.

<sup>3</sup> Курси – Аршининг иккинчи номи, етти қават осмондан ташқари, саккизинчи осмон ҳам тушунилади.

<sup>4</sup> Жинон – жаннат.

<sup>5</sup> Нури яқин – хақикат нури.

<sup>6</sup> Руҳи қудс – пок рух.

← [ ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ] →

Жаннатур кавсар манам, ҳам дўзаху  
сақар<sup>1</sup> манам,  
Бир ўзумдурман бу дам, хафт<sup>2</sup>  
осмонга сиғмадим.

Сояи Одамға<sup>3</sup> келдим –  
нури маъни изладим,  
Жаннат ул-фирдавсдек олий  
мақонга сиғмадим.

Бор эдим Нух<sup>4</sup> вақтида –  
ғарқ этмади тӯфони ҳам,  
Ҳамраҳи Мусо<sup>5</sup> бўлуб,  
Тури Синонга<sup>6</sup> сиғмадим.

Эллик йил Исо<sup>7</sup> билан юрдум  
ўлукни тиргузуб,  
Боиси бир нуктадин<sup>8</sup>, Машраб,  
замонга сиғмадим.

<sup>1</sup> Сақар – жаҳаннам.

<sup>2</sup> Хафт осмон – етти осмон. Диний ривоятларга кўра, осмон етти каватдан иборат.

<sup>3</sup> Одам – Одам алайхиссалом.

<sup>4</sup> Нух – энг узок умр кўрган пайғамбар. У ўз қавмлари орасида 950 йил яшаб, уларни Ҳақ йўлига хидоят килади. Лекин Оллоҳ пайғамбарининг даъватига қулоқ тутмаганлари учун улар охир-окибат буюк тӯфон балосига гирифтор бўладилар. Бу тӯфон балосидан факат Нух алайхиссаломга эргашганларгина омон коладилар.

<sup>5</sup> Мусо – пайғамбар.

<sup>6</sup> Тури Синон – Мусо алайхиссалом Оллоҳ таоло билан сўзлашган Арабистондаги тор.

<sup>7</sup> Исо – пайғамбар. Унинг кўли теккан – силаган ўлика жон кирар экан. Шунинг учун ҳам ул зот алмасих – силовчи деб улуғланган. Нафаси ошиқка жон бағишлайдиган маҳбуба ҳам кўзда тутилади.

<sup>8</sup> Нукта – нозик ва теран маъноли сўз, хикмат.

\* \* \*

Мен эрдим булбулигүё,  
фифон бирла чаман келдим,  
Юракда дард кўпдур, гульузори  
ёсуман келдим.

Менинг ошуфта<sup>1</sup> кўнглум фунчадек  
харгиз очилмайдур,  
Юракдин ғам кетар деб бу сабабдин  
мен Хўтан келдим.

Юракдин оҳ тортар барча толиблар  
хам армонда,  
Муяссар бўлмади мақсад, яна қайтиб  
ватан келдим.

Бу Машраб сўзини дурдонайи  
кимматбаҳо дерлар,  
Жамии халқ аро сўз бобида  
соҳибсухан<sup>2</sup> келдим.

\* \* \*

Ишқинг ўтиға куйғоли келдим,  
Ойдек юзунгни кўрголи келдим.

Савдои зулфунг тушди бошимға,  
Сендин давосин сўрғоли келдим.

<sup>1</sup> Ошуфта – ошиқ, мубтало, гирифтор, девона.

<sup>2</sup> Соҳибсухан – сўз устаси.

Баҳрингга кирдим ғаввос<sup>1</sup> бўлай деб,  
Бир дурри мақсуд олғоли келдим.

Эй гулъузорим, ой юзли ёрим,  
Маҳви жамолинг бўлғоли келдим.

Кофила<sup>2</sup> кетти, манзилға етти,  
Мен ҳам тараддул кўрғоли келдим.

Сокий, қадахни қилғил мухайё,  
Ваҳдат майидин ичғоли келдим.

Раҳмат эшигин Машрабға очғил,  
Ишқинг кўйида ўлғоли келдим.

\* \* \*

Сенинг васлингни, эй жонон,  
мени афгор соғиндим,  
Шаби<sup>3</sup> хижронда колдим, партави<sup>4</sup>  
дийдор соғиндим.

Хазон торож айлаб, бағрими помоли  
ғам қилди,  
Бахор бўстонидек дилбар,  
гули руҳсор соғиндим.

<sup>1</sup> *Ғаввос* – сузувлчи.

<sup>2</sup> *Кофила* – карвон.

<sup>3</sup> *Шаб* – тун, кечаси.

<sup>4</sup> *Партав* – шуъла, нур, ёруғлик, ёғду.

↔( жаҳон шеърияти дурдоналари )↔

Ўлар ҳолатдаман – бошим сори  
                                  қилғил қадам ранжа –  
Ки, дийдоринг қиёмат қолмасун,  
                                  зинхор соғиндим.

Кечалар уйқу йўқ, кундуз  
                                  хаёлотинг била ўтти,  
Бақалби ботину<sup>1</sup> зохирда ҳам  
                                  бедор соғиндим.

Кўнгулда йўқ эди сендин жудолик,  
                                  лек найларман,  
Муқаддар<sup>2</sup> илкидин бўлди бу иш,  
                                  ночор соғиндим.

Шажарлар<sup>3</sup> хома<sup>4</sup>, дарёлар сиёҳу  
                                  еру кўк сахфа<sup>5</sup>,  
Рақам килсам адо бўлмас ғаминг,  
                                  бисёр<sup>6</sup> соғиндим.

Кулунг Машрабни, жонон,  
                                  шафқат ила бир сўраб келгил –  
Ки, сен муршиди комил, маҳрами асрор,  
                                  соғиндим.

<sup>1</sup> *Бақалби ботин* – ботин қалб билан, чин дилдан, ич-ичдан.

<sup>2</sup> *Муқаддар* – тақдир килинган, қисмат.

<sup>3</sup> *Шажар* – дараҳт, ниҳол.

<sup>4</sup> *Хома* – қалам.

<sup>5</sup> *Саҳфа* – саҳифа, варак, бет.

<sup>6</sup> *Бисёр* – кўп, ортиқ, зиёда.

\* \* \*

Биродарлар, мен ушбу кеча Мажнундин  
наazar топдим,  
Тонг отгунча риёзат<sup>1</sup> бирла  
оламдин хабар топдим.

Ўшал маҳвашни ёд айлаб,  
ғаму қайғу зиёд айлаб,  
Не ақлимдин нипон кўрдум,  
на ҳушумдин асар топдим.

Менингдек талхкому<sup>2</sup> бенасиб дунёда  
үтган йўқ,  
Шакар оғзимға солдим, захри  
қотилдин батар топдим.

Бу даҳри бевафоға ҳеч кўнгул берманг,  
аё дўстлар –  
Ки, мен фоний жаҳонни мисли абри<sup>3</sup>  
даргузар<sup>4</sup> топдим.

Вужуди ушбу олам бир  
кеча-кундуздин ортиқ йўқ,  
Чароки<sup>5</sup>, дунёда бир шамс кўрдум,  
бир қамар топдим.

<sup>1</sup> Риёзат – Ҳаққа етиш йўлида соликнинг нафс ва шайтон хийлаларини енгиб ўтили шарт бўлган қийинчилик, изтироб ва ранжу машақкатлари.

<sup>2</sup> Талхком – аччиқ насибали, аламзада, қайгули.

<sup>3</sup> Абр – булут.

<sup>4</sup> Даргузар – ўткинчи.

<sup>5</sup> Чароки – негаки.

Надомат ашки тўфони бошимдин чун  
ўтиб кетти,  
Балиғ қорнидаги Юнус киби баҳр ичра  
бар<sup>1</sup> топдим.

Нигоримдин вафо, на дўстлардин  
дафъи ғам кўрдум –  
Ки, ҳар кимдин умиди манфаат қилдим,  
зарар топдим.

Нетай, Машраб, бу йўлда менга  
хеч ким бўлмади раҳбар,  
Адашдим, йўл йитурдум, на паёму<sup>2</sup>  
на хабар топдим.

\* \* \*

То олами зоҳирға келиб ман гузар<sup>3</sup> эттим,  
Тарқ айладиму жумлани қатъи назар<sup>4</sup>  
эттим.

Ахволи дилим айтгали бир  
маҳраме топмай,  
Зулмингни қариндошу ғамингни  
падар<sup>5</sup> эттим.

Бир қушки чўлок, сен сори парвоз  
этайин деб,  
Хажр ўқларини жонга сукуб,  
булу пар эттим.

<sup>1</sup> *Бар* – мева, ҳосил, самар.

<sup>2</sup> *Паём* – хабар, дарак.

<sup>3</sup> *Гузар* (*Гузор*) – ўтиш, кечиш.

<sup>4</sup> *Қатъи назар* – кўз узиш, карамаслик.

<sup>5</sup> *Падар* – ота.

Душманга чу харб этмак учун  
чора тополмай,  
Дүстүм қўлини туттиму тиғу табар<sup>1</sup> эттим.

Фам шомида қалбимға гузор этти хаёлинг,  
Кўз ёш, юрак қони билан моҳазар<sup>2</sup> эттим.

Савдои сари зулфунг<sup>3</sup> учун неча маҳалдур,  
Жон кишварини<sup>4</sup> буздиму зеру  
забар<sup>5</sup> эттим.

Бир мартабада турмас эмиш шох  
ила дарвеш<sup>6</sup>,  
Бас, жандани<sup>7</sup> кийдим, ўзими  
дарбадар эттим.

Кўтаҳназар<sup>8</sup> билмаса деб хаста бу Машраб,  
Минг маънини бир нукта била  
мухтасар<sup>9</sup> эттим.

<sup>1</sup> Табар – болта.

<sup>2</sup> Моҳазар – хозир бўлган таом, бор бўлган нарса.

<sup>3</sup> Сари зулф – бу ерда: зулф фикри, зулф муҳаббати.

<sup>4</sup> Кишвар – мамлакат, ўлка, вилоят, шаҳар, иқлим.

<sup>5</sup> Зеру забар – остин-устун, нотинч.

<sup>6</sup> Тасаввуф истилоҳида дарвеш изловчи, истовчи маъносини билдириб, сўфий, факир, ошик, ориф, сохибдил, сохибасрор, сохибназар каби ўзини Ҳакка бағишилаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

<sup>7</sup> Жанда – дарвешлар тўни.

<sup>8</sup> Кўтаҳназар – қалтағаҳм, узокни кўролмайдиган.

<sup>9</sup> Мухтасар – қисқа, лўнда, ихчам.

\* \* \*

Етти дарёға кўшулди оби  
чашми<sup>1</sup> химматим,  
Неча Мажнунға сабак берди  
дилимда ҳайратим.

Доманимдин тортти, дунёни кўрунг,  
дуни дағал,  
Варна<sup>2</sup> Аршнинг устида эрди  
камоли миннатим.

Хуни<sup>3</sup> фарқ бирла адо, қилдим,  
басе Мансурман,  
Охи сардим<sup>4</sup> бўлди савмим<sup>5</sup>,  
ҳам фиғоним – тоатим.

Гарчи зохир хушк<sup>6</sup> хоку  
бебизоатман<sup>7</sup> бу кун,  
Мусову Исони давронига бордур нисбатим.

Эй сафобахш, нафси фиръавнимға бир  
шамшир ур,  
Токи ҳамроҳи Мусо бўлсун мени  
бу хислатим.

<sup>1</sup> Оби чашм – куз ёши.

<sup>2</sup> Варна – ва, агар, на.

<sup>3</sup> Хун – кон.

<sup>4</sup> Сард – совук.

<sup>5</sup> Савм – рўза.

<sup>6</sup> Хушк – курук.

<sup>7</sup> Бебизоат – молк-мулксиз, камбағал.

Умр азал дор ул-бако<sup>1</sup>,  
 дайри фанога<sup>2</sup> турғали  
 Лоладек бир соате йўқдур менинг  
 ҳеч фурсатим.

Покбозам<sup>3</sup>, хорижи дунёи уқбодин<sup>4</sup> жудо,  
 Суратим гарчи башар келди,  
 малакдур сийратим<sup>5</sup>.

Неча Мансур ўлди иршодманд<sup>6</sup>  
 муҳаббат йўлида,  
 Менга ҳам доре курулғонда  
 етар бу кисматим.

Ҳеч билолмайман ўзумни қайси  
 қавмийман бу кун,  
 Лекин Арш устида Жибрилдур<sup>7</sup>  
 менинг ҳамсұхбатим.

Машрабо, охир сенга юз минг  
 биёбон тай<sup>8</sup> уруб,  
 Бўлмади бир пашшай лоғарча<sup>9</sup>  
 акнун хизматим.

<sup>1</sup> Дор ул-бако – мангалик уйи, яъни у дунё.

<sup>2</sup> Дайри фано – фоний дунё. Тасаввуфда ориф ва авлиёлар давраси, мажлиси.

<sup>3</sup> Покбоз – пок муҳаббат сохиби, порсо, такводор.

<sup>4</sup> Уқбо – охират.

<sup>5</sup> Сийрат – одат, хислат, феъл-атвор, табият.

<sup>6</sup> Иршодманд – йўл кўрсатувчи, рахнамо.

<sup>7</sup> Жибрил – Жаброил алайҳиссалом.

<sup>8</sup> Тай – юриш, кезиш, босиб ўтиш.

<sup>9</sup> Лоғар – орик.

\* \* \*

Бир даме мен фориғи  
 андишаи ғам бўлмадим,  
 Лаҳзаи руҳонилар<sup>1</sup> кавмиға  
 ҳамдам бўлмадим...  
 Айтинг-айтинг, бандани Холик  
 ўзи бандам десун,  
 То ўзи бандам демай ҳаргиз  
 мукаррам бўлмадим.

Бир хасе чўпни кўрунг –  
 Ҳак зикрини бисёр дер,  
 Мен нечук жоҳилдурман хасдин  
 муқаддам бўлмадим.

Бехабарликда умр чун зоёй ўтти,  
 Машрабо,  
 Во дариғо<sup>2</sup>, умрум ўтти дийда  
 пурнам<sup>3</sup> бўлмадим.

\* \* \*

Қаландар Машрабингман –  
 икки оламни тепиб ўттум,  
 Биҳишту хуру филмонинг пучак  
 пулға сотиб ўттум.

<sup>1</sup> Руҳони(й) – 1) орифлар, валийлар; 2) фаришталар, малаклар.

<sup>2</sup> Во дариғо – эҳ афсус, хай аттанг маъноларини билдирувчи ундов сўз.

<sup>3</sup> Пурнам – кўз ёшга тўла, гирён.

На айлай оби кавсарни<sup>1</sup> нигорим  
бўлмаса сокий,  
Харобот<sup>2</sup> ичра бордум,  
катра май ондин тотиб ўттум.

Аё дўзах, мени куйдур – халойик  
куймасун ҳаргиз!  
Тамуғдин<sup>3</sup> ишқ ўти пурэўр<sup>4</sup>,  
анинг захрин ютиб ўттум.

Ки жон олғучини кўрдум, дедим:  
«Олғил бу жонимни!»  
Ажал кочди, уруб-кувлаб мен они  
кўрқитиб ўттум.

Солиб бозори ишқингга матоъи  
жисму жонимни,  
Харидор сўрмади ҳаргиз бу  
жонимдин кечиб ўттум.

Висол айёми ўлғонда, қўрунг,  
бахти сиёхимни,  
Бошимга келса ёrim –  
мен ётиб-ухлаб, бўкиб ўттум.

<sup>1</sup> Оби кавсар – кавсар суви.

<sup>2</sup> Харобот – мажозан: майхона, комил инсон хузури; башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлиши.

<sup>3</sup> Тамуг – дўзах, жаҳаннам.

<sup>4</sup> Пурэўр – кучли, кудратли, қаттиқ.

↔ ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ↔

Куюб ўтғон мени – девона Машрабни  
сўрар бўлсанг,  
На ерда аҳли дард топдим,  
кўзум ёшин сепиб ўттум.

\* \* \*

Ўшал рўзеки, мен сендин жудолиғ  
ихтиёр эттим,  
Чиқиб сахроға Мажнунлик  
кудумин ошкор эттим.

Мени бахти қаро дунё юзида ҳам  
не айларман,  
Сени дарду ғаминг сийнам ичинда  
эътибор эттим.

Мени афтодаву бедил, ғариби  
доғи хижронман,  
Ўзумға офарин, дерман, сени кўрмай  
карор эттим.

Мени, жоно, ғамингдин ўзга ҳеч ким –  
мунисим йўқдур,  
Ким айлар, илтифоте, мен диёрингга  
гузор эттим.

Ўюлсун кўз жамолингдин дигар юзга  
нигоҳ этса,  
Куюб колсун жигар-бағримки,  
сендин ўзга ёр эттим.

Жамолинг соғиниб, кўэларда зарра  
нур қолган йўқ,  
Ажабдур зор қолган кипригимни  
ашкбор<sup>1</sup> эттим.

Эрурман обиде<sup>2</sup>, халқи жаҳон, дерлар,  
мени Машраб,  
Нечунким, манзилимни сояи  
Парвардигор эттим.

\* \* \*

Тамошо айламоққа гўшаедин<sup>3</sup>  
анжуман келдим,  
Фироки дарди Юсуфни чекиб,  
байт ул-ҳазан келдим.

Агар Яъқубдек кон йиғласам,  
айб айламанг зинхор,  
Суруши<sup>4</sup> булбули шўридадек сўи<sup>5</sup>  
чаман келдим.

Шаҳидони<sup>6</sup> Хўтани<sup>7</sup> тавф этарға,  
эй мусулмонлар,  
Чу лола домани сахро тутуб,  
дашти Хўтан келдим.

<sup>1</sup> Ашкбор – ёш тўкувчи, кўп йиғловчи.

<sup>2</sup> Обид – ибодат килувчи, тақводор.

<sup>3</sup> Гўша – бурчак, хилват, чет, чекка.

<sup>4</sup> Суруш – бу ерда: овоз.

<sup>5</sup> Сўй – томон, тараф.

<sup>6</sup> Шаҳидон – шахидлар. Исломда дин йўлида ҳалок булган кишилар.

<sup>7</sup> Хўтан – Хитойнинг шимоли-ғарбий кисмидаги шаҳар.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Жахон шайхи, кибори,  
олиму қозию хам муфти,  
Хама үз нафси бирла саргарон<sup>1</sup>,  
ман – беватан келдим.

Қадаҳ махмурларға түлдүрууб келтурғил,  
эй сокий,  
Шароби қирмизи нүшон<sup>2</sup> гулгун  
пираҳан келдим.

Майи вахдат тұла бергил мани  
Машрабга, эй сокий,  
Сиво мулкида сайдеман, сафоли  
анжуман келдим.

\* \* \*

То мұхит<sup>3</sup> ишқдин бир катра  
нам келтурмишам,  
Хавзи кавсар ёдени күнглумга  
кам келтурмишам.

Сүфиёни<sup>4</sup> савмаа<sup>5</sup> жоқиллигини билмадим,  
Маърифатни хонақосина қадам  
келтурмишам.

<sup>1</sup> Саргарон – боши айланған, гангиган, довдираган, маст.

<sup>2</sup> Нүшон – ичиб.

<sup>3</sup> Мұхит – денгиз, уммон.

<sup>4</sup> Сүфиён – сүфийлар.

<sup>5</sup> Савмаа – насронийлар ибодатхонаси, черковь.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Давридур садру<sup>1</sup> бадарга<sup>2</sup> (пок) ният  
айлар бу кун,  
Ўтлуғ охимдин бошимга бир  
алам келтурмишам.

Ўтди бир пайвастаабрў<sup>3</sup> хабардор ўлмади,  
Мисрағи шўхини гўёқим баҳор  
келтурмишам.

Дилрабо кўйида Машраб телбани  
танҳо дема,  
Тори мўйи ишқидин ҳайли ҳашам  
келтурмишам.

\* \* \*

Сориг садбарг<sup>4</sup> ширин сўзлук юзингни  
кунда бир кўрсам,  
Юзунгдин юз ўғирмасман агар юз минг  
бало кўрсам.

Мани ошиқу маъшук дебки айтурлар  
бу оламда,  
Ошукқа давлат эрмаским, фироқинг  
ўтида куйсам.

<sup>1</sup> Садр – бошлиқ.

<sup>2</sup> Бадар – ташқари, хориж.

<sup>3</sup> Пайвастаабрў – коши туташган.

<sup>4</sup> Садбарг – атиргул.

Нечун сан күнгли қаттиқсан,  
бирор ҳолимни сўрмассан?  
Жамолингга тўёлмасман бошингдин  
юз минг ўргулсам.

Нечук бедодлиғ иш ўлдики,  
ман сандин жудо бўлдум?  
Жафоларники ман тортуб,  
на мушкулдур караб қолсам.

Садафсиз дур, тикансиз гул,  
машаққатсиз ҳунар йўқтур,  
Тополмасман, аё дўстлар,  
жахонни истабон юрсам.

Лабинг лаълу хатинг Хизру<sup>1</sup> юзунг  
монанди Юсуфдур<sup>2</sup>,  
Зулайходек куюб-ёниб, бу ишқ ичра  
адо бўлсам.

<sup>1</sup> *Хизр* – зулмат каъридан оби ҳаёт – тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар. У одамларни мушкул ахволдан куткарадиган, уларга тўғри йўлни кўрсатадиган халоскор ва ошиклар хомийси ҳисобланади. Бу ерда маъшуқанинг хати оби ҳаёт чашмаси теграсидаги майсага ташбех қилинмоқда.

<sup>2</sup> *Юсуф* – Юсуф алайҳиссалом. Диний-тасаввифий адабиётларда айтилишича, Оллоҳ таоло ҳусни юз ҳисса килган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё ахлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ўшал Мажнуни расводек биёбонда  
сусаб-чанқаб,  
Кўйингда ўртаниб, ёниб, қани Лайли,  
деб ох урсам.

Кел, эй Машраб, кўзунгга хоки пойин  
тўтиё килғил,  
Қани ул хоки пойинг, бул кўзумга  
тўтиё килсан?

\* \* \*

Базми шамъингдин замона ичра  
бир гирён ўзум,  
Доимо парвонадек шамъ ўтиға сўзон ўзум.

Кахрабо эрмиш жаҳон даврида  
афғон айлагон,  
Чун фалохун<sup>1</sup> доимо саргаштай<sup>2</sup>  
даврон ўзум.

Подшоҳлик, расволик, бил,  
баробардур манга,  
Гоҳи ҳажрингда, гаҳи васлингдаги  
султон ўзум.

<sup>1</sup> *Фалохун* – 1) тош отар асбоб; 2) шу асбобдан стил-  
ган тош.

<sup>2</sup> *Саргашта* – сарсон, саргардон, овора.

ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

本 本 中

Хажру фироқинг ўтидин ошиқи  
бекарор ўзум,  
Юрган итингни сиффати –  
ошиқи хоккор ўзум.

Холу хатингни кўрмасам, йўқтур қарорим,  
эй санам,  
Икки жаҳон ичидা, бил, сўхтаи<sup>5</sup>  
дилфигор ўзум.

Исо чиқиб, ҳаво уза күрмади  
маышук юзини,  
Ишқинг ўтиға ман куюб, биллохки<sup>6</sup>,  
ёри фор<sup>7</sup> ўзум.

**Чин** – бу ердаң тириш, ажин.

<sup>2</sup> Сийнчак - күкси яра, озор чеккан, мотамзада, куйган опик.

<sup>3</sup> Тийри бепайкон – үксиз камон.

<sup>4</sup> *Famida* — фам күрган, фамгин, қайғули.

<sup>5</sup> Сүхта – күйгән.

<sup>6</sup> Билок — Худо хакки.

<sup>7</sup> Ери гор - гор дүсти, яъни Абу Бакр: у горда Мұхаммад алайхиссалом билан ҳамнишин бўлган.

Кошки юзунгни кўрмасам,  
    ўлмағай эрдим интизор,  
Рахм эта кўр бу ҳолима,  
    ошиқи бекарор ўзум.

Куйди юроким ўртаниб,  
    жабру ситам ҳам этмагил,  
Охима жовидон куяр, оташи тобдор<sup>1</sup> ўзум.

Кўксума ханжаринг тегиб, охима  
    Аршинг куйдуруб,  
Конима жисму жон бўяб,  
    гулшани лолазор ўзум.

Фазна, Намангон ичида юрди  
    Рахимбобо сўраб,  
Топмади бир ҳодиени<sup>2</sup>,  
    толиби раҳбарор<sup>3</sup> ўзум.

Кўргил Зулайхо ишини –  
    Юсуфга интизор экан  
Икки жаҳонда ёрини излаган ошкор ўзум...

Хар нафасеки манда бор –  
    килди мадад Офок Хожам,  
Бўлса бир қуруғ ёғоч,  
    даштида кўҳсор<sup>4</sup> ўзум.

<sup>1</sup> Тобдор – бу ерда: алантали, шиддатли.

<sup>2</sup> Ҳодий – раҳбар, йўлбошли.

<sup>3</sup> Раҳбарор – бу ерда: раҳбарлар.

<sup>4</sup> Кўҳсор – тоғлик жойлар.

Куддус аро азиз Ҳожам Машраб  
отимни қўйдилар,  
Кошғару Ёрканд ичида соҳиби  
гуфтор ўзум.

\* \* \*

Англа бу сўэни, эй санам,  
ошиқи муддао ўзум,  
Асли дилида дарди кўп,  
дунёда бедаво ўзум.

Қатраи май тотурмасанг, ол бу жонимни,  
қўйма сан,  
Сансиз агар бу дунёда  
ўлмакима ризо ўзум.

Хуру бихишту кавсаринг кўзума  
бир курук работ<sup>1</sup>,  
Сансиз ўзунгдусан яна бурқаъи<sup>2</sup>  
раҳнамо ўзум.

Ўш<sup>3</sup> аросат дўзахингга якка ўзум  
бир кирай,  
Юрдуму кўрдум ҳаммани дунёда  
пургунох ўзум.

<sup>1</sup> Работ – карвонсарой, мусофирхона; мажозан: дунё.

<sup>2</sup> Бурқаъ – хижоб, никоб, парда.

<sup>3</sup> Ўш – ўша.

Парда кўтаргил, эй санам,  
рози дилимни айтайин,  
Барча ошиқлар олдида аввали  
додхоҳ ўзум.

Элнинг кўзига фосику гумроҳу осий,  
пургуноҳ,  
Хақнинг қопида мартабам –  
уммати Мустафо ўзум.

Ошиқ эрурсан, эй рафик, қўркма  
жонингни ваҳмидин,  
Килса мадад ўзи вале журмима<sup>1</sup>  
ҳам шифо ўзум.

Дунё юзида махлуқинг ўлмаки  
яккадур тана,  
Кунда мани минг ўлдуруб,  
пурхуни Карбало ўзум.

Мажнуни бенаво деманг,  
Лайли санамни изласам,  
Эгасини сўроғлаган мискини бенаво ўзум.

Ёстанибон қаюғ отинг солди  
Бозор лирим манго,  
Сўрди мани нечук фақир  
Машраби хоксо<sup>2</sup> ўзум.

<sup>1</sup> Журм – айб, гуноҳ.

<sup>2</sup> Хокса – хоксор, бечора.

\* \* \*

Даргохингга бир ожизу афгор келибман,  
Арзи дилими этмак учун зор келибман.

Йўқдур менинг илгимда сенга  
тухфаи лойик,  
Эл барчасидин пургуноҳу<sup>1</sup> хор келибман.

Рад қилма, қабул айлаки,  
шармандалигимдин  
Расвои сари кўчаю<sup>2</sup> бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра ўшал шахри  
адамдин<sup>3</sup>,  
Жон накди била сенга харидор  
келибман.

Лутф бирла карам айлаю  
дардимға даво қил,  
Дармон тилабон сохиби озор келибман.

Зор ила тавалло киладур хаста бу  
Машраб,  
Оч парданиким, толиби дийдор  
келибман.

<sup>1</sup> Пургуноҳ – гунохга тўла.

<sup>2</sup> Сари кўча – кўча боши.

<sup>3</sup> Шахри адам – йўқлик шахри.

\* \* \*

Тинмайин юрдум бу ғам даштида  
хайронлик билан,  
Охир умрум ўтти, сад афсус,  
нодонлик билан.

Бир гули шодим очилмай баҳт  
гулистони аро,  
Хайф, умрум оқибат ўтти  
паришонлик билан.

Баски, илми ҳолу қолнинг<sup>1</sup>  
йўлида қилсанг амал,  
Ушбу муллолар бари бухлу<sup>2</sup>  
хаводорлик<sup>3</sup> билан.

Неча мулло илм ўкуб, рохи шаётинни<sup>4</sup>  
топиб,  
Чун рибою<sup>5</sup> ришвани<sup>6</sup> ерлар  
хушдорлик<sup>7</sup> билан.

<sup>1</sup> Илми ҳол – инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ғаройиб руҳий кечинмалар, фавқулодда феъл-автор, хислатларнинг намоён бўлиши; ботний илмлар, кенг маънода тасаввуф илми. Илми қол – тил билан ифодаласа бўладиган илмлар, яъни зоҳирий илмлар. Шариат илми хам шунга киради.

<sup>2</sup> Бухл – баҳиллик, хасислик.

<sup>3</sup> Хаводор – тарафдор, хайриҳоҳ, мухлис.

<sup>4</sup> Шаётин – шайтонлар, иблислар.

<sup>5</sup> Рибо – судхўрлик, фойда олиш.

<sup>6</sup> Ришва – пора.

<sup>7</sup> Хушдор – хушу хуррам.

◊(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ)◊

Рост сўз айтсанг аларға, зарра  
килмаслар қабул,  
«Куфр айттинг!» – деб уурлар  
неча озорлик билан.

Машрабинг ҳар бир сўзидир  
гавхари қимматбаҳо,  
Айтма бу сўзларни ҳар нокасга  
нодонлик билан.

\* \* \*

Санамнинг шавқида тинмай юруб,  
оввора Машрабман!  
Кўзи ёшлиғ, қади ҳамлиғ,  
дили садпора Машрабман!

Кўнгулда заррача дунёнинг меҳри  
бўлмайин менда,  
Сени деб икки оламдин кечиб,  
безора Машрабман!

Ўлуб кетсам, сенинг дардинг сўнгактиң  
кетмагай асло,  
Лаҳад ичра фифон айлаб, ўзум бечора  
Машрабман!

Анодин қай куни туғдум,  
сенинг ишқингда ох урдум,  
Мұҳаббат доғида ўртаб,  
ўзум сайёра Машрабман!

Мухаббат жомидин май туттилар –  
иҷмасга чорам йўқ,  
Кўзумдин кон ёшим тинмай оқар,  
хунбора<sup>1</sup> Машрабман!

Бошимға минг бало келса,  
тилармен васлин, эй зоҳид,  
Бошим кессанг, тиёrim йўқ деган  
дийдора Машрабман!

Халойиклар мени қувлар ёмон деб,  
хар шахар борсам,  
Ажаб мардуд<sup>2</sup>, ажаб маржуҳ<sup>3</sup>,  
ажаб сангсора<sup>4</sup> Машрабман!

Ўзумни халқ аро расволифимни  
хеч киши билмас,  
Дилу жоним фидо айлаб,  
ажаб айёра Машрабман!

Мени девона Машрабға мухаббатдин  
баён айланг,  
Намозу рўзадин форир бўлуб,  
маккора Машрабман!

<sup>1</sup> Хунбора – кон йиғловчи, аччиқ кўз ёш тўкувчи.

<sup>2</sup> Мардуд – рад қилинган, ҳайдалган.

<sup>3</sup> Маржуҳ – номаъқул, ёмон.

<sup>4</sup> Сангсора – тошбўрон қилиш.

\* \* \*

Такаллум<sup>1</sup> айласанг гоҳи лаби  
шаккарфишонингдин,  
Тасаддуқ бўлса жоним таҳ бошингдин,  
гоҳ жонингдин.

Борурсан кеча-кундуз ою кундек  
ҳар тараф ёлғиз,  
Топиб бўлмас сени бир ерда сокин  
ўз маконингдин.

Хиромон йўлга помолинг ул шамшод  
ила тўби<sup>2</sup>,  
Аёғинг ўпсуну ўргулсун ул сарви  
равонингдин.

Бирор йўл илтифотингни тамошо  
айлаган ошиқ  
Киёмат тонги отса бош қўтармас  
остонингдин.

Кўзунг жон олғали қотил,  
сўзунг жон бергали мойил,  
Масихо сенму, оё, жон насими  
келди ёнингдин.

<sup>1</sup> Такаллум – сўз, нутқ.

<sup>2</sup> Тўби (й) – жаннатдаги ранг-баранг мевали ва хушбўй серсоя дарахт.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Эгилмас то қиёмат нўш қилғон  
бодай лаълинг,  
Шимиб чекса, тили бирла ейиб  
шаккар забонингдин.

Тилар Машраб бу кун гулғунча  
таъбингни очук кўрса,  
Тамошо айлай-айлай ўлса саҳни  
гулситонингдин.

\* \* \*

Эй гулбаданим, гул юзингга  
банда бўлойин,  
Курбони шакар лаблари  
пурханда<sup>1</sup> бўлойин.

Рухсори гулингдин сен агар  
пардани очсанг,  
Кўнглум очилиб, булбули  
ноланда<sup>2</sup> бўлойин.

Мастона кўзинг ногах агар ёдима тушса,  
Ху-ху қушидек кечалар гўянда<sup>3</sup> бўлойин.

Куйдурди мени бир боқининг,  
дилбари раъно,  
Хайрат била мен ошиқи  
шарманда бўлойин.

<sup>1</sup> Пурханда – сертабассум.

<sup>2</sup> Ноланда – нола килувчи.

<sup>3</sup> Гўянда – 1) афсона айтувчи, киссагўй; 2) қўшик айтувчи, баҳши.

Пардангни олиб, мен сари гар  
 биргина боксанг,  
 Ул дам мени мотамзада дар<sup>1</sup>  
 ханда бўлойин.

Бул Машраби бечорага ҳар кез  
 назар этсанг,  
 Мен бандай ул наргиси пурханда бўлойин.

\* \* \*

Азалдин то абад қўнглум кутулмас  
 ишқ балосидин,  
 Юраклар рахналар<sup>2</sup> бўлди бу  
 қўнглум можаросидин.

Хаёлимда сени васлинг –  
 етолмасман мени ҳайрон,  
 Магар васлингга етсам пири  
 комилни дуосидин.

Эшит арзимни, эй дилбар,  
 юрак-бағрим кабоб ўлди,  
 Рақиблар шодмон<sup>3</sup> бўлди нигоримни  
 жафосидин.

Мени сенсиз бу дунёда тириклик  
 килмоғим мушкул,  
 Кел, эй кўнгул, кечоли бу  
 тирикликини бақосидин.

<sup>1</sup> Дар – олд кўмакчи: -да.

<sup>2</sup> Рахна – 1) дарз, чок; 2) яра, жароҳат.

<sup>3</sup> Шодмон – шод, хурсанд, мамнун.

Жабининг<sup>1</sup> хурмати эрса,  
мени бу ўтга куйдурма,  
Кутулғайму мени күнглум бу  
ишқни можаросидин.

Сенинг ишқинг била йиглаб  
агар маҳшар куни чиксам,  
Куярлар мўмину кофир бу  
Машрабни навосидин.

\* \* \*

Рухи поким Аршға етти –  
мен ўзум осмониман,  
Тутти оламни шарорим<sup>2</sup>,  
оташин сўзониман<sup>3</sup>.

Хеч макону манзилим маълум  
эмасдур дунёда,  
Мен куюндек ёрни кўйида саргардониман.

Доимо роҳат тилаб, меҳнат  
яқомдин ушлади,  
Онадин баҳти қаро келдим,  
они ҳайрониман.

Кайси танни ишқи йўқ бўлса,  
они иймони йўқ,  
Ҳар кишини дарди гар бўлса,  
они курбониман.

<sup>1</sup> Жабин – бу ерда: 1) юз, чехра; 2) хусн, жамол.

<sup>2</sup> Шарор – учкун, аланга.

<sup>3</sup> Сўзон – ёлқинли, ёниб турган, куйган.

Ахли дардларга килай зоҳир  
бу пинхон дардни,  
Бехабарларга ва лекин Нухни тӯфониман.

Хеч киши билмас мени қайдин бу  
ерга келганим,  
Асли зотимни сўрасанг,  
мен ўзим Хўкониман.

На малакман, на фаришта,  
мен ҳам одам наслидин.  
Мен таваллуди ўшал фарзанди  
Намангониман...

Ҳам мазаллат<sup>1</sup> хокига Машраб бошин  
кўйди бу кун,  
Тонгла маҳшар бўлса, мен ишқ  
ахлини султониман.

\* \* \*

Эй мени нозик ниҳол ороми жоним,  
қайдасан?  
Бу кўнгул бўстонида ғунча  
даҳоним, қайдасан?

Неча кундур бу кўнгул муштоқи  
дийдоринг эрур,  
Ўргулай, эй дилбари ширинзабоним,  
қайдасан?

<sup>1</sup> Мазаллат – хорлик, бечоралик.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Айрилиб мен ёрдин, бир неча кун  
бўлдум жудо,  
Ахтариб келдим сени, ороми жоним,  
кайдасан?

Холимиз бехад ёмондур,  
келмасанг ҳолим хароб,  
Эй мени хуш меҳрибон,  
рухи равоним, кайдасан?

Кўзларим гирён бўлуб, қолдим  
бу ғам сахросиға,  
Ҳасратингда чикди бу оху фифоним,  
кайдасан?

Ташналабдур Машрабинг, чунким,  
юрак-бағри кабоб  
Фуркатингда, эй мени сарви равоним,  
кайдасан?

\* \* \*

Ўлдуройин дермусан ё куйдиройин  
дермусан?  
Ёна бошимга балолар ёғдуройин дермусан?  
Кўзларинг жаллод этиб,  
мужгонларинг бедод этиб,  
Кашмири тил<sup>1</sup> бирла ҳолимни  
сўрайин дермусан?

<sup>1</sup> Ҳиндистондаги Кашмир вилоятининг қизлари қадимдан ўзларининг гўзалликлари ва сеҳр-жодулари билан машхур бўлганлар. Шарқ алабиётида «кашмири» («кашмирлик») сўзи айёр, ёлғончи, иккисозламачи маъшуқнинг сифатига айланиб кетган. *Кашмири тил* – ёлғончи тил дегани.

Осмондин ерга ташлаб,  
халқ аро расво қилиб,  
Күш киби болу паримни юлдуройин  
дермусан?

Шоҳбози ломакон кўнгул күшини овлабон,  
Табл<sup>1</sup> уриб, долбой<sup>2</sup> қокибон  
кўндуройин дермусан?

Мен шахида ишқман,  
ўлсам кафанга чулғаманг,  
Оҳ, кизил кон бирла кўйнум  
тўлдуройин дермусан?

Мансури Ҳаллождек ичиб шароби антахур,  
Судратиб, дор остига олиб  
боройин дермусан?

Сендин ўзгани агар кўнглума солсам,  
эй пари,  
Тасмадек ушбу танимни тилдуройин  
дермусан?

Бу мухаббат шўриши<sup>3</sup> жонимдин ўтти,  
вой-вой,  
Ишқи йўқ бедардларни куйдуройин  
дермусан?

<sup>1</sup> Табл – катта ногора.

<sup>2</sup> Долбой – ов күшини кўлга тушириш учун унга кўрсатиб чакирадиган гўшт.

<sup>3</sup> Шўриш – изтироб, хаяжон.

← ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ →

Бу ҳама дарду балоларники солди  
бошима,  
Ишк, Машраб, жаннат ичра  
кирдиройин дермусан?

\* \* \*

Ёрни кўйида ўлғон бормукин?  
Бир ўлуб, икки тирилғон бормукин?

Ёрни васлини излаб, чарх уруб,  
Телмуруб йўлларда колғон бормукин?

Катл қилмоққа яна ким тенглашиб,  
Ёлбориб, бўйинни солғон бормукин?

Ул нигорим кўлға олса ханжарин,  
Ёлвориб, жонини берғон бормукин?

Мен каби тарсои расволар бўлиб,  
Бўйниға зуннор осғон бормукин?

Тонгла маҳшарда йиғилса жумла халқ,  
Оҳ уриб, маҳшарни бузғон бормукин?

Кечакундуз зори бирла йиғлабон,  
Кўэ ёши Жайҳунча<sup>1</sup> оққон бормукин?

<sup>1</sup> Жайҳун – Амударё.

←(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

\* \* \*

Бу мусофир шаҳрида ҳар дам  
тутошиб ёнаман,  
Ҳар қаён борсам, бу кун йўлдин  
адошиб бораман.

На отам бор, на онам бор –  
хеч кишим йўқдур мени,  
Ҳар таги деворларга зору саргардонаман.

Не гуноҳ қилдим, Худо, дунёда  
мен бўлдум ғариб,  
Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман.

Доғлар қўйди юракка бу фалакни  
гардиши,  
Кисматим андоғ экан, мен жумладин  
бегонаман.

Бул ёқомни чок этиб, фарёду  
афон айлабон,  
Барчани бағри бутун,  
мен юраги садпораман.

Энди, Машраб, қул экансан,  
қисматинг булдур сени,  
Шукрилиллоҳ, ҳамма ерда толиби  
дурдонаман.

\* \* \*

Ишқ саргардонидурман,  
 йўқ манга сабру сукун<sup>1</sup>,  
 Толеъим бўлди мени рўзи азалдин<sup>2</sup>  
 вожгун<sup>3</sup>.

Бир бузук аввора кўнглумға  
 тополмам марҳаме,  
 Тоза синган шишани қайтиб қилиб  
 бўлмас бутун.

Дилдаги нақдимни мен йўлунгга  
 барбод айладим,  
 Не машақкатларни торттим ул  
 гули раъно учун.

Душману ғаддор дунё қилди  
 хокимни хароб,  
 Ҳеч мўмин мисли ман  
 расвои олам бўлмасун!

Дўстларим ҳолимға йиглар,  
 душманим кўрса кулар,  
 Дард кўб, ҳамдард йўқ,  
 душман кўб, толеъ забун.

Юз жафо бошимға орттурдим –  
 вафони кўрмадим,  
 Охири бори маломат қоматимни  
 қилди нун.

<sup>1</sup> Сукун – тинчлик, осойишталик, харакатсизлик.

<sup>2</sup> Рўзи азал – азал куни, яратилишининг ибтидоси.

<sup>3</sup> Вожгун – тескари, чаппа, акс.

Кечакундуз тинмайин куб изтироб  
айлар эдим,  
Роҳатим дилдин камайди,  
мехнатим бўлди фуузун<sup>1</sup>.

Фам кўзум телмуртуруб қўйди  
биёбон даштиға,  
Кўзда ёшим қилди сахроларни  
рангин лолагун<sup>2</sup>.

Йўлни кўрганлар ҳама дунёни  
таркин килдилар,  
Кўп, сенам тарк айлагил,  
эй Машраби соҳибжунун<sup>3</sup>.

\* \* \*

Зулфини савдосидин кўнглум  
паришондур бу кун,  
Ёр васлин топмайин ер бирла  
яксондур бу кун.

Халқ аро шодлиғлар бор эди  
мундин бурун,  
Хар киши юз фам била дахр ичра  
сарсондур бу кун.

<sup>1</sup> Фуузун (Афзуун) – кўп, ортиқ, зиёда.

<sup>2</sup> Лолагун – лоларанг, қизил.

<sup>3</sup> Соҳибжунун – жунун эгаси. Жунун – ошиқлик, бекарорлик, савдоилик, ўзидан бехабарлик.

Гар менга қилса назар хуршид<sup>1</sup>  
дерман отини,  
Гарчи андин бир кўрунса,  
мохи тобондур бу кун.

Бандидин Фарҳод қочди ғам  
тоғида беркиниб,  
Хаста Мажнун ҳам кезиб,  
чўлларда сарсондир бу кун.

Гар мухаббат ахлиға қилса назар  
ул сарвиноз,  
Жаннат ул-ризвон бўлур  
бу кулба ахзондур бу кун.

Итлариға ҳамдам этти Машраби бечорани,  
Оллоҳ-Оллоҳ, не ажаб минг  
лутфу эҳсондур бу кун!

\* \* \*

Карорим йўқ кўнгулда лаҳзае,  
девона Машрабман,  
Куюндек шамъи ҳуснунг айланиб,  
парвона Машрабман.

Жаҳонда ҳар не бордин  
охиратга айладим итмом<sup>2</sup>,  
Паридур ё малак, ондин бўлак  
риндона Машрабман.

<sup>1</sup> Хуршид – офтоб, қуёш.

<sup>2</sup> Итмом – тамомлаш, тугаллаш.

Ишимдур факт әлини<sup>1</sup>  
тай қилиб катъи тааллуклар<sup>2</sup>,  
Ичибман туну кун май,  
толиби майхона Машрабман.

Мени зоҳир кўзида кўрган эл  
йўзда гумон айлар,  
Вале эл ичра ўздин, барчадин бегона  
Машрабман.

Юрудум хар тараф сайр этиб  
чун барқ жавлони,  
Ўзидин бехабар ҳам хуши йўқ  
мастона Машрабман.

Чу менга содавашлик<sup>3</sup> вазъидин бир  
йўзга сир йўқдур,  
Очук аъзо, ёруқ тан,  
халқ аро вайронна Машрабман.

Топибон ўз йўлунг, тарқ айла  
зоҳидлик йўлин Машраб,  
Мухаббат жомидин то май ичиб,  
мастона Машрабман.

<sup>1</sup> *Факр эли* – сўфийлар, дарвешлар.

<sup>2</sup> *Катъи тааллук* – боғлиқликларни тарқ этиш.

<sup>3</sup> *Содаваш* – соддага ўхшаш, содда бўлиб кўринган.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

\* \* \*

Ишқинг ўтидин, дилбар,  
    ҳар дамда куяй дерман,  
Коним била, эй жонон,  
    оламни бўяй дерман.

Юзунг била қошингдин  
    ўзгага назар қилсан,  
Ханжар олибон қўлға кўзумни ўяй дерман.

Мужгон ўқидин, дилбар,  
    қонимни тўкар бўлсанг,  
Ул шамъи жамолингга парвона  
    бўлай дерман.

Мен дашти муҳаббатда ташна  
    бўлубон юрдум,  
Эй сокий, қадаҳ сунғил,  
    тўйғунча ичай дерман.

Раҳм айласа гар дилбар  
    ҳам очса ниқобини,  
Мен хастасиман, дўстлар,  
    тўйғунча кўрай дерман.

Машраб сени деб, дилбар,  
    кечти икки оламдин,  
Раҳм айлагил, эй жоно,  
    биргина кўрай дерман.

\* \* \*

Жамолинг соғиниб,  
шому сахар мен зор йиғларман,  
Жунун сахросида<sup>1</sup>  
девона мажнунвор<sup>2</sup> йиғларман.

Сенга рози дилим изхор этиб,  
сўйлар мажолим йўқ,  
Паришонхолу саргардону дилафгор<sup>3</sup>  
йиғларман.

Юзунг шамсу зихи моҳи мунаввар<sup>4</sup>,  
эй парипайкар,  
Лабинг лаълу лисонинг<sup>5</sup> шахду шаккарвор<sup>6</sup>  
йиғларман.

Хатинг боғи бахору лолаю сарви  
суман эрди –  
Ки, мен чун булбули шўридаи  
гулзор йиғларман.

Кўрай деб орзу бирла жамолинг мен,  
эй зебо,  
Турубдурман эшигингда, ай ғамхор<sup>7</sup>,  
йиғларман.

<sup>1</sup> Жунун сахроси – 1) телбалик сахроси; 2) сахродай бехадду бепоён жунун.

<sup>2</sup> Мажнунвор – Мажнундай, телбадай.

<sup>3</sup> Дилафгор (Дилғигор) – дилхаста, кўнгли вайрон.

<sup>4</sup> Моҳи мунаввар – порлоқ ой; ойдай гўзал маҳбуба.

<sup>5</sup> Лисон – тил, нутқ.

<sup>6</sup> Шаккарвор – шакардай, ширин.

<sup>7</sup> Ғамхор – ғамхўр, меҳрибон.

Кўзумдин мавж уруб, селоби<sup>1</sup> ашким тўла  
кон оқти,  
Агар ёдимға тушсанг, эй париухсор<sup>2</sup>,  
йиғларман.

\* \* \*

Мухаббат ўтиға бағрим куюб,  
бирёна йиғларман,  
Висолингни тилаб, эй нозанин жонона,  
йиғларман.

Умидим – бодаи лаъли лабингдин  
жоми май ичсам,  
Фифону нола айлаб, бар дари майхона<sup>3</sup>  
йиғларман.

Сияҳ зулфинг менга зуннор –  
ўлдум кофир ишқинда,  
Бўлуб расвои олам сокини  
бутхона йиғларман.

Гахи булбул дар аффонман,  
гоҳи чун қумри нолонман,  
Гахи чуғзи паришонман,  
ватан вайронга йиғларман.

Аё Лайливашим, бир ғамзаю ноз бирла  
ўлдурдинг,  
Фироқинг даштида Мажнун ила ҳамхона  
йиғларман.

<sup>1</sup> Селоб – кўз ёши.

<sup>2</sup> Париухсор – пари юзли, гўзал.

<sup>3</sup> Бар дари майхона – майхона эшигига.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

На ҳожат менга дашту төрү саҳролар  
ватан қилмок,  
Агар бу йўлда бўлса жазбаи<sup>1</sup>  
девона йигларман.

Менга тўғони ҳасрат килди  
ҳамдам ул парирўлар<sup>2</sup>,  
Тўкуб мужгондин ашки  
Жайҳунона йигларман.

Жамолинг партави оламға тушти –  
барча ўртанди,  
Куюб, Машраб, мисоли ўртаниб  
парвона йигларман.

\* \* \*

Ул дилбари раъонни мен ёр тутай дерман,  
Май берса агар, ондин бир қатра  
тотай дерман.

Жаннат, хуру ғилмонинг, тоқу равоқ,  
айвонинг,  
Балки оби ҳайвонинг бир пулга  
сотай дерман.

Оlam ҳама Лайлидур, тун қоши каросидин  
Ойдек юзига бокиб, мастона бўлай дерман.

<sup>1</sup> Жазба – тортишиш, ўзига тортиш.

<sup>2</sup> Парирў – пари юзли, гўзал.

Ишк йўлида ул зоҳид ошикқа  
қилур таъна,  
Бир ўқ ила зоҳидни отиб йўқотай дерман.

Дўзах ўти сув бўлғай ишқинг ўтидин,  
Машраб,  
Ишқни ўтидин ташлаб, они қуритай  
дерман.

\* \* \*

Мажнун ўла кездим неча йил дашту  
биёбон,  
Лайлини сўроғлаб юрудум бесару сомон.

Бу арзи дилимни эшишиб, раҳм эта кўргил,  
Васлингни тилаб, кимки менингдек  
сенга ҳайрон.

Юз жоним агар бўлса сенинг  
йўлингта исор<sup>1</sup>,  
Хушдур бу гадолиг, не қиласай тахти  
Сулаймон.

Маст айлагали бу мени бечора ғарибни,  
Бир ғамза қилиб, ўтти кошимдин мени  
жонон.

Хуснунг сифатини ўкубон пири муғонлар,  
Девона бўлуб, белни букуб, бўлдилар урён.

<sup>1</sup> Исор – сочиш, бағишлаш, инъом.

♦(ЖАХОН ШЕҮРНЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)♦

Ишқинг ўтида бу юрагим ўртанаңдур, ох,  
Охир юрагим бўлғуси ишқ ўтида бирён.

Хажринг ғамидин бошима юз  
жавру жафодур,  
Васлингга етай, деб сени ошиқ кўзи гирён.

Раҳм айлагилу маҳрами асрор эта кўргил,  
Сен харна десанг, мен килайин  
банда бафармон<sup>1</sup>.

Бечора қулинг сенга деюр арзи дилини,  
Бергил талаби бандани, эй Холики инсон.

Соқийи азалдин<sup>2</sup> майи бир  
журъа тотибман,  
Бас, онинг учундур менга бу  
нашъай даврон.

Эй дилбари жонон, сени деб,  
хаста бу Машраб,  
Тушти они бошига бу кун меҳнати ҳижрон.

\* \* \*

Минг Аналҳақ келадур Мансур  
осилған дордин,  
Ҳар замон лаббайка<sup>3</sup> деб келғай  
нидо Жаббордин.

<sup>1</sup> Бафармон – мутеъ, банда.

<sup>2</sup> Соқийи азал – Кудо.

<sup>3</sup> Лаббайк – кабул қиласман, хизматингга хозирман маъносидаги сўз.

←( ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ )→

Олими гуфтор бўлма, фозили кирдор<sup>1</sup> бўл,  
Бандаларни Ҳақ сўрар махшар  
куни кирдордин.

Барча халқ савдосини килдики,  
сен қолдинг бу дам,  
Кимки камхарж эрур, хушк  
кайтар ул бозордин.

Мори зохир сахл<sup>2</sup> эрур нафс  
аждаҳоси олдида,  
Машрабо, қўрқмасмусан,  
кўнглунгда нафси мордин.

\* \* \*

Жилва айлаб шўхлуқдин жоним  
олгон санмусан?  
Ё менинг рухи равоним,  
жисмима жон санмусан?

Бу бошинг айлантуур ишқинг  
шамоли хар тараф,  
Гулшани ишқингда килғон беди<sup>3</sup>  
ларzon санмусан?

Ичмайин васлинг шароби тегди  
бадномлиғ ўти,  
Ҳасратингда айлаган ер бирла  
яксон санмусан?

<sup>1</sup> Кирдор – иш, амал.

<sup>2</sup> Сахл – осон, ёнгил.

<sup>3</sup> Бед – тол.

← [ЖАҲОН ШЕҶЕРЛЯТИ ДУРДОНАЛАРИ] →

Зийнати хуснунгни истаб топмадим  
дурри гухар,  
Маъдани кўздин чиқарғон дурру  
маржон санмусан?

Шамъдек эл базмини равшан қилиб  
хуснунг била,  
Жоним ўртарга фирокинг нори  
сўйон санмусан?

Мехнату дардимни сўрмай ғунчадек  
оғзинг очиб,  
Элға ишрат боғи ичра гули хандон  
санмусан?

Соядек юрдум оёғинг туфроғина юэ суруб,  
Боқмадинг бир дам туруб, сарви  
хиромон санмусан?

Хар кўнгил сайди учун зулфунг  
камандин ўйнатиб,  
Сеҳр этиб, ақлу ҳушим қилғон  
паришон санмусан?

Хар замон айлаб ғазаб Машрабга,  
минг тортиб қилич,  
Бу таним сон-сон<sup>1</sup> қилиб итларға  
солғон санмусан?

<sup>1</sup> Сон-сон – бу ерда: бўлак-бўлак, парча-парча.

← ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ →

\* \* \*

Доғи хижронингда куйдим,  
эй нигорим, қайдасан?  
Мавсуми гул бўлди охир,  
гульузорим қайдасан?

Лоладек гуллар очилди боғим  
иҷра доғларинг,  
Кел, тамошо кил бу гулни,  
лолазорим қайдасан?

Лашкари ғам бу синук кўнглумни  
афгор айлади,  
Арзи ҳолим айтайин,  
эй шаҳсуворим<sup>1</sup>, қайдасан?

Неча кунлар шод эдим васлинг  
шаробин нўш этиб,  
Кўхи ғам остида қолдим,  
эмди ёрим қайдасан?

Вакти хижрат бўлди, эй жоно,  
жудолик кунидир,  
Гул юзунгни бир кўройин,  
бул дучорим, қайдасан?

Кошки, булбул киби кетсам,  
яна келсам баҳор,  
Умр ўтар – йўқтур дубора бу нахорим,  
қайдасан?

<sup>1</sup> Шаҳсувор – 1) чавандоз; 2) маҳбуба.

↔(жАХОН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

Мен нечук сабр айлайин, сантдил<sup>1</sup>  
экансан, Машрабо,  
Бир қиё бокиб демайсан,  
интизорим, қайдасан?

\* \* \*

Фирокинг ўтиға, эй гулъузор йиғларман,  
Сани соғиниб, тун-кун зор-зор йиғларман.

Нетай, на чора қилай, васлингга  
етолмасман,  
Фирокинг ила чу абри баҳор йиғларман.

Гахи түшумда кўруб гул юзунг  
Зулайходек,  
Яқомни пора қилиб, лолаъузор, йиғларман.

Фарибу бекасу бечора ҳамдамим йўқидин  
Тушуб бу ғамзада кўнглумга ёр йиғларман.

Қани мусоҳиби<sup>2</sup> ҳамдам, қани қадрдонлар,  
Қани муҳиббу<sup>3</sup> қани дўсту ёр йиғларман.

Сўроғладим бу жаҳон мулкини саропойин,  
Топилмади яна сандак нигор, йиғларман.

Қаён борай, тугатай кимга айтибон дардим,  
Юроким ўртанибон пуршарор<sup>4</sup> йиғларман.

---

<sup>1</sup> Сантдил – бағри тош, каттиқ кўнгил, ситамгар.

<sup>2</sup> Мусоҳиб – дўст, ҳамдам, сирдош.

<sup>3</sup> Муҳиб – 1) дўст; 2) ошик.

<sup>4</sup> Пуршарор – ўтли, алангали, каттиқ куйдирувчи.

Таваккал айла Худо қисматиға,  
эй Машраб,  
Танимда жон борича интизор йиғларман.

\* \* \*

Май катрасидин тотғали мастана қилибсан,  
Расвои сари күчаву бутхона қилибсан.

Ул шамъи жамолингга, аё моҳи дилафрўз<sup>1</sup>,  
Юз минг манидек бандани  
парвона қилибсан.

Эмди мани савдозадага<sup>2</sup> Каъба на даркор?  
Тарсою жухудлар била ҳамхона қилибсан.

Зулфунг ториға бандаи бечоралар хайрон,  
Жонона, сари зулфунг  
агар шона қилибсан.

Бир жилваи ҳуснинг била,  
эй барки тажалли,  
Бул Машраби бечорани девона қилибсан.

\* \* \*

Эй алифдек қоматингни ибтидо<sup>3</sup>  
қилдим бу кун,  
Бе – балои доғи дардинг дилга  
жо қилдим бу кун.

<sup>1</sup> *Моҳи дилафрўз* – дилни ёритувчи ой; мажозан: кўнгилни шод этувчи маҳбуба.

<sup>2</sup> *Савдозада* – телба, саввойи.

<sup>3</sup> *Ибтидо* – бошлат, бошланиш.

◊( жаҳон шеърияти дурдоналари )◊

Те – тиловат қилгай эрдим ояти  
рухсоринги,

Се – савоби хатми Куръон интиҳо<sup>1</sup>  
килдим бу кун.

Жим – жамолингни кўрай деб келдим,  
эй шоҳи жаҳон,

Хе – ҳайтим борича ман илтижо қилдим  
бу кун.

Хе – халойик ичра бир хушхўйи<sup>2</sup>  
некў сандадур,

Дол – дилни олғучига ошно  
килдим бу кун.

Зол – зоеъ бўлмасун деб ҳар замон  
мехринг санинг,

Ре – работинг ичра то меҳру вафо  
килдим бу кун.

Зе – зулфунг шомидин йиғлаб  
юурман то сахар,

Син – селоби сиришкимни раҳо<sup>3</sup>  
килдим бу кун.

Шин – шаккарлиғ лабларингдин  
мехрибонлиғ кўрмадим,

Сод – сабрим қолмади,  
оҳу наво қилдим бу кун.

<sup>1</sup> Интиҳо – охир, сўнг, нихоя.

<sup>2</sup> Хушхўй – хушфеъл, хуштабиат.

<sup>3</sup> Раҳо – озод, халос.

↔(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

Зод – зоельиғ билан умрим ўтодур оқибат,  
 То – толеъсизлигимдин кўб хато  
 килдим бу кун.

Зо – золим кўзларингни ғамзаси  
 қилди хароб,  
 Айн – азиз жондан кечиб,  
 жоним фидо қилдим бу кун.

Файн – ғарибларга тараҳхум қилғил,  
 эй султони ҳусн,  
 Фе – фарофат бирла арзимни  
 адo қилдим бу кун.

Коф – курбат<sup>1</sup> васлидин бўлди  
 мададкорим Худо,  
 Гоф – гулзорида айни муддао  
 қилдим бу кун.

Лом – лабинг кавсар, тишиңг – гавҳар,  
 хадинг<sup>2</sup> – лаъл ўкуб,  
 Мим – меҳробинг кошида иқтидо<sup>3</sup>  
 қилдим бу кун.

Нун – на бўлғай биргина кўрсам  
 жамолинг, эй пари,  
 Вов – ваъда дилбарим, кўксумга  
 жо қилдим бу кун.

<sup>1</sup> Курбат – яқинлик, маҳрамлик.

<sup>2</sup> Ҳад – юз, ёноқ.

<sup>3</sup> Иқтидо – тақлид килиш, эргашиш.

◊( жаҳон шеърияти дурданалари )◊

Хе – хазил эрмас киши доғини пинхон  
айласа,  
Лом-алиф – лола сифат чоки қабо  
килдим бу кун.

Ё – ёрим – дилбаримға дуди охим  
сардини,  
Ҳамза – сокин айлабон сўи само  
килдим бу кун.

Пардаи исматда сакла Машраби  
бечорани,  
Дигари номаҳрамимни ошно килдим  
бу кун.

\* \* \*

Дод айлаб, ёрнинг кўйида юргон  
бормукин?  
Тун сахарларда қўпиб, рози дил айғон  
бормукин?

Ман ғариб ҳайрон бўлуб қолдим  
биёбонлар аро,  
Жон чиқар холатда ҳам ёрини суйғон  
бормукин?

Зарраи кўнглум ўти чиқса, жаҳонни  
куйдуур,  
Даргахиға бош қўюб, дийдорга етғон  
бормукин?

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Май ичиб Машраб азалдин,  
маст кетти оқибат,  
Жонни бермасдин бурун жононни  
күрғон бормукин?

\* \* \*

Йўқ парилар ичра, жонон,  
сан киби шириндахан<sup>1</sup>,  
Кўзларинг – жаллодваш, кифрикларинг –  
тийри каман.

Бир қадингдек сарв ҳеч бўстон  
ичинда бутмағай,  
Гул қачон ўхшар юзунгга гар юзунг  
барги суман.

Кимни күрса оқузодур конини дарё килиб,  
Кайси жаллод бўлғуси кошинг киби  
шамширзан<sup>2</sup>.

Фунчани лаълингта ташбех айласа  
эрмас адаб,  
Хадди эрмас садқаға лаъли  
Бадахшону Яман.

<sup>1</sup> Шириндахан – ширинсүэз.

<sup>2</sup> Шамширзан – шамшир урувчи, жанговар.

Отапи лаълинг ичидин оби ҳайвон<sup>1</sup>  
хуш етар,  
Хукқаи ёқут ичинда тишларинг  
дурри Адан.

Сунбул ўлсун зери по<sup>2</sup>, ё заъфарон<sup>3</sup>,  
ё удким<sup>4</sup>,  
Барчани абтар<sup>5</sup> қилур ул сунбули  
анбаршикан<sup>6</sup>.

Пираҳан рашки ўти жонимдадур,  
Тенгри учун  
Жисму жоним сен била бўлғай қачон,  
эй сиймтан?

Боги ишратда йўқ эрсанг –  
бир тикондур кўзга гул,  
Гар хаёлинг ўлмаса, кўнглум эрур байт  
ул-хазан.

Мехру моҳу лаълу гулни кўрмасам,  
ул юзунга –  
Хилнате бўлса, бўлуб парвона  
боқсам жону тан.

<sup>1</sup> Оби ҳайвон – оби ҳаёт, тириклик суви.

<sup>2</sup> Зери по – оёқ ости.

<sup>3</sup> Заъфарон – сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; сарик ранг.

<sup>4</sup> Уд – Ҳиндистон ва Бирмада ўсадиган новдалари қахваранг ва хушбўй дараҳт. Хушбўй хид таратиши учун уни манқалга солиб тутатадилар.

<sup>5</sup> Абтар – 1) ҳароб; 2) ҳаста, нотавон.

<sup>6</sup> Анбаршикан – аибардан афзал, никоятда хушбўй.

←( жаҳон шеърияти дурдоналари )→

Донаи холи лабинг ўтлуг юзунгда,  
эй пари,  
Оташин жисмим аро кўнглумдадур  
мушки Хўтан.

Раҳм қил Машраб қулунга,  
хаставу зоринг санинг,  
Давлатинг поянда<sup>1</sup> килсун ул Худои  
зулминан<sup>2</sup>.

\* \* \*

Конимни тўкар эрмиш Балх  
шахрида Маҳмудхон,  
Такдири азал бўлса, найлай,  
анга бермай жон.

Минг шукр Худойимга – Мансурга  
кўшулдум ман,  
Ул рўсиёҳларким, Мансурни ўлдурғон.

Бу ишқ йўлиға киргон албатта кечар  
жондин,  
Кечмаса агар жондин, айтган  
сўзиidor ёлғон.

Кўр ошиқи Фарходни – Ширин учун  
ул ўлди,  
Ишқ ўтида ўртаниб, охир чу фано бўлғон.

<sup>1</sup> Поянда – пойдор, устувор.

<sup>2</sup> Зулминан – миннат сохиби, яъни Оллоҳ.

ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Ул ошики Мажнун ҳам Лайлиға  
Эрур шайдо,  
Чүлларда ватан айлаб, күз  
Ёши равон ўлғон.

Ул зори Зулайхо ҳам Юсуфға  
бүлуб шайдо,  
Күрдунгми халойикға расвои жаҳон бўлғон.

Күр Зухраву Тохирни халқ ичра  
бўлуб машхур,  
Ташлаб бу тирикликни, ишқин  
йўлида ўлғон.

Ишк ўтида ўртандон ул Вомиқ ила Узро  
Махшар куни бўлғонда жаннатда  
килур жавлон.

中文字典

Рухи покини бу кун сўи само қилғучиман,  
Ул ғазаблик подшоҳга ошно қилғучиман.

Оташи ишқ олдида жонинг олурдин  
фам ема,  
Талх<sup>2</sup> жонингни танингга  
нораво қилғучиман.

<sup>1</sup> Эран – ориф, авлиē.

<sup>2</sup> Так - аччик.

Ман ўзум ғассол ўлуб, ювсам керак  
 жисмингни пок,  
 Нури иймонинг била қабринг  
 зиё қилғучиман.

Гўр ичи пурсандалар<sup>1</sup> сўрса саволи  
 бандалик,  
 «Раббим – Оллоҳ»ни тилингта  
 жо-бажо қилғучиман.

Ул қиёмат шиддатидан зарра хам  
 сан қўрқмагин,  
 Номай мақсадни илкингта жо қилғучиман.

Ул сирот<sup>2</sup> остида дўзах деб  
 паришон ўлмағил,  
 Пистани пўчоғига дўзахни жо қилғучиман!

Ул тарозу палласига солса аъмолинг сани,  
 Зарраи охим била журмунгни  
 ло қилғучиман.

Уқбай<sup>3</sup> рухи жинонда муттакий<sup>4</sup>  
 гул бўлмаса,  
 Етти минг йиллик сирот қаддин  
 дуто қилғучиман.

<sup>1</sup> Пурсанда – сўровчи.

<sup>2</sup> Сирот – қиёмат куни жаҳаннам узра тортилган қил-  
кўприк.

<sup>3</sup> Уқба – довон.

<sup>4</sup> Муттакий – тақводор, парҳезкор.

← (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) →

Ҳашт дари жаннат<sup>1</sup> юзунга во қилур  
бу Машрабинг,  
Ҳамнишини чорёри Мустафо килғучиман.

\* \* \*

Жунун даштига тушкон бекарор  
девоналардинман,  
Шуоъи<sup>2</sup> шамъ деб юрган ўшал  
парвоналардинман.

Чу билмасман ўзумни –  
масти бехудлиғ менга кўпdir –  
Ки, тарқ этган бу дунёни ўшал  
озодалардинман<sup>3</sup>.

Тушуб ўт жонима ҳар дам ўшал  
рухсори гулгундин  
Дамодам тинмайин келган  
ўшал ҳамёзалардинман<sup>4</sup>.

Деди девонаи Машраб неча кизлар  
аро сенга –  
Ки, «Оллоҳу» дебон юрган ўшал  
овворалардинман.

<sup>1</sup> Ҳашт дари жаннат – жаннатнинг саккиз эшиги.

<sup>2</sup> Шуоъ – нур, шульга.

<sup>3</sup> Озода – дунёвий боғликликлардан кутулган, тарки дунё қилган, жавонмард, дарвеш.

<sup>4</sup> Ҳамёза – эснаш.

← ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ →

\* \* \*

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону  
жахон ўртар,  
Бу ишк сиррин баён қилсам,  
таки ул хонумон ўртар.

Кишиға ишк ўтидин заррае етса,  
бўлур гирён,  
Бўлур бесабру бетоқат, юрак-бағри  
чунон ўртар.

Мени бехонумон тинмай  
куюб-ёндим фироқингда,  
Оting тутсам, нигоро дебки, завқидин  
забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, сени васфинг  
баён айлай,  
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгакларим  
ниҳон ўртар.

На каттиғ кун экан, жоно,  
висолингдин жудо бўлмоқ,  
Мени охим тутуниға замину осмон ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб  
холимни сўрмассан,  
Фаминг бошка, алам бошка,  
юракимни фиғон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоноки,  
хеч ким бошиға солма,  
Агар махшарда ох урсам, биҳишти  
жовидон ўртар.

\* \* \*

Дилбар юзини кўргали девона келибдур,  
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

Юз жоним агар бўлса, тасаддук  
анга айлай,  
Рафтори<sup>1</sup> бало, кўзлари мастона келибдур.

Девона бу жонингни фидо қил они учун,  
Кокиллариким, белина чулгона келибдур.

Зарроти<sup>2</sup> жаҳон ичида кўб ташналаб эрдим,  
Жонона била соҳиби паймона келибдур.

Жонингни фидо қил анга, эй хастай  
Машраб,  
Лаблари шакар, тишлари дурдона  
келибдур.

\* \* \*

Зебо санамим ўзини зебо ясатибдур,  
Конимни тўкарга бу қизил тўнни  
кийибдур.

<sup>1</sup> Рафтор – юриш, харакат, хиром.

<sup>2</sup> Заррот – 1) зарралар; 2) воқеликдагилар.

← ( ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ) →

Билмам яна ул офати жон қайси маконда,  
Ким бирла чөгір<sup>1</sup> ичтики, юзи қизорибдур.

Шаҳло күзини жоду демак айни хатодур,  
Тангрим ани ўз майлича танҳо яратибдур.

Сочин ечибон бошиға гар жигани санчса,  
Кокиллари белга тушуб, аъло ярашибдур.

Туфроғим уза лола унар вақтида, Машраб,  
Куйдурмок учун бағрима дөғинг  
тутошибдур.

\* \* \*

Гулгун май ичиб, лолаъузорим<sup>2</sup> келадур,  
Хар ён сузулиб, кўзи хуморим келадур.

Тишлаб лабини, мужгон ўқин менга  
отибон,  
Чоклаб юрагимни, дилфиғорим келадур.

Зулфини тараб, бошдин-аёғ зевар<sup>3</sup> этибдур,  
Сунбул ила гулбоғу баҳорим келадур.

Илкида килич, тийру садоқини олиб ҳам,  
Чопмокқа бу кун жоним олорим келадур.

Машраби бечорани зор, нотавон айлаб,  
Ишқ ўтиға куйдирғали ёрим келадур.

<sup>1</sup> Чөгір – май, шароб, маст қилувчи ичимлик.

<sup>2</sup> Лолаъузор – лола юэли.

<sup>3</sup> Зевар – безак, зийнат.

\* \* \*

Зоҳид, мени айб этма, гул юзу  
дудоғ ўртар,  
Парвонани кўрдунгму, ҳар кеча  
чароғ ўртар.

Наргис кўзи бир дамда оламни катл айлар,  
Лаъли лаби майгуни<sup>1</sup> доғ устиға доғ ўртар.

Зоҳид киби бўлғонлар,  
ишқ ўтиға куйғонлар,  
Ўт олдиға борғонлар бир дамда  
йироғ ўртар.

Дилхаста бу Машрабни ҳар кечую  
ҳар кундуз,  
Гоҳ ўтли нигоҳ ўртар, гоҳ сўзи<sup>2</sup>  
фироқ ўртар.

\* \* \*

Сени Лайлийи раънодек ажойиб  
дилрабо дерлар,  
Мени Мажнуни шайдодек қўйингда  
бир гадо дерлар.

Кеча-кундуз эшикингда фиғону  
нолалар қилсам –  
Ки, ҳарчанди наво қилсам,  
ҳанузам бенаво дерлар.

<sup>1</sup> Майгун – май рангли, қизил.

<sup>2</sup> Сўз – 1) олов, аланг; 2) куйдириш, ўрташ.

Юруб сүрдүм табиблардин:  
 «Бу дардимга даво борму?»  
 Табиб айтурки: «Эй нодон,  
 бу дардни бедаво дерлар!»

Кани Лайли, қани Мажнун,  
 қани Ширин билан Фарход?  
 Алар ўтди бу оламдин, бу олам  
 бевафо дерлар.

Итини хоки пойиники, Машраб  
 күзига суртти,  
 Нидо келдикі оламдин күзига  
 тұтиё дерлар.

\* \* \*

Сетор деманг, холи дилим сүрғучи танбур,  
 Күнглум гириху<sup>1</sup> ғамларини сурғучи  
 танбур.

Бир неча ракиблар сўзидин  
 ғамзада бўлсам,  
 Ҳамдард бўлубон оғушима киргучи танбур.

Қўтохназар халқ муни хеч қадрини  
 билмас,  
 Даргоҳи азалдин<sup>2</sup> хабаре бергучи танбур.

<sup>1</sup> Гириҳ – 1) тутун, чигил; 2) қийинчилик, мушкуллик.

<sup>2</sup> Даргоҳи азал – Худо даргоҳи.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Гар ёр жамолини күруб, пардаға солсам,  
Нағмаси они сийнахарош<sup>1</sup> этгучи танбур.

Хам ёр жамолидек они нашъаси бордур,  
Хайрат ўтидин маҳви санам қилғучи  
танбур.

Ошиқ юрагидин чикиб, ўттек келибон ул,  
Бир учқуниға жумлани куйдургучи танбур.

Машрабни тамом ақлин олиб ул бути  
хунрез,  
Жонимни ёқиб, сийнахарош этгучи танбур.

\* \* \*

То хильати<sup>2</sup> зохир кийибон зеби танимдур,  
Расво бўлубон кўйи маломат ватанимдур.

Сарви каду андишаи хуршиди жамолинг,  
Жон гулшанига лолаи сарви суманимдур!

Ханжар мижалар кўйига то тушти гузорим,  
Сар то бақадам<sup>3</sup> захми  
жафо пираҳанимдур.

Боғи Эраму сахни гулистони керакмас,  
Кўксумда мени дори мухаббат чаманимдур.

<sup>1</sup> Сийнахарош – кўнгилни тирновчи, озор берувчи.

<sup>2</sup> Хильат – уст кийим, ёпинчик.

<sup>3</sup> Сар то бақадам – бошдан-оёккача.

Шамшири жафо айлади бисмил<sup>1</sup>  
бу бошимни,  
Машраб, шарари күйи маломат  
кафанимдур.

\* \* \*

Кошинг мөхроби, эй дилбар,  
менингким қиблағоҳимдур<sup>2</sup>,  
Юзунг мөхри күнгүлни равшан  
этмакликка моҳимдур<sup>3</sup>.

Ибодатни қиёми<sup>4</sup> пойгоҳинг<sup>5</sup> хонаи  
Каъbam,  
Изинг ул остоңи олий узра такяғоҳимдур<sup>6</sup>.

Ики олам хаёлоти менга қотил эрур, жоно,  
Сипоҳинг<sup>7</sup> тортиб отланса, менга  
ёдинг паноҳимдур.

Бу күнгүл майл килса ғайрни<sup>8</sup>  
ёдени қилмоққа,  
Фами фуркат ўтида ҳарна куйсам  
ўз гуноҳимдур.

<sup>1</sup> *Бисмил* – сүйиш, ўлдириш.

<sup>2</sup> *Қиблағоҳ* – ибодатгоҳ, зиёратгоҳ.

<sup>3</sup> *Моҳ* – ой.

<sup>4</sup> *Қиём* – ибодат вактида тик туриш пайти.

<sup>5</sup> *Пойгоҳ* – бу ерда: жой, маком.

<sup>6</sup> *Такяғоҳ* – 1) суюнчик; 2) химоя килувчи, күмак берувчи.

<sup>7</sup> *Сипоҳ* – аскар, күшин, лашкар.

<sup>8</sup> *Ғайр* – бегона, ўзга.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Вале кўнглум қабул этмаски  
сендин ўзга дилбарни,  
Сочингни ҳалқаси ул  
зулмдин оромгоҳимдур.

Каро кўрган фалакда абр эрмас,  
ёкғони ёмғир,  
Мени ҳолимға йиғлар ул,  
қароси дуди<sup>1</sup> оҳимдур.

Эмасдур устухон<sup>2</sup> бирла отинг  
остида судралғон,  
Фаминг ранжи билан ўлган менинг  
жисми табоҳимдур.

Жафову жавр ила зулминг менга  
бедодлар килди,  
Карашманг кўрса қатл айлар,  
демас бу додҳоҳимдур.

Гуноҳим ғайрдин эрмас, кўзумдин,  
ихтиёримдин,  
Мени бу ўтға солғон ихтиёрим  
ҳам нигоҳимдур.

Мени ўлтурса-тиргузса санам лутфу  
ситам айлаб  
Ангадур ихтиёрим,  
харна қилса подшоҳимдур.

<sup>1</sup> Дуд – тутун.

<sup>2</sup> Устухон – суюк.

Тирикман – танда жоним бор,  
 ўлуб ётсам эшикингда,  
 Сари кўйи биҳишти  
 жовидоним хобгоҳимдур<sup>1</sup>.

Кечакундуз бу Машрабни хаёли  
 оston бўлса,  
 Висолинг давлатин топмоқقا  
 итлар садди роҳимдур<sup>2</sup>.

\* \* \*

Ишқингда мен волаю<sup>3</sup> хайрон яратубдур,  
 Тарсобачани ғорати иймон яратубдур.

Бу дашту биёбонда ўларман, нетай, охир,  
 Лутф айлагучиким, сени уммон яратубдур.

Жонимни олур бўлсанг, ол,  
 эй дилбари раъно,  
 Биз ғамзадаларни сенга қурбон яратубдур.

Тақдири қалам бошима етти, нетайин, ох,  
 Ҳажринг ғамида бесару сомон яратубдур.

Арзимни сенга айтайин, эй шоҳи жаҳоним,  
 Бизларни гадоким, сени султон яратубдур.

Ишқинг ўтида ошиқи бечора ғарифни  
 Тун-кун улус<sup>4</sup> кўйида нолон яратубдур.

<sup>1</sup> Хобгоҳ – ўрин, ёток.

<sup>2</sup> Садди роҳ – йўл тўсифи, юв, девор.

<sup>3</sup> Вола – ошиқ, шайдо, мафтун.

<sup>4</sup> Улус – эл, халқ, омма.

Сахрои ғам ичра мени хайрону харобу  
Лабтаснаю дилхастаю сарсон яратубдур.

Мастона сифат ишва билан нозу карашма,  
Парвона сифат шамъига сўзон яратубдур.

Девонаю Мажнун не қилур, йўқдур иложи,  
Аз рўзи азал<sup>1</sup> бағрини бирён яратубдур.

Девонаи Машраб не демиш эрса, ёронлар,  
Айб айламангизлар, они нодон яратубдур.

\* \* \*

То телбалиғим шухрати оламни тутубдур,  
Ондин бери Мажнун сўзини халқ  
унутубдур.

Фарҳод ила Мажнун не билур  
ишқ рамузин<sup>2</sup>,  
Ишқ бобида ул шогирдларимки, ўқутубдур.

Мужгонларингизни ўқи афёрга тегди,  
Мен билдим – жонимға нелар  
мендин ўтубдур.

Хар лахза тегар санги<sup>3</sup> маломат юрагимга,  
Эл таънаси-чун бағрими афгор этубдур.

<sup>1</sup> Аз рўзи азал – азал кунидан.

<sup>2</sup> Рамуз – рамзлар, ишоралар.

<sup>3</sup> Санг – тош.

Машрабки, вужуди била мамлү<sup>1</sup>  
майи ишқдин,  
Сармаст бўлубон эл орасинда юрубдур.

\* \* \*

Чиқсам кўчаларға шохсуворим келадур,  
Гул ғунчасидек лолаузорим келадур.

Ҳар ёнға бокиб, кирпик ўқин халқға отиб,  
Жонимға ёкиб ўтни, нигорим келадур.

Майгун лабидин ишқ майни элға сунубон,  
Ўз мастиғидин кўзи хуморим келадур.

Жонимға етиб ҳар соридин рашк қиличи,  
Мужгон ўқини ҳар ён оторим келадур.

Бегонаю ошноси йўқ – барчага ул teng,  
Гўёки менга янги баҳорим келадур.

Келмай неча кун, қайда қарор этти  
эканким,  
Кўнглумдин олиб сабру қарорим келадур.

Ўлмайму бу дард била, эй ёру ёронлар,  
Жоним уйиға ўтни ёкорим келадур.

Ҳам зоҳиду фосик ўзуна сажда килурға,  
Ҳар лахзада минг динни бузорим келадур.

<sup>1</sup> Мамлү – тўла, лиммо-лим.

Кундуз-кечаси ҳеч маҳал келган эмас ул,  
Бул турфа, кўрунг, лайлу нахорим<sup>1</sup>  
келадур.

Илгида килич, белда садоги била ул масть,  
Чопмас бурун ул жоним олорим келадур.

Гул барги каби ғам била сарғайди бу  
Машраб,  
Не ғам менга эмди – ғамгусорим<sup>2</sup> келадур.

\* \* \*

Латофат боғи ичра қоматинг сарви  
Хиромондур,  
Кўнгул қумриси тинмай доимо дар  
шўру афғондур<sup>3</sup>.

Кўзунг жаллоддур, қошинг –  
Хилолу кипригинг ханжар,  
Лабинг – лаълу даҳонинг –  
Гуичан садбарги хандондур,

Сен, эй зоҳид, менинг дарди дилимни  
Хеч билмассен,  
Юрогимга назар қилсанг,  
Тамоми захми пайкондур<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Лайлу наҳор – кеча-кундуз.

<sup>2</sup> Ғамгусор – ғамни кетказувчи, хурсанд қилувчи.

<sup>3</sup> Дар шўру афғон – нолаю фарёдда.

<sup>4</sup> Пайкон – 1) камон ўки; 2) тикан; 3) киприк.

Биҳишт ичра қадам қўймам,  
Йўқ эрса ваъдаи васлинг –  
Ки, сенсиз менга бу жаннат  
мисоли нори<sup>1</sup> сўзондур.

Ки сенсиз найлайнин ушбу жаҳонни,  
Эй вафодорим,  
Азоби кабр хижрон дардидин  
албатта осондур.

Умиди кўп эди ранжур<sup>2</sup> қилди  
ишиқ Машрабни,  
Агар мақсадга етмай ўлса, вовайло<sup>3</sup>,  
не армондур.

\* \* \*

Мавжи дарёи талотум шўриши  
маҳшарча бор,  
Ерга тушса қатра ашким баҳшиши  
гавҳарча бор.

Гавҳари ноёбни ҳар кимга зоеъ қилмагил,  
Ҳак сухан, бил, бехабарни кўнглига  
наштарча бор.

Мен тасаддуки ўшандок  
олихимматлар бўлай,  
Зикри Оллоҳ – зулфиқори<sup>4</sup>,  
чопиши Ҳайдарча<sup>5</sup> бор.

<sup>1</sup> Нор – бу ерда: ўт, олов.

<sup>2</sup> Ранжур – дардманд, эзилган.

<sup>3</sup> Вовайло – эй воҳ, эй аттанг, афсус.

<sup>4</sup> Зулфиқор – Мухаммад алайхиссалом Ҳазрат Алига совға қилган дудама қилич.

<sup>5</sup> Ҳайдар – Ҳазрат Алининг лақаби: шер, арслон.

◊(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Ҳар хаси-чўбини кўрдум зикрини  
бисёр дер,  
Ҳар пири комилки, ўз қавмига  
пайғамбарча бор.

Гар ўзи бир лутф килса, мўри<sup>1</sup>  
лангни шер қилур,  
Пашшай лоғарни кўр, йўлида  
Искандарча<sup>2</sup> бор.

Машрабо, қилма сухан сен ҳар  
нечук нодонга хайф,  
Қадрини билган кишига ёқути  
ахмарча<sup>3</sup> бор.

\* \* \*

Сенинг ишқингда, эй дилбар,  
юроким тах-батах қондур,  
Мухаббат ўтида ҳар дам куюб  
кўнглум паришондур.

Качон чиқғай сенинг дардинг  
юрокимдин, нетай, мен зор,  
Агар шул дард ила ўлсам,  
ичимда тўла армондур.

<sup>1</sup> Мўр – чумоли.

<sup>2</sup> Искандар – македониялик машхур саркарда Александр Македонский.

<sup>3</sup> Аҳмар – қизил.

На бўлғай раҳм этиб сўрсангки,  
мен кўнгли шикастангни<sup>1</sup>,  
Ҳамиша ошиқи мискин сенинг  
ишқингда ҳайрондур.

Сўрарлар баъзи одамлар:  
«Бу дардинга даво борму?»  
Мен айтурман: «Биродарлар,  
бу дарди менга дармондур».

Кел, эй Машраб, бу ошиқлик  
ити душвордур<sup>2</sup> билсанг,  
Иноят бўлса гар Ҳақдинки,  
хар мушкул иш осондур.

\* \* \*

Ажаб Мажнун эрурман –  
дашт ила сахроға сиғмамдур,  
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб,  
дунёға сиғмамдур.

Шариат<sup>3</sup> ҳам, тариқат<sup>4</sup> ҳам, ҳақиқат<sup>5</sup>  
мендадур мавжуд,  
Чу султони азалдурманки,  
Арш аълоға сиғмамдур.

<sup>1</sup> Шикаста – 1) синган, мажрух; 2) ожиз, заиф.

<sup>2</sup> Душвор – кийин, мушкул.

<sup>3</sup> Шариат – тасаввуфнинг биринчи боскичи: ислом дини қонун-қоидалари.

<sup>4</sup> Тариқат – тасаввуфнинг иккинчи боскичи: йўл, сүлук.

<sup>5</sup> Ҳақиқат – тасаввуфнинг сўнгти боскичи: кашф ва илҳом йўли билан етиладиган моҳият.

Халилосо<sup>1</sup> бу йўлда оташи Намруд<sup>2</sup>  
меърожим<sup>3</sup>,  
Хамон<sup>4</sup> дурри ҳақиқатманки,  
хар дунёға сиғмамдур.

Ризо мулкидаман – ҳалқумни  
туттум тифи акбарга<sup>5</sup>,  
Бу йўлда сийнаи поки  
Забихуллоға<sup>6</sup> сиғмамдур.

Агарчанди зиёрат қилмадим мен  
Каъбаи зоҳир,  
Тариқат ҳожисидурманки,  
Байтуллоға<sup>7</sup> сиғмамдур.

Гаҳи бўлдум фақиру<sup>8</sup> гоҳи шоҳу  
гаҳ гадодурман,  
Ажаб девонаман, фардоки  
маҳшаргоҳға сиғмамдур.

<sup>1</sup> *Халилосо* – Халил каби. *Халил* – Иброҳим алайҳис-саломнинг лақаби: дўст, ёр, севикли.

<sup>2</sup> *Намруд* – Иброҳим пайғамбарни ўтда ёккан золим шоҳ.

<sup>3</sup> *Меърож* – кўтарилиш, юксалиш, уруж.

<sup>4</sup> *Хамон* – ўша.

<sup>5</sup> *Акбар* – улуғ, катта.

<sup>6</sup> *Забихулло* – Исмоил алайҳиссаломнинг лақаби: курбон килингган.

<sup>7</sup> *Байтулло* (ҳ) – Оллоҳнинг уйи: Каъба.

<sup>8</sup> *Фақир* – факр мақомига мансуб киши. У Оллоҳдан бошкага муҳтоҷ бўлмай, таваккул эътиқоди билан яшайди.

Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман<sup>1</sup>,  
гоҳи бехудман,  
Жунун бозорида мастманки,  
истиғнога сиғмамдур.

Гаҳ ўрус, гоҳи черкас, гоҳи мўмин,  
гоҳи тарсоман,  
Не кавнайн<sup>2</sup>, миёни<sup>3</sup> лоу  
иллаллоға<sup>4</sup> сиғмамдур.

Мудом мискин эрурман, чун ғуломинг –  
Машрабингдурман,  
Мени бечора бу дунё била  
уқбоға сиғмамдур.

\* \* \*

Ҳар кишини дарди бўлса, дийдасидин  
нам келур,  
Кимки мунда шодлиғ истар, орқасидин  
ғам келур.

Сийнаи дафтарни очсам –  
етти дўзах очилур,  
Нолишимдин кўрқаман,  
мажлисга номаҳрам келур.

<sup>1</sup> *Худу бехуд* – гоҳ ўзида бўлиш, гоҳ ўзини унутиш,  
гоҳ маству гоҳ ҳушёр.

<sup>2</sup> *Кавнайн* – икки олам: бу дунё ва охират.

<sup>3</sup> *Миён* – ўрта.

<sup>4</sup> *Лоу иллалло* (*Ло илоҳа иллаллоҳ*) – Оллоҳдан бошка  
илоҳ йўқ.

Одамийнинг асли бирдур,  
 бир-биридин фарки бор,  
 Неча карн<sup>1</sup> ўтғонидин дунёга  
 бир одам келур.

Йиғламоқ осон эмас, эй сен,  
 жигарбандим, эшит,  
 Мулки дил садпора бўлғач,  
 дийдасидин нам келур.

Муллалар илмиға мағрур,  
 омилар исёнға гарк,  
 Кас<sup>2</sup> на билсун, рўзи маҳшар  
 кимни тоши кам келур?

Гар бошинг Аршга етушса,  
 сен ўзунгдин кетмалил,  
 Хар дарахтни меваси кўп бўлса,  
 боши хам келур...

\* \* \*

Бир жунуне менда бор –  
 юз маҳшаристонни<sup>3</sup> бузар,  
 Ул ҳадис, оят сўзин мункири<sup>4</sup>  
 Куръонни бузар.

<sup>1</sup> Карн – аср, давр.

<sup>2</sup> Кас – киши, одам.

<sup>3</sup> Маҳшаристон – қиёмат майдони.

<sup>4</sup> Мункир – инкор этувчи, рад қилувчи.

Неча юз минг ғулу дод ишқ  
лангари бўлғайму деб,  
Барки мастан хез-хези<sup>1</sup> хайли  
осмонни бузар.

Куйдирур ошиқни охи дўзаху  
ҳафт<sup>2</sup> иклиминг,  
Бу самандар ахгари Лавҳ, Курси –  
осмонни бузар.

Ёрдин менга саломе ҳам паём  
бўлғайму деб,  
Лашкари файзи сахар васвоси  
шайтонни бузар.

Машрабо, сен иқтидолик бандаларға  
улфат ўл,  
Сенга ҳамроҳ бўлмаса, албатта иймонни  
бузар.

\* \* \*

Парда кўтариб, ул шўх ҳар лаҳза  
итоб айлар,  
Нози билан ул дилбар ошиққа азоб айлар.

Куйдурди мани ишқи, кўнглумда  
анинг завқи,  
Хижрон ўтиға дилбар бағримни  
кабоб айлар.

<sup>1</sup> Хез-хез – бу ерда: харакат, чақмоқ чақиши.

<sup>2</sup> Ҳафт – етти. Ўтмиш мунахжимлари дунёни етти иклиминга бўлганлар. Етти иклим дейилганда, бутун ер юзи тушунилади.

Гоҳ ғамза билан чиқса, ишваси  
била бокса,  
Зулфи занжирин ҳар дам  
бўйнумға таноб айлар.

Хушумни тамом олди, ишқ оташиға солди,  
Соқий қадаҳин сунмай махмурӣ  
шароб айлар.

Қад – сарву юзи – гулзор,  
Машрабни қилиб афгор,  
Ҳар жавру жафо айлар шул  
хонахароб айлар.

\* \* \*

На хожат ҳажжи акбар<sup>1</sup> Кошғар  
уэра мазорим бор,  
Зиёйи чашмима хоки даридин<sup>2</sup>  
сурмазорим бор.

Мижам жоруб<sup>3</sup> этиб, кўэ косаси-ла  
сув сепай, дерман,  
Биҳишт адн<sup>4</sup> янглиғ соз этмак  
ихтиёrim бор.

Манга қисмат азалдиндур емак  
дарду бало қутин<sup>5</sup>,  
Бу ишрат гулшанида зулм элидин  
ғамгусорим бор.

<sup>1</sup> Ҳажжи акбар – Курбон ҳайити жума кунига тўғри келганда килинган ҳаж.

<sup>2</sup> Ҳокидар – эшик тупроғи.

<sup>3</sup> Жоруб – супурги.

<sup>4</sup> Биҳишти адн – энг гўзал жаннат.

<sup>5</sup> Қут – 1) таом, егулик; 2) ризқ, насиба.

Ити ичкан ялоғида манга ҳам тўъма<sup>1</sup>  
бергай деб,  
Тилаб кавсар шароби зухд эли  
янглиғ хуморим бор.

Мани кўрса қочадур шайхулислом  
Аҳраман<sup>2</sup> янглиғ,  
Нечун, бўйнумға зулфи тори чирмашган  
туморим бор.

Азалдин мен дили ғамгин ҳалойик  
хайлини севдим,  
Шахид қонини сипқорғон  
шаханшоҳлардин орим бор!

Таним таронғидур ҳар ёнда юз минг  
сояи ар-ар<sup>3</sup>,  
Кўзунгдин охуе, ғам тоги узра  
карвзорим бор.

Мани Машрабни бўйнини иting  
занжириға боғлаб,  
Эрур давлат, аёғ остида судратсанг,  
на орим бор?

<sup>1</sup> Тўъма – озиқ, овқат.

<sup>2</sup> Аҳраман – ёвузлик худоси.

<sup>3</sup> Ар-ар – шотерак.

\* \* \*

Бўюнгни, эй пари, монандай  
сарви расо дерлар,  
Малоҳатлиқ юзунгни офтоби ваз-зухо<sup>1</sup>,  
дерлар.

Тамоми халқни бир ғамза бирлан  
банда айлабсан,  
Сенинг дастингдин ошиқлар ҳама  
«Во ҳасрато!» дерлар.

Бу нозу ишва бирла ҳар замон  
уйдин кулуб чиксанг,  
Киши ўгрулмаса сендин, ани юзи  
каро дерлар.

Агар кифрик ўқи бирлан бу конимни  
тўкар бўлсанг,  
Магар ишқ йўлида ўлсам, шаҳиди  
Карбало дерлар.

Сочинг занжири-ла боғлаб, кел, эмди  
ол бу жонимни,  
Худо қози бўлуб сўрса мени,  
ким додхо дерлар.

Бу сўзни йиғлаб айди кеча-кундуз  
Машраби мискин,  
Бу оламда мени юз минг балога  
мубтало дерлар.

---

<sup>1</sup> Ваз-зухо – Куръони каримнинг 93-ояти: «Чошгоҳ вақтига қасам».

\* \* \*

Етмаса боди сабо ғунчага, хандон  
бўлмас,  
Ишқдин топмай асар, кабк<sup>1</sup>  
сухандон<sup>2</sup> бўлмас.

Гул юзини кўрмаса гулшан ичинда  
булбул,  
Айланиб ҳаргиз ўшал ерда  
хушалҳон<sup>3</sup> бўлмас.

Ишқ ўти юзни сариф айлагай,  
зору залил<sup>4</sup>,  
Жонини куйдурмаса, ошик  
юраги кон бўлмас.

Кўзи оташ, юзи маҳваш, сўзи  
дилкаш назари  
Тушмагунча қаро тош лаъли  
Бадахшон<sup>5</sup> бўлмас.

Икки зулфи ичинда гул юзи тобон<sup>6</sup>  
ўлди,  
Васли шамъи ўлмаса, ҳижрон  
туни тобон бўлмас.

<sup>1</sup> Кабк – каклик.

<sup>2</sup> Сухандон – нотик, сўзамол.

<sup>3</sup> Хушалҳон – хушоҳанг.

<sup>4</sup> Залил – хор, тубан, паст.

<sup>5</sup> Лаъли Бадахшон – Бадахшон тоғларида ҳосил бўладиган аъло навли лаъл.

<sup>6</sup> Тобон – порлок, ёркин.

Йиғлаб дедим: «Менга фурқат  
тунидин ой юзинг оч!»  
Ул деди: «Мехр<sup>1</sup> ёғин бўлса,  
дуррафшон<sup>2</sup> бўлмас».

Деди: «Васлим хушу ҳажрим аламидин  
дема сўз,  
Ошиқ улдур, асари тан,  
хабари жон бўлмас!»

Анга дедим: «Нетайин куйдуруб  
ўллурди бу дард,  
Бу нечук дардки, анга ҳаргиз  
дармон бўлмас».

Машрабо, гар сени ҳижрон ўқи минг  
пора килур,  
Фам ема, лаъл неча порадур,  
арzon бўлмас.

\* \* \*

Дардим ўтиға ёру биродар чидаёлмас,  
Дард ахли ёнар, ҳазрати довар<sup>3</sup> чидаёлмас.

Дардимдин агар зарра асар килса фалакка,  
Ўтлар чақилур, чархи мудаввар<sup>4</sup> чидаёлмас.

Сирри дилим изҳор агар бўлса малакка,  
Ул моҳ била шамси мунаvvар чидаёлмас.

<sup>1</sup> Мехр – куёш, офтоб.

<sup>2</sup> Дуррафшон – дур сочувчи, порлок, равшан.

<sup>3</sup> Довар – адлу инсоғ сохиби, яъни Худо.

<sup>4</sup> Мудаввар – доира, айланা.

Ишқ ахли агар нолаю фарёд чиқарса,  
Масжид куяру воизу минбар чидаёлмас.

Дардимни агар солса тарозуи амалға,  
Яъни кўрубон арса<sup>1</sup> маҳшар чидаёлмас.

Воиз бўлубон ваъз десам масжид элиға,  
Ваъзим эшитиб, масжиду минбар  
чидаёлмас.

Ашъори лазиз ила жавоб айди бу Машраб,  
Они ўқубон кўрса, Музaffer чидаёлмас.

\* \* \*

Хуршид юзининг шуъласига  
жон чидаёлмас,  
Кофир кўзининг зулмиға иймон чидаёлмас.

Лаъли лабини таърифини шарҳ қилурға  
Ҳам лавҳу қалам, котиби девон<sup>2</sup>  
чидаёлмас.

Ул нозанин ар<sup>3</sup> ноз ила жилвагар ўлса,  
Кўз солса анга, оқилу нодон чидаёлмас.

Бул ҳол била ул шўхи паризод гузар этса,  
Хуру парию Одаму Ризвон<sup>4</sup> чидаёлмас.

<sup>1</sup> Арса – майдон.

<sup>2</sup> Котиби девон – фаришталар.

<sup>3</sup> Ар – агар боғловчисининг қисқартирилган шакли.

<sup>4</sup> Ризвон – жаннат эшикоғаси.

Мен ютқан аламларни агар заррае totса,  
Дорои<sup>1</sup> жахон, Хисрави<sup>2</sup> даврон чидаёлмас.

Уммонга агар қатраи ашким дури ёғса,  
Маллоҳ<sup>3</sup> элию донаи маржон чидаёлмас.

\* \* \*

Менинг рози дилу зорим фаровондур,  
битеиб бўлмас –  
Ки, ишқ афсонасини дафтар узра  
шарҳ этиб бўлмас.

Тикансиз – гул, садафсиз –  
дур, мاشақкатсиз хунар йўқтур,  
Риёзат чекмагунча ёр васлиға этиб бўлмас.

Кўзум тушти юзиға –  
телмуруб хайрон бўлиб қолдим,  
Фалакка қўл узотиб, шамси  
анварни<sup>4</sup> тутиб бўлмас.

Хаданги тийри мижгонинг  
мени сийнамға жо бўлди,  
Кўнгул захмин очиб, бедардларга  
кўрсатиб бўлмас.

<sup>1</sup> Доро – каёнийлар сулоласининг охирги хукмдори бўлган Эрон шохи (вафоти – 330).

<sup>2</sup> Хисрав – қадимги Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб шоҳ Хисрав Парвез.

<sup>3</sup> Маллоҳ – кемачи, қайиқчи.

<sup>4</sup> Шамси анвар – порлок қуёш.

Узоф эрмиш ўшал зебо санамни қасри,  
эй Машраб,  
Агар юз йил жадал қилсанг,  
бу манзилга етиб бўлмас.

\* \* \*

Малаксан ё башар ё ҳуру ғилмонсан  
билиб бўлмас,  
Бу лутфу бу назокат бирла сендин  
айрилиб бўлмас.

Ажаб бераҳм дилбарсан, ажаб шўхи  
ситамгарсан,  
Чароги ҳусни рўйингдан кўнгулни  
ҳам узиб бўлмас.

Юзунгни офтобини кўруб,  
хайрон бўлуб колдим,  
Фалакка қўл узотиб, шамси  
анварни олиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гулдур,  
кўнгул чун булбули шайдо,  
Бу гулни ишқидин булбул чамандин  
айрилиб бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлубсан,  
бўлмагил юфил,  
Бу гафлат уйқусидин, эй ёронлар,  
уйғониб бўлмас.

\* \* \*

Ишқ мазҳабига тақвию тоат чидаёлмас,  
Тасбеху сано, зухду ибодат чидаёлмас.

Ким кўрса ўшал дилбари раъони  
баякбор<sup>1</sup>,  
Бетоқат ўлуб, айшу фароғат чидаёлмас.

Фарёду фиғонлар қиласурман кеча-кундуз,  
Хайратда қолиб, қад ила қомат чидаёлмас.

Адҳам сифат кирса киши факт йўлиға,  
Осойиш ила хайру саховат чидаёлмас.

Арбоби мухаббатга бўе келса санамдин,  
Ақли кетару сабру каноат чидаёлмас.

Эй эоҳид, агар қўрсанг ўшал моҳликони,  
Зухду<sup>2</sup> вараъу<sup>3</sup> каашфу каромат чидаёлмас.

Девона қилур ишқу санам васли  
чу Мажнун,  
Номусу хаё, айбу шикоят чидаёлмас.

Ул жоми мухаббат майдин  
кимки ичибдур,  
Жоҳу ҳашаму иззату роҳат чидаёлмас.

<sup>1</sup> Баякбор – бир марта.

<sup>2</sup> Зуҳд – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш.

<sup>3</sup> Вараъ – тариқатнинг иккинчи мақоми бўлиб, тақво, пархез маъноларини билдиради: тил вараъи, кўз вараъи, қалб вараъига бўлинади.

Бу ишқ элини зикри саносиға, аё шох,  
Бешубҳа, билинг, дасти иродат<sup>1</sup> чидаёлмас.

Машраб, келибон кўнгул ила раксу  
самоъ<sup>2</sup> қил,  
Ишқ мазҳабига оби<sup>3</sup> тахорат чидаёлмас.

\* \* \*

Шарҳ айласам ишқ дафтари ни  
жон чидаёлмас,  
Ҳам жону жаҳон одаму ҳайвон чидаёлмас.

Авроди<sup>4</sup> муҳаббат ўқубон масжида кирсам,  
Масжид куяру акли фаровон чидаёлмас.

Майхона кириб, васли санамдин  
хабар олсам,  
Зоҳид куяру оқилу нодон чидаёлмас.

Чун барқ урубон чикса ўшал кўхга<sup>5</sup>  
Мажнун,  
Дўзах куяру жаннату ризвон чидаёлмас.

<sup>1</sup> Дасти иродат – бу ерда: 1) тақдир кўли; 2) сидку эътиқод даражаси, ҳолати.

<sup>2</sup> Самоъ – эшитиш, тинглаш. Сўфийларнинг важду ҳолта эришиш мақсадида уюштирадиган зикр мажлислари, қўшик ва рақс базмлари.

<sup>3</sup> Об – сув.

<sup>4</sup> Аврод – 1) бомдод намозидан сўнг ўқиладиган дуо ёки оят; 2) зикрлар, дуолар.

<sup>5</sup> Кўҳ – тоғ.

Ишк дафтаридин гар ўқусам сура  
баякбор,  
Бешубҳа, билинг, ояти Куръон  
чидаёлмас.

Гар наъра уруб тавсани<sup>1</sup> ҳиммат  
мина қолсам,  
Девона бўлуб, шўриши афғон чидаёлмас.

Машраб, сен агар даъвийи ишқи  
санам эттинг,  
Биллоҳки, анга жисминг ила жон  
чидаёлмас.

\* \* \*

Агар ҳар кайда бўлсам мен кўнгул  
сендин жудо бўлмас,  
Магар минг йил наво қилсам,  
сенинг дардинг адо бўлмас.

Тиларман васлини тинмай неча йиллар  
юруб сарсон,  
Бориб айтинг ўшал ёрға – жудолиғек  
бало бўлмас.

Халойикларки айтурлар:  
«Бу дардингга даво йўқму?»  
Ўзидин ўзга, эй дўстлар,  
менга хеч бир даво бўлмас.

<sup>1</sup> Тавсан – аргумок, ўйноқи от.

Манам Машраб кеча-кундуз фирок  
 дардида йиғларман,  
 Магар маъшук юэин кўрмок  
 бу дунёда раво бўлмас.

\* \* \*

Чун кўлум бирла оёғим  
 боғламоқ ҳожат эмас,  
 Мен ўлумга розидурман,  
 тургали тоқат эмас.

Мунча шиддат бирла бошим  
 кесгали зўр айлама,  
 Баски, одам қони тўкмак  
 сенга ҳам тоат эмас.

Умр чун барқи ҳаводис<sup>1</sup> –  
 ёофил одам билмади,  
 Ойу кун оромига бир лаҳзае фурсат эмас.

Лашкари хунрез бўлса,  
 сабру ором қайда бор?!  
 Мажнуни девоналардин шохға роҳат эмас!

Чун муборак бўлсун, эй Машраб,  
 кизил қонинг сенинг,  
 Хўб иш бўлди сенга –  
 жон берганинг офат эмас!

---

<sup>1</sup> *Барқи ҳаводис* – тасодифлар чақмоги, ноҳуш ходисалар.

\* \* \*

Найлайн, дилдордин бегона  
бўлдум оқибат,  
Юз ғаму ҳасрат била ҳамхона  
бўлдум оқибат.

Бу жудолиғ ҳасратидин тоқат  
этмай бир замон,  
Ҳажр жомидин ичиб, мастона  
бўлдум оқибат.

Неча кўйида юрудум, етмадим васлиға ҳеч,  
Хонумонимдин кечиб, девона  
бўлдум оқибат.

Ёрни васлиға етғайманму деб шому сахар,  
Ўртаниб ҳажр ўтиға, парвона  
бўлдум оқибат.

Ҳаддин оңди бу мени расволигим  
олам аро,  
Халқи олам ичра кўб афсона  
бўлдум оқибат.

Хонаи айшу нашотини<sup>1</sup> ҳама барбод этиб,  
Чугздек дар кунжи<sup>2</sup> ҳар вайрона  
бўлдум оқибат.

<sup>1</sup> Нашот – шодлик, курсандчилик.

<sup>2</sup> Дар кунжи – четида, бурчагида, гӯшасида.

Хонақою Каъбадин, Машраб,  
мурода етмадим,  
Май ичибон сокини бутхона<sup>1</sup>  
бўлдум оқибат.

\* \* \*

Қилди бу чархи фалак расвой  
даврон оқибат,  
Бору йўқим бўлди охир ерга яксон оқибат.

Фуссаю ғамдин кутулмайдур ғарип  
бошим мени,  
Кимни хамдардим дедим, қилди  
паришон оқибат.

Охири билмам қаерга элтадур  
бул мотамим,  
Ғамдин ўзга бўлмади дардимга  
дармон оқибат.

Сарви озодларни<sup>2</sup> қаддин чархи  
гардун қилди хам,  
Шерларни корини марг<sup>3</sup> этти осмон оқибат.

Ўртанурман оташи хижронига мисли  
сипанд<sup>4</sup>,  
Менга келганда қуруб қолди  
гулистон оқибат.

<sup>1</sup> Сокини бутхона – бутхонада яшовчи.

<sup>2</sup> Сарви озод – тик ва баланд сарв; мажозан: баланд ва келишган қадду коматли маҳбуба.

<sup>3</sup> Марг – ўлим, ажал.

<sup>4</sup> Сипанд – исирик.

Тарки сухбат айладим ҳамрохи  
ноқобил билан,  
Роҳи<sup>1</sup> ободини тутдим,  
бўлди вайрон оқибат.

Кимга дард айтайки,  
мунда меҳрибоним бўлмаса,  
Ўртаса оламни кори бепушаймон оқибат.

Хона-хона ҳасратим мулки дилимга  
жўш урап,  
Килмадим Арш устига бир вакт  
жавлон оқибат.

Жон чиқар вактига етти-ю,  
узилди тори умр,  
Бир сўраб келса на бўлғай  
номусулмон оқибат.

Васлингга етмакка ошиқни иложи  
йўқ учун,  
Дард бўлди охири Машрабга  
дармон оқибат.

\* \* \*

Эй сабо, борсанг дуо давлатли  
султонимга айт,  
Мен учун ғамбодадил бўлғон  
паришонимга айт.

<sup>1</sup> Роҳ — йўл.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Бир сучук<sup>1</sup> сўзни гадосимен жаҳонда –  
бекасам,  
Қайғулук кўнглумни олғон яхши  
мехмонимга айт.

Моҳтоб<sup>2</sup> эрдим – жаҳондин  
баҳра олмай бораман,  
Тийра<sup>3</sup> баҳтимдин бориб хуршиди  
тобонимга<sup>4</sup> айт.

Оҳ, бемунислигим қилди бу оламдин фано,  
Бу ғарибни арзини ҳар шоми  
хижронимга айт.

Чуғэдек вайрона толмай бош урубман  
ҳар тараф,  
Дасту пойини<sup>5</sup> йитурган  
хонавайронимга айт.

Сели меҳнат охири қилди бу  
ҳолимни хароб,  
Менки ўлган сўнг бу мотамни  
гўристонимга айт.

Дафтар оч бехонумонлиғдин  
ўшал маҳбубга,  
Лайлини доғини Мажнуни биёбонимга айт.

<sup>1</sup> Сучук – чучук, ширин.

<sup>2</sup> Моҳтоб – порлаб турган ой, тўлин ой.

<sup>3</sup> Тийра – 1) кора, коронилик; 2) хира, нурсиз.

<sup>4</sup> Хуршиди тобон – порлоқ қуёш.

<sup>5</sup> Пой – оёқ.

Дилни мендин уэди, қандок дилни  
обод айлади,  
Хам амиirim, хам вазирим,  
бегиму хонимга айт.

Фам тарозусига тушган бори  
ваэминмен бу кун,  
Шояд ул дардимга етгай,  
мохи давронимга<sup>1</sup> айт.

Эй ҳабибим, мунисим, жоним,  
азизим, ҳамдамим,  
Мустаҳиклардин<sup>2</sup> дуюе  
Шоҳимардонимга<sup>3</sup> айт.

Хонумонимни они йўлида торож айладим,  
Арзи ихлосу дуо мендин ул  
султонимга айт.

Нангу номусдин<sup>4</sup> кечиб, кирдим  
маломат йўлига,  
Хам кўзимни оқи ҳамда шамъи  
нуронимга<sup>5</sup> айт.

Рост келмайдур улуғ дардимни  
изхор айласам,  
Жон фидо қилдим они йўлида,  
жононимга айт.

<sup>1</sup> Мохи даврон – замона гўзали.

<sup>2</sup> Мустаҳик – лойик, сазовор, муносиб.

<sup>3</sup> Шоҳимардон – Ҳаэррат Алиниң лақаби: мардлар шоҳи.

<sup>4</sup> Нанг – ор, уят, номус.

<sup>5</sup> Шамъи нурон – нурли, ёруғ шам.

❖ ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ❖

Машрабо, умрумни охир килди  
бу чархи фалак,  
Ул сухансанжу<sup>1</sup> суханфаҳму<sup>2</sup>  
сухандонимга айт.

\* \* \*

Наманган шаҳридин кетсам,  
мени йўқлар кишим борму?  
Фариблик шаҳрида юрсам,  
мени йўқлар кишим борму?

Қани қавму қариндошим,  
бу йўлда бўлса йўлдошим,  
Қўзимдин оқизиб ёшим,  
мени йўқлар кишим борму?

Мұхаббат шарбатин ичтим,  
қозондек қайнабон тоштим,  
Бу фоний дунядин кечтим,  
мени йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо,  
рамузи ишқдин ғавғо,  
Ўзига айлади шайдо,  
мени йўқлар кишим борму?

Турага тоқатим йўқдур,  
юрага ҳолатим йўқтур,  
Юракда ишқ ўти кўпдур,  
мени йўқлар кишим борму?

<sup>1</sup> Сухансанж – сўзнинг қадрига етадиган, билиб ва тушишиб тапирадиган.

<sup>2</sup> Суханфаҳм – сўзни нозик тушунадиган.

Қарорим йўқ турай десам,  
Намангонда юрай десам,  
Жаҳонни сайр этиб кезсам,  
мени йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабни  
киши холини сўрмайдур,  
Бу ердин бош олиб кетсам,  
мени йўқлар кишим борму?

\* \* \*

Не савдолар боша солдинг,  
бу савдолар туганмазму?  
Ки банд эттинг аёғларни,  
яна бандлар ёзилмаяму?

Паёми васл эшлитиб,  
мен юрарман шахрдин-шахра,  
Саги<sup>1</sup> даргоҳ бўлғонлар  
бу саглардин қутулмазму?

Сари зулфиға банд бўлғон жаҳон  
даври тасалсулдур<sup>2</sup> –  
Ки, асбоби жаҳон торин  
бирисидин узулмазму?

<sup>1</sup> Саг (Сак) – ит.

<sup>2</sup> Тасалсул – занжир халқалари каби бир-бирига уланиб кетган, бенихоя, чексиз.

«ЖАХОН ШЕРРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ки ишқ дарёсиға банд  
солмоғинг бисёр мушкулдур –  
Ки, токи рўйи олам<sup>1</sup> садди роҳ  
этсанг сурулмазму?

Тавофи олами дил қил жаҳонда  
хар башардин сен,  
Агар бир дилни сен бузсанг,  
юзар Каъба бузулмазму?

Жунунни қўэфат, эй Мапраб,  
булар маҳкуми таҳқиқидир –  
Ки, таҳқиқ сирридин фаҳм этки,  
зулфидек тугулмазму?

\* \* \*

Тириклиқда жудо бўлғон киши  
ёрини кўргайму?  
Фироқи ҳасратида сарғариб  
ё кўрмай ўлғайму?

Бўлуб ҳайрон, куюб бирён,  
висолин топмайин гирён,  
Баҳор айёмида булбул киби  
гулға кўшулғайму?

Нечук бедодлиғ бўлдики,  
мен сендин жудо бўлдум,  
Оқарған кўзларимға  
давлати дийдор бўлғайму?

<sup>1</sup> Рўйи олам – ер юзи.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Мен айтурман кўнгул узғил,  
бу кўнглум кўнгул узмайдур,  
Кўнгул айтурки: «Эй нодон,  
кўнгул берған узулғайму?»

Кел, эй соқий, қадаҳ сунғил,  
бўйойин масти мустағрак,  
Иноят бўлмаса сендин,  
тўкулган коса тўлғайму?

Сени ишқингда, эй дилбарки,  
менда қолмади токат,  
Яна ишқингда ох урсам,  
гузори ёр бўлғайму?

Азалдин ошно бўлмок батақдири Худо<sup>1</sup>,  
Машраб,  
Бу хижрон илгидин, дўстлар,  
ғариб жоним кутулғайму?

\* \* \*

Сани дардинга, эй дилбар,  
жахонда ҳеч даво борму?  
Етибдур ҳалқума жоним,  
сенингдек пуржафо<sup>2</sup> борму?

Санам, ишқинг мени охир бу  
умрумни ҳазон этти,  
Юрак пора, кўзи ёшлук, менингдек  
бенаво борму?

<sup>1</sup> Батақдири Худо – Худонинг тақдири.

<sup>2</sup> Пуржафо – жафоси кўп, золим, ситамгар.

Агар махшар куни чиқсам сени  
ишқингда дод айлаб,  
Киёмат қозиси<sup>1</sup> бўлсанг, сенингдек  
доддох борму?

Ҳама ошиқларинг ичра эрурман  
зору саргардон –  
Ки, ўлғон остонингда менингдек  
хеч гадо борму?

Ўкуб ул «Лайлию Мажнун»,  
эшиттил сўнгра бу қиссам,  
Куюб ҳажринг билан ўлғон  
менингдек мубтало борму?

Ўшал Фарход ила Мажнун  
кўруб ишқида жон берди,  
Фирокингда адо бўлғон менингдек  
мосуво<sup>2</sup> борму?

Зулайҳо бирла Юсуф ҳам чу  
дунёдин фифон айлаб,  
Қўшуб бир-бирига охир, сенингдек  
дилрабо борму?

Тамоми ошиқи содик ҳама мақсадига  
етти,  
Висолингта етолмай бир менингдек  
бенаво борму?

<sup>1</sup> Киймат қозиси – Худо.

<sup>2</sup> Мосуво – бутунлай маҳрум бўлган, жудо бўлган, айрилган.

Мани мунча фирокингда адо  
килди азим Жаббор,  
Муродиға етолмогон манингдек  
рўсиё борму?

Дедим девоналик бирлан бу сўзларни,  
аё дилбар,  
Хатоларни кечиргучи сенингдек  
подшо борму?..

Кел, эй Машраб, хато қилдинг,  
ёниб даргохига борғил,  
Ёриб боқсанг юрокимни, манингдек хеч  
адо борму?

\* \* \*

Мени жонимни куйдурмок учун  
оромижон гулруҳ<sup>1</sup>,  
Дилимни ғуссадин куйдурди ул  
номехрибон гулруҳ.

Кўнгул боғи очилди, тўбийи баҳтим  
самар берди,  
Хидоят гулшанида андалиби бўстон гулруҳ.

Қадалса кўксума тийри бало пайкони –  
мужгонинг,  
Мени жонимға жавр берди ул  
офатижон гулруҳ.

---

<sup>1</sup> Гулруҳ – гул юэли, гўзал, маҳбуба.

◀( ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ )▶

Менингдек неча саргардони бордур  
йўлда ўлтурган,  
Килиб Мажнунни мотам шахрига  
бехонумон гулрух.

Камон абрўлариға жон қуши сайд ўлди,  
найларман,  
Менга, эй шўхчашми фитнаи  
охирзамон гулрух.

Муяссар бўлди менга аввалу охир  
хақиқатдин –  
Қадам кўйди кўнгулни кулбасига  
мехмон гулрух.

Тамошо қилғудек фурсат керак  
тоқат килиб бўлса,  
Юзин очиб, такаллум айласа  
ширинзабон гулрух.

Аламли Машраб эрдим, ул парини  
дардидин куйдум.  
Мени охир дамимда қилди беному  
нишон гулрух.

\* \* \*

Мани аввора бўлғонға фирок ўти  
даво эрмиш,  
Куюб ишқинг билан ўтмак бу ошикқа  
раво эрмиш.

На бўлғай сўз қотиб ўтсанг мени  
саргаштаға, дилбар,  
На айлай жаннату хурни, менга шул  
муддао эрмиш.

Етибдур ҳалқума жоним, нечунким  
сабр этай мен зор,  
Фариб жоним олур бўлсанг, нигоро,  
марҳабо эрмиш!

Сени дарди фироқингдин юроким  
таҳ-батаҳ қондур,  
Кўзум ёшлиқ, дилим ғамлик,  
чу рангим қаҳрабо эрмиш.

Бу олам ичра мундоғ гирифтори  
бало килдинг,  
Киёмат қозиси бўлсанг, ғаму ҳасрат  
гуво(х) эрмиш.

Тамоми обиду зоҳид қўлига тухфасин олса,  
Куюб, бирён бўлуб, ошиқ ниёзи оху  
во(х) эрмиш.

Намозу тақвисин зоҳид килур  
олам аро машхур,  
Ўгуруб субҳасин<sup>1</sup>, тинмай иши  
доим риё эрмиш.

---

<sup>1</sup> Субҳа – тасбех.

На айши жаннату ризвон,  
на парвои чохи Бобил,  
Кезиб олам аро йиғлаб сўроғи  
дилрабо эрмиш.

Аё оламни куйдирган, жаҳонни  
ўтга куйдурган,  
Тараххум айлабон кўргил –  
камина бенаво эрмиш.

Агар маҳшар куни, Машраб,  
кўнгулни соф этай десанг,  
Тасаддуқ айлагил жонингни асру<sup>1</sup>,  
подшо эрмиш.

\* \* \*

Бир бокишингга жумлаи жонона  
тасаддуқ,  
Шаҳло кўзунгга оқилу девона тасаддуқ.

Гар пардасини очса-ю, дилбар менга  
бокса,  
Машъал юзиға мен киби парвона  
тасаддуқ.

Сокий бўлубон сунса қадаҳ ноз  
ила ҳар дам,  
Ул ғамзасиға соғару паймона тасаддуқ.

---

<sup>1</sup> Асру – бу ерда: тез, дарҳол.

Лаъли лабидин журъаи майни  
тилаб олдим,  
Дур тишларидан гавҳари якдана<sup>1</sup> тасаддуқ.

Юсуф сифат ул жилва  
килиб келса қошимға,  
Мен ўргулайин Каъбаю бутхона тасаддуқ.

Жонингни агар бер деса ул дилбари  
раъно,  
Жоним берайин йўлида мардана тасаддуқ.

Мужгон ўқиға қилса бу жонимни нишона,  
Қўксум берайин йўлида ҳайрона тасаддуқ.

Гулгун кийибон чиқса ўшал дилбари  
раъно,  
Мажнун бўлубон ўргулайин ёна тасаддуқ.

Ваъда килибон аиди:  
«Жамолимни кўрарсан»,  
Вахдат майдин ички,  
бу паймона тасаддуқ.

Машраб, сани зулфинг тараса,  
рашки келадур,  
Зулфинг торидин боди сабо,  
шона тасаддуқ.

<sup>1</sup> Якдана – бир дона, тенгсиз.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

\* \* \*

Ломаконни шахрида ошиқни шайдо  
қилди ишқ,  
Анбиёву авлиёларни ҳувайдо қилди ишқ.

Жилвасини кўрсатиб зохирда  
элға ранг-баранг,  
Ору номусдин кечиб, оламға  
фавғо қилди ишқ.

Ёши етмишга етиб, соттурди ўзни Боязид<sup>1</sup>,  
Маърифат бозорида, кўргил,  
на савдо қилди ишқ.

Шайх Шиблий<sup>2</sup>, шайх Аттор<sup>3</sup> ул  
«Аналҳақ» сухбатин –  
Курди, ичди бодани, Мансурни  
дордо қилди ишқ.

«Куфр айтти!» деб Насимий<sup>4</sup>  
терисини сўйдилар,  
Гўшту пўстин сўзлатиб,  
оламга гўё қилди ишқ.

<sup>1</sup> *Боязид* – машхур тасаввуф шайхи, олими ва шоири, тайфурия тариқати асосчиси Боязид Бистомий (вафоти – 961).

<sup>2</sup> *Шайх Шиблий* – машхур тасаввуф шайхи Абу Бакр Мұхаммад Жаъфар ибн Юнус.

<sup>3</sup> *Шайх Аттор* – машхур форс-тожик шоири ва мутафаккири Фаридиддин Аттор (1145–1221).

<sup>4</sup> *Насимий* – машхур озарбайжон шоири Имодиддин Насимий (1370–1417).

Шайх Санъондин<sup>1</sup> бўлуб тўрт юз  
мурид соҳибкамол,  
Кўрди тарсозодани<sup>2</sup> хукбону<sup>3</sup>  
тарсо қилди ишқ.

Билди-ю, эшитти Машрабнинг  
қарори йўқ экан,  
Зоҳирин гўё қилиб, ботинин  
бино қилди ишқ.

\* \* \*

Фаму дардинг рафик айлаб,  
мудом ох урганим бехрок<sup>4</sup>,  
Надоматда тўкуб ёш, васлинг  
излаб юрганим бехрок.

Жаҳон майдонида юрган, мухаббат  
ўтиға куйган,  
Суяр қуллар изини ман кўзумга  
сурганим бехрок.

<sup>1</sup> Шайх Санъон – Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ уттайр» достони қаҳрамони бўлган машҳур шайх. У Каъбада 50 йил шайхлик килган, 400 та муриди бўлган. Таквою тоатига ҳатто фаришталар ҳавас этган. Лекин тарсо қизни севиб қолгач, ундан баъзи бир ножӯя ишлар содир бўлади.

<sup>2</sup> Тарсозода – бу ерда: насроний динидаги киз.

<sup>3</sup> Хукбон – чўчқабокар.

<sup>4</sup> Бехроқ – яхшироқ, афзалроқ.

◀ **ЖАҲОН ШЕЪРНИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ** ▶

Ўшал Мажнуни ҳайрондек  
юрак-бағрим оқиб кўздин,  
Санамни ҳажрида сахрову  
чўлни кезганим бехроқ.

Муяссар бўлмаса жаннат  
ичинда давлати дийдор,  
Бихишттин кечибон дўзах ичинда  
куйганим бехроқ.

Хазон бўлмай гулистонлар баҳори умр,  
эй Машраб,  
Сахар вақтида булбулдек фифонлар  
килганим бехроқ.



## МУСТАЗОДЛАР

Эй моҳ, нетай, ишқинг ўти айлади расво,  
Девона бўлубман,  
Ишқинг ўти сийнам узадур,  
сенга на парво,  
Парвона бўлубман.  
Ул дамки, ўшал моҳ юзин  
бир йўли кўрдум,  
Чун хобу хаёлдек,  
Найранги рақиб ўлдиму ё тақдири Оллоҳ,  
Бегона бўлубман.  
Мен бандай мискин яна ғамгину ҳазинман,  
Сен пушти паноҳим<sup>1</sup>,  
Уммиди тараҳхум била мен сенга, ниgoro,  
Фарзона<sup>2</sup> бўлубман.  
Фуркатда кезиб кечаю  
кундуз мени маҳжур<sup>3</sup>,  
Фам даштида доим,  
Фарёду фирон бирла чекиб нола ила оҳ,  
Фамхона бўлубман.  
Машраб ҳолини сўргали оламда кими бор?  
Ким додига етгай?  
Йўқдур бу бузур дилни  
сўрап маҳрамим асло,  
Вайрона бўлубман.

<sup>1</sup> Пушти паноҳ – ҳомий, суюнчик.

<sup>2</sup> Фарзона – оқил, донишманд.

<sup>3</sup> Маҳжур – йирок, маҳрум, айрилиб қолган.

\* \* \*

Ногоҳ кўрунуб, жилва қилиб ўтти паризод,  
 Бағримни қилиб кон,  
 Фурқат ила ғам даштида дил айлади ношод,  
 Ул ваъдаси ёлғон.  
 Йиғлаб, югуруб орқасидин эргаша колдим,  
 Бир раҳм қилур деб,  
 Бераҳм вафосизға қилиб умрни барбод,  
 Саргаштаи ҳайрон.  
 Ғам тунлари то субҳ<sup>1</sup> куярман кеча-кундуз,  
 Ишрат била сенсан,  
 Лутфи била ғам лашкаридин айласа озод,  
 Шаънига не нуксон.  
 Парвона сифат ўргулайин ҳар қадамингдин,  
 Гар бўлса мұяссар,  
 Бир лаҳза тараҳхум юзидин айламадинг шод,  
 Ғамзант била, эй жон.  
 Бурқаъ солибон гуллари гар юзини очса,  
 Кўрмокқа не имкон,  
 Қатлимға анинг кўзларидур кофири жаллод,  
 Тўқмоққа раги<sup>2</sup> кон.  
 Иймонини бир ишвасига сотти бу Машраб,  
 Тарсобача учун,  
 Зуннор солиб, бўлди бараҳман<sup>3</sup> ила Шаддод<sup>4</sup>,  
 На куфру на иймон.

<sup>1</sup> Субҳ – тонг, эрталаб.

<sup>2</sup> Раг – томир.

<sup>3</sup> Бараҳман – 1) хинд ҳакими ва донишманди; 2) бутпарастлар пири.

<sup>4</sup> Шаддод – қадимги Эроннинг пешодийлар сулоласига мансуб тўртинчи хукмдор.



## МУРАББАЪ

Булбулдайинким фарёд этарман,  
Ишқ дафтарини бунёд этарман,  
Кўнглумни бир дам мен шод этарман,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Ғам бахри килди мавжини бунёд,  
Ишқингда килдим юз оху фарёд,  
Ўтти нигорим чун сарви озод,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Ҳажр аҳли келди – тутти ёқамдин,  
Бағрим тилинди пайкони ғамдин,  
Фарёд этарман ушбу аламдин,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Шамъи фироқинг кўксумда ёнди,  
Кўз ёшим оқиб, бағримға томди,  
Faфлатда қолғон Машраб уёнди,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?



## МУХАММАСЛАР

Ишқингда куймас ҳеч ким  
девона бўлмағунча,  
Шамъингга ёнмас ҳеч ким  
парвона бўлмағунча,  
Бел боғламас йўлиға мардона бўлмағунча,  
Бошга олиб маломат, афсона бўлмағунча.  
Севмас садафни ҳеч ким  
дурдона бўлмағунча.

Сенсиз менга, нигорим, икки  
олам керакмас,  
Тахту бахти Сулаймон,  
сенсиз хотам<sup>1</sup> керакмас,  
Хизр умри зиндалиги<sup>2</sup>, оби Замзам<sup>3</sup>  
керакмас,  
Сенсиз ўлай, дуо қил, менга бул  
дам керакмас,  
Танда жоним қолмади пайкона бўлмағунча.

Аршинг куяр охимдин –  
тонгла бўлса қиёмат,  
Инсу малак йиғлашиб айтур:  
«Нечук аломат?»

<sup>1</sup> Хотам – узук.

<sup>2</sup> Зиндалик – тириклик, хаёт.

<sup>3</sup> Оби Замзам – Замзам суви. Замзам – Каъба ёнидаги мукаддас булоқ.

Хуру ғилмон, биҳиштинг айтушурлар  
надомат,  
Чиқса охим зарраси ҳеч ким қолмас  
саломат,  
Колмас молик<sup>1</sup> дўзахдин  
сўзона бўлмағунча.

Тушти бошимға ишқинг –  
ларза қилиб йигладим,  
Тақдири азал шу деб,  
белим маҳкам боғладим,  
Ошиқ иши қаттиғ деб, оҳу воҳлар  
айладим,  
Дардинг беҳад зўрлади –  
даргоҳиға йигладим,  
Раҳм айламас нигорим гирёна бўлмағунча.

Ошиқ бўлсанг, туну кун жонни қурбон  
айлагил,  
Етса жавру жафолар, элдин пинҳон  
айлагил,  
Зулфи чинлар куфрини жонға иймон  
айлагил,  
Ҳажру фурқат дардида тинмай афғон  
айлагил,  
Жонинга жон улашмас жонона бўлмағунча.

<sup>1</sup> Молик – эга, сохиб, хўжайин.

Вақти баҳор май ичкил, билгил,  
ишират ғанимат,  
Соқий, сунғил қадаҳни,  
фурсат-сұхбат ғанимат,  
Зоҳид айтур: ёронлар, тасбек-тоат ғанимат,  
Машраб қаландарингга  
дарду меҳнат ғанимат,  
Кўрмас маъшук юзини афсона бўлмағунча.

\* \* \*

Зихи расволигим оламға солди  
шўру шар танҳо,  
Наҳангি нўҳ фалак дарёси бўлди  
алҳазар танҳо,  
Нигорим бирла мен пурхандадурман,  
халқи дайр<sup>1</sup> танҳо,  
Қаландарман – жаҳонни сайр этиб,  
килдим сафар танҳо,  
Чу симурғеки, парвоз айлагай  
беболу пар танҳо.

Биҳишт айвонида бўлмок иложин  
орзу қилмай,  
Сотарға дину дунёни ривожин  
орзу қилмай,  
Яна Руму Хито божу хирожин  
орзу қилмай,

<sup>1</sup> Дайр – оташпаратлар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Сўфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан хузурланишни билдиради.

Шаҳи рўйи заминни тахту тожин  
орзу қилмай,  
Гадон факр бўлдум, сайд этарман  
баҳру бар танҳо.

Дили тиги ситамдин пора бўлган  
халқни кўрдум,  
Тани дарду аламдин ёра бўлган  
халқни кўрдум,  
Кўзи вакти сахар сайёра бўлган  
халқни кўрдум,  
Мухаббат даштида аввора бўлган  
халқни кўрдум,  
Жунун түнён этибдур хар бириси  
бехабар танҳо.

Бу кун маҳмураму пири муғон  
олдига бош кўйдум,  
На шайх олдига бордим, на бараҳман  
сўзига юрдум,  
Йўлингда гоҳ югурдум, гоҳ йиқилдим,  
гоҳ ўлтурдум,  
Сени кўргунча то, эй нозанин,  
Тангрига топшурдум,  
Мени мундоғ мусоғир айлади даври  
камар танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон қулбасига  
сухбати маъшук,  
Муяссар бўлмаса маҳрамсаройи  
хилвати маъшук.  
Вужудингни адам килмоғлиғингдур  
миллати маъшук,

Йўқ этгил ўзлугингни, келмагай  
то ғайрати маъшук,  
Киши махрам бўлолмас ёрига,  
бўлмас агар танҳо.

\* \* \*

Бориб айтинг, азиэим, кўзларимға  
тўтиё келсун,  
Мени бедасту пони<sup>1</sup> кўргали ул  
подшо келсун,  
Солиб бўйнига зулфи анбарин  
мушки Хито келсун,  
Мени кулбамни равшан қилғали ул  
пурзиё келсун,  
Умидим бор, ранжурларни излаб  
ҳар сабо келсун.

Камон абрўлари<sup>2</sup> ҳар қайсиси  
бир шўхи жаллоде,  
Юрур бўлса чаманда қаддидур  
монанди шамшоде,  
Дубора<sup>3</sup> келмағай оламға мундок  
сарви озоде,  
Билолмайман, нечун пайдо қилибдур  
Аршни устоди,  
Дилимда юз жароҳат бор,  
бермакка даво келсун.

<sup>1</sup> Бедасту по – кўл-оёқсиз.

<sup>2</sup> Абрў – кош.

<sup>3</sup> Дубора – икки марта.

Бахори файзбахш келди –  
 жаҳон рангин чаман бўлди,  
 Бу кун мажлис тузунглар,  
 навбати гул пираҳан бўлди,  
 Аёғ босган ери серсабз<sup>1</sup> бўлди,  
 ёсуман бўлди,  
 Машомим<sup>2</sup> бўйидин ҳар соате мушки  
 Хўтсан бўлди,  
 Бу йўлда, дўсту душман билмасун,  
 гоҳ-гоҳ келсун.

Бориб айтинг ўшал зебо санамға:  
 «Ёринг ўлди» деб,  
 «Сени ҳажрингда куйган ошиқи  
 дийдоринг ўлди» деб,  
 «Тешилган тири ғамдин сийнаси  
 афгоринг ўлди» деб,  
 «Фарибу хастаю ҳажри фироқи  
 зоринг ўлди» деб,  
 Агарчи вақти ишрат келмади,  
 вақти азо келсун...

Чунон бехудлиғимдин субҳиму  
 шомимни билмайман,  
 Кетубдур акл мендин –  
 пухтаю<sup>3</sup> ҳомимни билмайман,  
 Билолмасман, нечук ўткардим  
 айёмимни, билмайман,

<sup>1</sup> Серсабз – майсазор, кўкаلامзор.

<sup>2</sup> Машом – димор.

<sup>3</sup> Пухта – пишган.

Бу йўлда мисли Мажнундек  
саранжомимни<sup>1</sup> билмайман,  
Чароғи дилни равшан қилғали  
нури сафо келсун.

Вафодорим, дедим, охир дамида  
бевафо бўлди,  
Билолмайман, не айб кўрдики,  
ул мендин жудо бўлди,  
Кўзимни кавлаган халкларга  
бориб ошино бўлди,  
Бошимға хонавайронлиғ тушуб,  
каддим дуто бўлди,  
Мени рўзи сиёҳни кўргали ул  
дилрабо келсун.

Кўзумни оқи янглиғ меҳрибонимдин  
аюргилар,  
Мени жон мулкида ороми жонимдин  
аюргилар,  
Бошим устида турғон соябонимдин  
аюргилар,  
Тепиб бағримни охир устухонимдин  
аюргилар,  
Кўзумни косасига тўлди нақши бўрё<sup>2</sup>,  
келсун.

Ўзини билмаганлар айтадурлар:  
«Ўзга ёр ахтар!»  
«Кўнгулни бевафоға бермагил –  
бир ғамгусор ахтар!»

<sup>1</sup> Саранжом – оқибат, охир.

<sup>2</sup> Бўрё – бўйра.

← ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ →

Ушал вақтеки, анга ахд қилдим,  
асли ҳамдамдур,  
У мендин күнгүл узса, то тирикман,  
күнгүл узмамдур,  
Дигар ёр ахтариб, мен дашту  
саҳроларни кезмамдур,  
Киёмат субхи отғунча бу паймонимни  
бузмамдур,  
Бошимни кесса-кессун, айланиб нозук  
адо келсун.

Будур аҳдимки, то қаддим дуто  
бўлғунча айрилмам,  
Лахад туфроғи то дийдамға жо  
бўлғунча айрилмам,  
Ду рўза<sup>1</sup> эски оламдин фано бўлғунча  
айрилмам,  
Бошимға чарх тоши осиё бўлғунча  
айрилмам –  
Ки, бўлди нўҳ фалак бошимға мисли  
осиё келсун.

<sup>1</sup> Ду рўза — икки кунлик.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Мени бедасту по ул ёр кўйига  
етолмайман,  
Чу хар номаҳрамеға рози  
дилни кўрсатолмайман,  
Сари зулфиға кўл солсан, қўлимни  
беркитолмайман,  
Равиши роҳ расмин  
бемехрга ўргатолмайман,  
Бориб айтинг, мени кулбамға тохи  
бевафо келсун.

Нечук бўлдики, Искандар эдим,  
икбол паст тушди,  
Кўнгулни ганда<sup>1</sup> айлаб, ошға чун  
бир магас<sup>2</sup> тушди.  
Не мушкулдур, биродар, хонаи  
нокасга кас тушди,  
Агарчи подшоҳ эрдим чу бўйнумга  
кафас тушди,  
Бу мушкулларни осон қилғали  
мушкулкушо<sup>3</sup> келсун.

Карашма бир тараф, халқ бир тараф –  
куйдурди доғидин,  
Магар хуре тушубдур кулбама  
жаннатни боғидин,  
Кўлини тутдиму қилдим тавоф,  
ўпдим аёғидин,

<sup>1</sup> Ганда – ёмон.

<sup>2</sup> Магас – чивин, пашша.

<sup>3</sup> Мушкулкушо – мушкулларни осон қилувчи.

Чароғе анга пайдо айладим  
 дийдамни ёғидин,  
 Умидимдур, мени тиргузгали  
 Аршдин Исо келсун<sup>1</sup>.

Жаҳонни хўбларини бевафо  
 қилмоқғадур қасди,  
 Килиб бехонумон, соҳибазо<sup>2</sup>  
 қилмоқғадур қасди,  
 Ҳазорон дарду ғамға опно  
 қилмоқғадур қасди,  
 Таги деворларға мубтало  
 қилмоқғадур қасди,  
 Олов ёксун бошимға, то тирикман  
 муддао келсун...

\* \* \*

Эй санам, гулгул ёнибсан,  
 май ичиб рахшонмусан?<sup>3</sup>  
 Барк уродур гул юзинг, ҳай-ҳай,  
 мохи тобонмусан?  
 Хуш кулуб, берғил жавобим, жонмусан,  
 жононмусан?  
 Оллоҳ-Оллоҳ, пора кўнглум  
 тахтиға султонмусан?  
 Шишаи жонимға тушган бир пари  
 жавлонмусан?

<sup>1</sup> Исо алайхиссалом тириклайн осмонга кўтарилиган ва  
 қуёш буржи хисобланган тўртинчи осмонда маком тутган.  
 У киёмат куни арафасида ер юзида яна пайдо бўлади. Бу  
 ерда шунга ишора килинмоқда.

<sup>2</sup> Соҳибазо – аза эгаси, таъзияли.

<sup>3</sup> Рахшон – порлок, жилваланувчи.

◀ ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ▶

Силкиниб бир-бир юурсан, булъажаб  
мастонасан,  
Май ичибон тир чекибсан,  
турфа<sup>1</sup> гулгун ёнасан,  
Бу назокатда туурсан,  
сен начук жононасан?  
Гулмусан, райхонмусан ё дурмусан,  
дурдонасан?  
Лаълмусан, ёкутмусан, маржонмусан,  
жононмусан?

Оразинг – анвар, хатинг – анбар,  
лабинг – шаҳду шакар,  
Пистаи хандондур оғзинг,  
кўзларинг бодоми тар<sup>2</sup>,  
Оразинг сахни аро холу хатингдур  
жилвагар,  
Бу назокат бирла, хай-хай,  
хуш келибсан дар назар<sup>3</sup>,  
Гулмусан, булбулмусан,  
сунбулмусан, райхонмусан?

Икки рухсоринг қизил гулдурму  
ё барги суман,  
Донаи райхон қаро холу хатинг  
сахни чаман,

<sup>1</sup> Турфа – ажабланарли, хайрон киласи.

<sup>2</sup> Бодоми тар – бодом шаклидаги гўзал кўз.

<sup>3</sup> Дар назар – назарга, кўзга.

Сиймтан<sup>1</sup>, гулпираҳан<sup>2</sup>, шириңсұхан<sup>3</sup>,  
нозикбадан.  
Одамисан ё парисан бу назокат бирла сан,  
Хурмусан, филмонмусан, жаннатмусан,  
ризвонмусан?<sup>4</sup>

Гул – юзунг, нарғис – күўзунг,  
райхон – хатинг, гулғунча – лаб,  
Махв бўлдум, эй пари, ҳардам  
жамолингга қараб,  
Коматинг нахли<sup>5</sup> биҳиштидур,  
занаҳдонинг<sup>6</sup> – рутаб<sup>6</sup>,  
Зулф ила холинг юзунг узра  
ярашубдур ажаб,  
Мисрға лашкар тўкубсан,  
шоҳи Ҳиндистонмусан?..

Лаъли рахшондур лабинг,  
курси сабоҳи<sup>7</sup> ғабғабинг<sup>8</sup>,  
Ой юзингга хўб ярашур дона-дона  
кавкабинг<sup>9</sup>,  
Доғлар қўйди юракка ул қаро ҳолу хатинг,

<sup>1</sup> Сиймтан – кумуштан, оқбадан.

<sup>2</sup> Гулпираҳан – гулдай гўзал ва қизил либосли, соҳибжамол.

<sup>3</sup> Шириңсұхан – шириңсўз.

<sup>4</sup> Нахл – никол.

<sup>5</sup> Занаҳдон – ияқ, бағбақа.

<sup>6</sup> Рутаб – ҳул, нам.

<sup>7</sup> Курси сабоҳи – қуёш.

<sup>8</sup> Ғабғаб – ияқ, бағбақа.

<sup>9</sup> Кавкаб – юлдуз.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Мунча доғ этмак недурким,  
                                 эй ситамгар, кўзларинг,  
Ўлдуурсан, тиргузурсан, Исои  
                                 давронмусан?

То кадам қўйдинг чаман сахнига,  
                                 эй бехор<sup>1</sup> гул,  
Килди пояндоз шамшоди қизил  
                                 дастор гул,  
Карқаранг<sup>2</sup> – сунбул, кулоҳинг<sup>3</sup> –  
                                 ғунаю рухсор – гул,  
Килди авродингни Тури Синода  
                                 такрор гул,  
Коматингдур турфа нозук,  
                                 химчай<sup>4</sup> ларzonмусан?

Турраи зулфунг эгилди чин-чин  
                                 устига чин,  
Чинилар келди бу чин савдосига  
                                 чин мулкидан,  
Силкиниб уйдин чиқарсан сарв  
                                 бўйлук нозанин,  
Мен нечун қилмай фидо жону  
                                 дилу иймону дин,  
Хуш кулуб жоним олурсан, ғунчай  
                                 хандонмусан?

<sup>1</sup> Бехор – тикансиз.

<sup>2</sup> Карқара – кизларнинг бош кийимига қадаб қўйиладиган пар, жига.

<sup>3</sup> Кулоҳ – бош кийим.

<sup>4</sup> Химча – хивич; мажозан: нозик, згиувчан.

Сўзларинг шахду шакардур,  
лабларинг қанду асал,  
Коматингдур найшакар<sup>1</sup>, бошдин-аёғинг  
бебадал<sup>2</sup>,  
Бир наво айлай, қулоқ солғил,  
эшитгил бу масал,  
Булбулингмен, сен гулимсан ҳам  
гулистаним азал,  
Машрабинг ўртанди, эй гул,  
оташни сўзонмусан?

\* \* \*

Хонумонидин жудо бўлган  
кишидин дард сўранг,  
Ўртаниб қадди дуто бўлган  
кишидин дард сўранг,  
Юз аламга ошно бўлган  
кишидин дард сўранг,  
Бекасу bemуттако бўлган  
кишидин дард сўранг,  
Мисли мен бедасту по бўлган  
кишидин дард сўранг.

Термулуб қолдим бу йўлда  
хамсафардин айрилиб,  
Йўл адошиб ғамдадурман  
роҳбардин айрилиб,  
Бахт қаро келдим бу йўлда  
яҳшилардин айрилиб,

<sup>1</sup> Найшакар – шакарқамиш.

<sup>2</sup> Бебадал – тенги йўқ, ўхшати йўқ.

Андалиб эрдим – қолибман  
 болу пардин айрилиб,  
 Мен каби бахти қаро бўлган  
 кишидин дард сўранг.

Онадин туғмиш куним  
 рўзе ҳаловат кўрмадим,  
 Бу работи кўхнада  
 мен истиқомат кўрмадим,  
 Фарқ бўлдум бир неча меҳнатга –  
 роҳат кўрмадим,  
 Фуссадин ўлдум бу кун,  
 хоби фароғат кўрмадим,  
 Хонабардўши<sup>1</sup> гадо бўлган  
 кишидин дард сўранг.

Дасти хушку<sup>2</sup> бебизоатман –  
 жаҳондин бесамар,  
 Фам билан оташга тушганман,  
 қолибман муштипар,  
 Бекасу бумуттако бўлган  
 кишини ким сўрар,  
 Ичганим захробадур<sup>3</sup> ҳар соате,  
 хуни жигар,  
 Ўртаниб сохибазо бўлган  
 кишидин дард сўранг.

<sup>1</sup> Хонабардўш – уй-жойсиз, овора, сарсон.

<sup>2</sup> Дасти хушк – қўли қуруқ, ҳеч нарсасиз.

<sup>3</sup> Захроба – захарли сув.

Бул мени рози дилимни зор  
бўлганлар билур,  
Дард кўрганлар билур,  
бемор бўлганлар билур,  
Фуссалар бирла дили афгор  
бўлганлар билур,  
Бир азиз боши чунонам хор  
бўлганлар билур,  
Йўл аро беракнамо бўлган  
кишидин дард сўранг.

Мисли қакнусдек бу оташ  
ошёнимдин чикар,  
Нола қилсам, оташи сўзон  
забонимдин чикар,  
Шўриши маҳшар мени оху  
фиғонимдин чикар,  
Дард кўрганлар баёни остошимдин чикар,  
Ўртаниб қадди дуто бўлган кишидин  
дард сўранг.

Муддате бўлди – бу йўлда истироҳат  
менда йўқ,  
Кашфдин холидуурман,  
ҳеч каромат менда йўқ,  
Лоладек сийнамда доғим бор,  
фароғат менда йўқ,  
Рози дил изхор қилурға ахли  
сухбат менда йўқ,  
Ранги зарди каҳрабо бўлган  
кишидин дард сўранг.

← ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ →

Фуссадин афсурдаман<sup>1</sup>,  
 бағримда коним қолмади,  
 Бўлди хокистар вужудим,  
 устухоним қолмади,  
 Фам фано килди мени, ному  
 нишоним қолмади,  
 Онқадар ўртанди жисми  
 нотавоним, қолмади,  
 Ҳажру фам бирла фано бўлган  
 кишидин дард сўранг.

Машрабо, зулматга ғарк  
 бўлди мени обу гилим<sup>2</sup>,  
 Бу сабабдин танг келибдур  
 боратургон манзилим,  
 Ҳар замон, ҳар лаҳза, ҳар соат  
 паришондур дилим,  
 Иزلасам ёнимда йўқ бир  
 ғамгусори қобилим,  
 Ўртаниб қолган, адо бўлган  
 кишидан дард сўранг.

<sup>1</sup> Афсурда – эзилган, сўлғин.

<sup>2</sup> Обу гил – сув ва тупрок; мажозан: яратилиш, инсон табиати.



## МУСАДДАС

Эй пари, юз кўрсатуб,  
минг ноз ила бокконмусан?  
Хирмани умрумға  
ишкинг ўтини ёкконмусан?  
Мехрдек хуснунгга  
зулфинг абрини ёпконмусан?  
Ўзга юзга бокмасун, деб  
кузга мих қоқонмусан?  
Айланиб, ҳар ёнға  
ғамзанг ўқини отконмусан?  
Катл айларға мени  
таржих этиб топқонмусан?

Сунбулурайхон сочар ҳар  
дам паришон кокулинг,  
Барчани булбул қилур ул  
тоза очилган гулинг,  
Маст этар ағёрни лаб жомидин  
гулгун мулинг<sup>1</sup>,  
Лаълу маржонлар тўкар  
кўз маҳзанидин<sup>2</sup> булбулинг,  
Илтифотинг маҳзанидин  
топмади маҳзун кулинг,  
Толеъимға лутфу эҳсон  
эшикин ёпқонмусан?

<sup>1</sup> Мул – май, шароб.

<sup>2</sup> Маҳзан – хазина, ганж.

Шодлик менга йирокдур –  
 масканинг майхонадур,  
 Туну кун ишрат майдин кўзларинг  
 мастанадур,  
 Лаългун<sup>1</sup> май тобидин юзунг аро  
 дурдонадур,  
 Жон умид айлаб ўшал дурлар  
 учун парвонадур,  
 Дарди меҳнат тошидин кўнглум  
 мени вайронадур,  
 Нотавон кўнглумға ҳар  
 дам доғлар қўйғонмусан?

Хўб ярошур, эй нигорим,  
 бошинг узра қарқаранг.  
 Ушбу зийнатлар била бул  
 нотавонға бир қаранг,  
 Тарки эулм эт, лаҳзае раҳм айла,  
 эй шохи фаранг,  
 Хораси хўбдур кошингга вусма  
 бирла сурмаранг,  
 Турфа нозик гул юзунгдур,  
 кирпигингт санчиб ҳаданг,  
 Барча маҳваш ишқ аро қул –  
 ҳусн аро султонмусан?

<sup>1</sup> *Лаългун* – лаълга ўхшаган, қизил.

Соғар ичгач, гул очилғондек  
 килурсан хандалар,  
 Жон топар қах-қах унингдин  
 кайтадин жонкандалар<sup>1</sup>,  
 Тири ғамзангдин йўлингда кўп  
 эрур афкандалар<sup>2</sup>,  
 Барча котиллар сени кўрса,  
 бўлур шармандалар,  
 Лайлию Ширин киби қўйингда  
 юз минг бандалар,  
 Барча нурни нопадид<sup>3</sup> этган  
 маҳи тобонмусан?

Оташин лаъли майингдин  
 журъаे қилдим талаб,  
 Ваъда килдинг – лутфу эхсондин  
 беройин лаб-балаб,  
 Боқмадинг, билмам гуноҳим,  
 кўз учи бирла қараб,  
 Бул ажаб маҳрам йўқинда  
 бизга бўлди рўз шаб,  
 Не сабабдин қувладинг мен  
 хаста қулни ташналаб,  
 Айтғило, Тенгри учун,  
 сўзи чин, ёлғонмусан?

<sup>1</sup> Жонканда – жони узилган, жони чиққан.

<sup>2</sup> Афканда – йикилган, мағлуб, забун.

<sup>3</sup> Нопадид – кўринмас, маҳфий.

Мендин ўлдунг не учун,  
эй дилрабо, ошуфтахол<sup>1</sup>,  
Барча эл кўнгул қушинг тутмок  
учун айлар хаёл,  
Лола янглиғ юзларингдур,  
кошларинг ойдек хилол<sup>2</sup>,  
Дам-бадам сув ўрнига  
лаълинг тўкадур жоми бол,  
Сарв шохин ҳар тарафга мойил  
эттандек шамол  
Жилва айлаб қайрилурсан –  
химчай ларзонмусан?

Жонни юз минг пора килди, дилрабо,  
нозинг сенинг,  
Элни қурбон айламақдур кунда  
андозинг<sup>3</sup> сенинг,  
Ўлдирурга, тиргизурга йўктур  
анбозинг<sup>4</sup> сенинг,  
Эл сўзунгдин жон топар –  
жондурки алфозинг<sup>5</sup> сенинг,  
Шарх қил, жонон, надур  
хуснунгга парвозинг сенинг,  
Ўлгулай, эй дилрабо, ё жонмусан,  
жононмусан?

<sup>1</sup> Ошуфтахол – паришонҳол, ғам бостан.

<sup>2</sup> Хилол – уч кунлик ой; мажозан: маъшуқанинг қайрилма қоши.

<sup>3</sup> Андоз – 1) қасд, душманлик; 2) мўлжал, интилиш.

<sup>4</sup> Анбоз – шерик, эш, жуфт.

<sup>5</sup> Алфоз – сўзлар, иборалар, жумлалар.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Катл этар хар кунда мен бечорани  
кофир кўзунг,  
Кайси шоҳни ҳадди манъ  
этмоққа – ҳокимсан ўзунг,  
Кеча ишрат бирла, қон тўймакда  
ўтти кундузунг,  
Лаҳзада юз минг ўлукға жон  
берур хар бир сўзунг,  
Фунчадек оғзинг очиб,  
Машраб қулунгни тиргузунг,  
Ўлдуурсан, тиргузурсан –  
Исой давронмусан?



## МУСАББАЬ

Эй ғунчай навхези<sup>1</sup> гулистони малоҳат,  
В-эй, тоза нихоли чаманорои назокат,  
Зулфи сияҳинг фитнаю холу  
хатинг – офат,  
Йўлунгда тегар бошима минг санги  
маломат,  
Макбулсан, эй дилбари хушлаҳжа<sup>2</sup>, бағоят,  
Вах-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб,  
на киёмат,  
Хай-хай, на жафо қилса санам –  
жонима роҳат.

Ул холки, кунжи лаби жонона тушубдур,  
Жон олмок учун кўзлари мастона  
тушубдур,  
Хиндубачаки<sup>3</sup>, мулки Сулаймона тушубдур,  
Ул чохи занахдонига<sup>4</sup> бир дона тушубдур,  
Чун Юсуфи Кањонки, зиндана тушубдур,  
Вах-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб,  
на киёмат,  
Хай-хай, на жафо қилса санам –  
жонима роҳат.

<sup>1</sup> Навхез – тоза, ёш, янги ўсиб келаётган.

<sup>2</sup> Хушлаҳжа – хушваз, ёқимли.

<sup>3</sup> Хиндубача – хинд боласи; мажозан: кора ранг; кора хол.

<sup>4</sup> Чоҳи занахдон – ияк чукурчаси.

ЖАҚОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

*Забаржад* – сарикқа мойил яшил тусли қимматбаң тош.

<sup>2</sup> Мөхү барын – ой каби гүзэл.

<sup>3</sup> Мұжаррәд – якка, өлпіз, танхо.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Эй мүғбача, марғбулугинг<sup>1</sup>  
хаддин ўтубдур,  
Овозай ҳуснунг ҳама оламни тутубдур,  
Гулзори жамолингга гулу лола битидур,  
Машшотаи тақдир сени хуш яратубдур  
Юзунгни кўруб, одами жаннат унутубдур,  
Вах-вах, на гўзалсан, на ажойиб,  
на киёмат,  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам –  
жонима роҳат.

Бул турфа хироми қилибон неча таманно,  
Куйдум, мени ёд этмадинг,  
эй маҳвашим, асло,  
Лаълингга ёзилган хати сабзинг –  
гули раъно,  
Бир тарз нигоҳингга қилибсан мени шайдо,  
Қошинг қаламу шамъи жамолинг чаманаро,  
Вах-вах, на гўзалсан, на ажойиб,  
на киёмат,  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам –  
жонима роҳат.

Даврон эли бир тарзи нигоҳингга тасаддук,  
Оҳуи Ҳўтан чашми сиёҳингга тасаддук,  
Жононаи Чин зулфи дутоҳингга тасаддук,  
Бағдод ила Рум турфа  
кулоҳингга тасаддук,

<sup>1</sup> Марғуб – севимли, ёқимли.

Мен хам бўлайин рўйи чу  
 моҳингга тасаддук.  
 Вах-вах, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,  
 Хай-ҳай, на жафо килса санам –  
 жонима роҳат.

Хар дам мани бечора қилиб дод ила афрон,  
 Кўюнгда юрубман неча йил бесару сомон,  
 Ул сарв қадинг ёдина қумри киби нолон,  
 Курбонинг ўлай, мунча мени қилма  
 паришон,  
 Сен жумла жаҳон сарвари,  
 жононаи даврон,  
 Вах-вах, на гўзалсан, на ажойиб,  
 на қиёмат,  
 Хай-ҳай, на жафо килса санам –  
 жонима роҳат.

Кокулларинг ҳалқасин чун ой кўрубман,  
 Жон риштасин хар торига бар  
 жой кўрубман,  
 Киприкларинг ўқларини ёй кўрубман,  
 Гисулари чун зулфини бар пой<sup>1</sup> кўрубман,  
 Машрабни ўзум ошиқи худрой<sup>2</sup> кўрубман,  
 Вах-вах, на гўзалсан, на ажойиб,  
 на қиёмат,  
 Хай-ҳай, на жафо килса санам –  
 жонима роҳат.

<sup>1</sup> Бар пой – бу ерда: сочи товонига тушади маъносидা.

<sup>2</sup> Худрой – ўжар, қайсар, саркаш.

---

---

## М У Н Д А Р И Ж А

Эргаш Очилов. Жасоратли қалб сохиби.....	3
Фазаллар .....	16
Мустазодлар .....	218
Мураббаъ .....	220
Мухаммаслар .....	221
Мусаддас .....	238
Мусаббаъ .....	243

**Жаҳон шеърияти дурдоналари**

*Адабий-бадиий нашр*

**МАШРАБ**

**АГАР ОШИҚЛИГИМ АЙТСАМ**

*Мухаррир Б. Ҳудоёрова*

*Рассом А. Сайидбердиев*

*Бадиий мухаррир Р. Зуфаров*

*Техник мухаррир Т. Харитонова*

*Кичик мухаррир Д. Холматова*

*Мусаххих С. Салоҳутдинова*

*Компьютерда тайёрловчи Д. Габдрахманова*

Нашриёт лицензияси AI № 158.14.08.09.

Босишига 2013 йил 20 марта рухсат этилди.

Бичими 70x90<sup>1/32</sup>. Офсет қофози. «Virtec Peterburg»  
гарнитурасинда офсет усулда босилди. Шартли босма  
табоби 9,06. Нашр табоби 8,64. Нусхаси 3000.

Буюртма №13-156

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: [iptd.uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:iptd.uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)